

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК:[811.512.133:811.111]`373.46:796.5

СОБИРОВА ЗАРНИГОР РАХИМОВНА

**ЎЗБЕК ВА ИНГЛИЗ ТИЛЛАРИДАГИ ТУРИЗМ
ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТИПОЛОГИЯСИ, ЎЗARO БЕРИЛИШИ
ВА ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ**

**10.00.06 – Қиёсий адабиётшунослик, чоғиштира тилшунослик ва
таржимашунослик**

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:
Менглиев Бахтиёр Ражабович,
филология фанлари доктори,
профессор**

Бухоро –2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. ТЕРМИНОСИСТЕМАДА ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИПОЛОГИЯ	
1.1. Лексик типология ва унинг терминосистемалар тадқиқидаги ўрни	13
1.2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги туризм терминологиясининг лексик-семантик тадқиқи	33
1.3. Инглиз ва ўзбек туризм терминологиясининг лексик-семантик қиёсланиши.....	52
Боб бўйича хулосалар	66
II БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТУРИЗМ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТАРЖИМАСИ	
2.1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги сайёҳлик терминларининг ўзаро таржимаси ва муаммолари	68
2.2. Инглиз тилидаги сайёҳлик лексемаларининг ўзбек тилига таржимаси.....	82
2.3. Ўзбек сайёҳлик терминларининг инглиз тилига таржимаси.....	97
Боб бўйича хулосалар	112
III БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК САЙЁҲЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ	
3.1. Замонавий лексикография тенденцияларининг сайёҳлик луғатларини яратишга таъсири	115
3.2. Инглиз сайёҳлик терминларининг лексикографик талқини.....	127
3.3. Ўзбек сайёҳлик терминларининг лексикографик талқини.....	140
Боб бўйича хулосалар	152
УМУМИЙ ХУЛОСА	154
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	157

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тилшунослигида XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб турли соҳалар терминологияси, уларни бошқа тиллардан ўзлаштиришнинг лингвистик ва культурологик масалаларини талқин қилувчи тадқиқотлар кўлами кенгайиб бормоқда. Натижада халқаро соҳалардаги атамалар қаторида туризмга оид терминлар тизимини тилимиз қонуниятлари нуқтаи назаридан кўриб чиқиш, иқтисодий-маданий шароитда эҳтиёж бўлганларини «ўзбекчалаштириш»да мураккаблик туғдирувчи омилларни белгилаш, қардош бўлмаган тиллар тизимида сайёҳлик терминларининг классификациясини яратиш, «ўзига хос» хусусиятларини қиёсий аспектда аниқлаш имконини юзага келтиради.

Дунё тилшунослигида ҳар бир халқнинг қардош халқлар билан ижтимоий-маданий, иқтисодий-сиёсий алоқалари юзасидан зарурий бўлган лингвистик ва нолингвистик факторларни ўрганиш, турли соҳалар атамашунослиги ҳамда ихтисосликлар тилини шакллантириш сингари долзарб масалалар ечимига қаратилган ишлар тадқиқига кенг ўрин ажратилди. Бундай тадқиқотлар натижасида атамаларни ўзлаштиришнинг тиллараро тафовут ва ўхшашликларни таққослаш ҳамда мувофиқлаштиришнинг янги методлари яратилади, тилшунослик турли назарий хулосалар билан бойиб боради, шунингдек, турли миллатлар терминосистемаларининг тарихий жараёнларини қиёсий аспектда чоғиштириш, уларнинг шаклланишида ижтимоий-маданий омилларни аниқлаш, термин-сўзларнинг лексикографик талқини хусусиятларини ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотларнинг юзага келишида муҳим аҳамият касб этади.

Юртимизда олиб борилаётган ислохотлар натижасида қиёсий тилшуносликда атамашуносликни мустақил соҳа сифатида талқин этиш, атамасўзларнинг истемолда қўлланилиш қийматини, амалий аҳамиятини, яшовчанлигини синовдан ўтказиш борасида жиддий ютуқларга эришилди. Натижада ҳар бир соҳанинг лисоний воситалардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш

имкониятини акс эттирувчи, сўз қўллашдаги индивидуаллигини кўрсатувчи амалий-терминологик таҳлил асосидаги тадқиқотлар устуворлиги кузатила бошлади. «Глобаллашув шароитида миллий тилимизнинг софлигини сақлаш, унинг луғат бойлигини ошириш, турли соҳаларда замонавий атамаларнинг ўзбекча муқобилини яратиш, уларнинг бир хил қўлланишини таъминлаш долзарб вазифа»¹ бўлиб турган ҳозирги бир шароитда инглиз ва ўзбек атамашунослигида туризм терминларини таҳлил қилиш, уларнинг лингвистик, культурологик хусусиятларини ёритишда жаҳон тилшунослиги илғор тажрибасига таяниш, янги терминосистемалар яратишда ихчамлик, тушунарлилик, жаҳон халқаро стандартларга мувофиқлик каби масалаларни атрофлича тадқиқ этиш зарурати кучаймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2020 йил 20 октябрдаги ПФ-6084-сон «Мамлакатимизда ўзбек тилини янада ривожлантириш ва тил сиёсатини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2021 йил 9 февралдаги ПФ-6165-сон «Ўзбекистон Республикасида ички ва зиёрат туризминини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2019 йил 21 октябрдаги ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганлигининг 30 йиллигига бағишланган тантанали маросимидаги нутқи // Халқ сўзи. – Тошкент, 2019. – 22 октябрь.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Терминшунослик лексикографиянинг узлуксиз бўлими сифатида кўплаб тадқиқотларнинг объекти бўлиб келмоқда (Б.М.Перерва, Х.Ҳожиев, С.Г.Бархударов, В.Г.Петушков, Б.Н.Головинларнинг ишлари). Рус тилшунослари Э.Т.Белан, В.Л.Виноградова, Н.Иванова, О.Масленникова² каби олимлар томонидан рус ва инглиз тиллари материаллари асосида туристик терминологик тизимни шакллантириш ҳамда шу тилларнинг туризм терминологиясини синхрон ва диахрон аспектда тадқиқ этиш амалга оширилган. Шунингдек, туризм терминологияси юзасидан айрим илмий изланишлар ҳам олиб борилган.

Жаҳон тилшунослигида Ф.Е.Маулер, Е.В.Мошняга, А.В.Суперанская, Н.В.Подольская, Н.В.Васильева, Н.И.Арнольд³ каби олимлар терминология соҳасининг мавжуд муаммоларига эътибор қаратиб, ўзига хос ва оригинал ечимлар таклиф этишган. Хусусан, туризм терминосистемаси ҳақида гап кетадиган бўлса, жаҳон тилшунослигида туризм терминологиясига оид кўплаб лексикографик ишлар бажарилганлигини таъкидлаш жоиз: кўплаб энциклопедик ва филологик луғатлар дунё юзини кўрган⁴.

²Белан Э. Особенности формирования новых терминосистем (на материале английской и русской терминологий международного туризма): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Москва, 2009.; Виноградова Л. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Великий Новгород, 2011.; Иванова Н., Масленникова О. Некоторые особенности современной терминологии туристики или к чему еще может/должен быть готов культуролог // Journal Humscience, 2013. – С.228-234.

³Маулер Ф.Б. Грамматическая омонимия в современном английском языке. – Ростов н/Д: Рост, ун-та, 2003. – С. 136.; Мошняга Е.В. Терминосистема международного туризма как лингвокультурное явление / Е.В.Мошняга // Вестник Московского городского педагогического университета. Сер. «Филология. Теория языка. Языковое образование». – 2009, № 1 (3). – С. 67-73.; Суперанская А.В., Подольская Н.В., Васильева Н.В. Общая терминология: Вопросы теории. – М.: Эдиториал УРСС, 2004. – С. 248.; Arnold N.I. Semantic structure of English word in modern English. – М.: Vysshaya Shkola, 1986. – С. 295.

⁴Encyclopedia of Leisure and Outdoor Recreation, J.Jenkins and J.Pigram, eds. Routledge 2003.; The Encyclopedia of Ecotourism, D. Weaver ed. CABI, 2001.; International Encyclopedia of Hospitality Management, A.Pizam, ed.

Диссертацияни ёзиш жараёнида номлари кўрсатилган ва бошқа бир қатор рус ҳамда жаҳон тилшуносларининг илмий изланишлари эътиборга олинди. Тадқиқотимизда мазкур йўналишда бажарилган ишлардан фарқли равишда, ўзбек ва инглиз тилларидаги туризм терминларининг генетик системаси хусусиятлари, лексик-семантик жиҳатлари, шунингдек, ўзаро таржимада берилишидаги муаммоларига эътибор қаратилган, уларнинг актив ва пасив луғатлардаги лексикографик талқини ҳамда сайёҳлик веб-сайтлардаги матнларда тил воситаларининг қўлланилиши чоғиштирма усулда текширилган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2018-2022 йилларга мўлжалланган 598690-EPP-1-2018-1-BE-EPPKA2-SBHE-JP-рақамли Европа Комиссиясининг Эрасмус+ дастури доирасидаги “TALENT Establishment Master Programmes in Human Resource Management and Talent Development in Central Asia” мавзусидаги амалий лойиҳаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади инглиз ва ўзбек туризм терминларининг семантик хусусиятларини қиёсий аспектда аниқлаш, туризм материаллари (хусусан, туристик вебсайтлар матнлари) таъсир қийматини оширишда терминларнинг мақсадли контекстуал қўлланишини асослаш ҳамда уларнинг лексикографик талқини тамойилларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Elsevier, 2005.; Encyclopedia of Tourism, J. Jafari, ed. Routledge, 2000.; Encyclopedia of Social and Cultural Anthropology, A.Barnard and J.Spencer, eds. Routledge, 1996.; Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality, S. Medik, ed. Butterworth, 2003.; A Dictionary of Travel and Tourism Terminology, A.Beaver. CABI, 2005.; Dictionary of Concepts in Recreation and Leisure Studies, S. Smith, ed. Greenwood Press, 1990.; Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality Terms, R.Harris and J.Howard. Hospitality Press, 1996.0; The Tourism Society's Dictionary for Tourism Industry, V.R.Collins, ed. CABI, 2008.; The Travel Dictionary, C. Deruaes, ed. Solitaire Publishing 1989.; The Traveler's World: A Dictionary of Industry and Destination Literacy, N.Starr and S.Norwood. Prentice Hall, 1996.

инглиз ва ўзбек тилларидаги туризм терминларининг семантик табиатига тилнинг генетик системаси хусусиятлари ҳамда маданият факторининг таъсирини очиб бериш;

инглиз ва ўзбек тиллари сайёҳлик терминларининг таснифини яратиш ва бунда тиллараро ўхшашлик ҳамда тафовутларни аниқлаш;

туризм терминосистемаси шаклланишида тарихий жараён ва маданий омиллар ўрнини асослаш;

чоғиштириб ўрганилаётган тиллар кесимида ўзлаштирилган сайёҳлик терминларининг “ўзига хос” хусусиятларини таҳлил қилиш;

туристик вебсайтлар матнлари таъсир қийматини оширишда терминларнинг мақсадли контекстуал қўлланишини далиллаш;

инглиз ва ўзбек тилларидаги сайёҳлик атамаларининг лексикографик талқини хусусиятларини белгилаб кўрсатиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида инглиз ва ўзбек тиллари туризм терминлари танланган.

Тадқиқотнинг предмети инглиз ва ўзбек тилларидаги туризм терминларининг типологияси, таржима муаммолари ҳамда лексикографик талқини масалалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация мавзусини ёритишда тавсифлаш, таснифлаш, қиёслаш, услубий-контекстуал ҳамда элементар статистик таҳлил усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўзбек тили туризм терминларининг келиб чиқиши ва истеъмолга киритилишида инглиз тилининг доминантлиги, мазкур терминларнинг актив ва пассив таржима луғатларидаги лексикографик талқинининг фарқи пассив луғатларда хорижий сўзнинг она тилидаги изоҳининг келтирилишида, актив луғатларда она тилидаги сўз орқали унинг хорижий эквивалентини топиш мумкинлигида намоён бўлиши аниқланган.

инглиз ва ўзбек тилларидаги туризм терминларининг семантик (маъно) жиҳатлари генетик-культурологик, ижтимоий-тарихий ва лисоний-маданий

омиллар таъсирида шаклланганлиги, инглизча туризм терминлари инсоният цивилизацияси босқичлари билан параллел равишда юзага келганлиги далилланган;

ҳар иккала тил туризм терминосистемасидаги реалиялар таржимасида транслитерация/транскрипция усулларининг етакчилиги, сайёҳлик матнлари таржимасида эса ассоциациялаш усули, кенгайган тавсифий изоҳ ёки функционал муқобил воситасида таржима қилиш усулларининг бирламчи эканлиги асосланган;

туризм терминосистемаси birlikлари таржимаси адекватлигини таъминлашда потенциал истеъмолчи (оддий, лингвистик номутахассис аҳоли) га тушунарли бўлиш мақсадининг устуворлиги, матнаро туризм терминлари талқинида маданиятнинг етакчи омил эканлиги аниқланган бўлиб, ўта маданийлаштириш ва мутлақ ажнабийлаштиришни мувофиқлаштиришда нейтраллаштириш стратегиясининг самарадорлиги исботланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

туризм терминлари турли тизимли инглиз ва ўзбек тилларида лексик-семантик жиҳатдан қиёсий-типологик текширилиб, уларнинг ўхшаш ҳамда фарқли томонлари ёритилган;

тарихий жараён ҳамда маданий факторлар таъсири асосида ўзлаштирилган туризм терминларининг таснифи ишлаб чиқилган;

сайёҳлик веб-сайтларидаги матнларни инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига ўгиришда ўзаро таржима муаммолари ва тиллараро тафовутни мувофиқлаштириш усуллари кўрсатиб берилган;

инглиз ва ўзбек туризм терминларининг актив ва пассив луғатлардаги хусусиятлари талқин этилиши орқали лексикография тенденциялари асосида замонавий тилшуносликда сайёҳлик терминлари таржимасига оид тавсияларнинг етарли эмаслиги исботланиб, ҳар иккала тилдаги туризм терминларининг эквивалент ва муқобил вариантлари бўйича қўшимча тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги муаммонинг аниқ кўйилганлиги, назарий маълумотларни далиллашда аниқ илмий манбаларга таянган ҳолда иш олиб борилгани, материаллар илмий нуқтаи назардан синалган методлар асосида тавсиф этилгани, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади. тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти туризм терминологиясининг назарий масалаларини ўрганишда, туристик матнга лингвистик баҳо беришда, сайёҳлик агентликларининг веб-сайтларида тил воситаларидан фойдаланишни таҳлил қилиш орқали унинг бошқа веб-сайтлардан фарқли томонларини аниқлашда назарий материал бўлиб хизмат қилиши билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ундан олий ўқув юр்தларининг туризм мутахассислиги йўналишларида «Сайёҳлик нутқи маданияти», «Матн лингвистикаси», «Услугунослик», «Лексикология» фанларини ўқитишда дарслик, ўқув-услугуний қўлланма, рисоалар, шунингдек, туризм контентидаги вебматнлар яратишда, сайёҳлик агентликларининг тарғибот материалларини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Инглиз ва ўзбек сайёҳлик терминларининг лингвистик хусусиятларини қиёсий жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

инглиз ва ўзбек тилларидаги туризм терминларининг сайёҳлик веб-сайтларида тўғри ишлатилиши билан боғлиқ муаммолар ва тиллараро тафовутни мувофиқлаштириш усулларини ишлаб чиқишга оид хулосалардан Бухоро давлат университетининг ОТ-Ф1-04(08) рақамли «Рақобатбардош туристик ҳудуд ва кластерларни шакллантириш асосида Ўзбекистонда туризмни давлат миқёсида барқарор ривожлантиришнинг стратегик

йўналишларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган. Натижада Ўзбекистон тарихий топографияси, моддий ва маънавий маданият ёдгорликларига оид сўзларнинг янги мазмунда туристик термин сифатида ишлатилиши каби зарурий илмий хулосалар таълим тизимини ислоҳ қилиш, туризм соҳасини давлат миқёсида барқарор ривожлантириш учун иқтисодий маданият ва туристик салоҳиятни ошириш мезонларини ишлаб чиқишга хизмат қилган;

сайёҳлик веб-сайтларидаги матнларни инглиз тилидан ўзбек тилига ва ўзбек тилидан инглиз тилига ўгиришда ўзаро таржима муаммолари ва тиллараро тафовутни мувофиқлаштириш усулларига доир хулосалардан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг Бухоро вилояти департаментида ички ва халқаро туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2020 йил 23 июлдаги 02-16/3547-сонли маълумотномаси). Натижада мазкур веб-сайтларнинг мукамаллашувига ёрдам бера оладиган туризм терминларини ҳар томонлама тўғри қўллашга оид амалий тавсиялар гид-таржимонлар, экскурсия етакчиларини тайёрлаш имконияти кенгайган;

инглиз тилидаги иқтисодий ва бошқарувга оид лексемалар туристик термин сифатида луғатларда кенг тарғиб қилиниши билан боғлиқ хулосалардан Европа Комиссиясининг Эрасмус+ дастури доирасидаги “TALENT Establishment Master Programmes in Human Resource Management and Talent Development in Central Asia” мавзусидаги халқаро лойиҳада (№ 598690-EPP-1-2018-1-BE-EPPKA2-SVNE-JP) фойдаланилган (Бухоро давлат университетининг 2021 йил 12 июндаги 04-04/01-142-сонли маълумотномаси). Натижада лойиҳа доирасида инглиз тилида ишлаб чиқилган саккизта махсус курс тарғибот материалларининг ўзбек тилига ўгирилиши жараёнида туризмга оид сўзларнинг шаклланишида иқтисодий омиллар ҳам муҳим аҳамият касб этганини асослашга эришилган;

диссертациядаги инглиз тили туризм терминларининг шаклланиши, типологиясига оид хулосалардан I-ОТ-2019-42 рақамли “Ўзбек ва инглиз тилларининг электрон (Инсон қиёфаси, феъл-атвори, табиат ва миллий тимсоллар тасвири) поэтик луғатини яратиш” мавзусидаги инновацион лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 89-03-5613-сонли маълумотномаси). Натижада инглиз тилидаги миллий хусусият касб этувчи туризмга оид сўзларнинг шаклланиши тарихий жараён ҳамда маданий омиллар билан боғлиқлиги асосланган;

ўзбек тили лексемаларини таснифлаш, эскирган сўзларнинг семантик жиҳатларини ўрганиш, мазкур сўзлар ҳозирги кунда ҳам истемолда янги мазмунда қўлланилаётганлигига оид хулосалардан Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети профессори, филология фанлари доктори Б.Менглиев муаллифлиги остида филология ва тилларни ўқитиш бакалавр таълим йўналишлари (5221000 – ўзбек тили) учун мўлжалланган “Ҳозирги ўзбек тили” номли дарсликни (ISBN 978-9943-993-61-7) тайёрлашда фойдаланилган (Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетининг 2021 йил 11 июндаги 02-1018-сонли маълумотномаси). Натижада ўзбек тилининг лексик қатламидаги архаик ва тарихий лексемалар туристик термин сифатида луғатларда талқин этилишига оид маълумотлар асосида дарсликдаги илмий-назарий фикрлар бойитилган;

инглиз ва ўзбек туризм терминларининг актив ва пассив луғатлардаги хусусиятлари, сайёҳлик терминларининг таржимаси ҳақидаги илмий қарашлардан Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг “Ассалом, Бухоро” дастурининг “Тил билган – эл билади” номли саҳифаси ҳамда “Бухоро” радиосининг “Қадриятлар қадим бешиги” номли радиоэшиттиришининг сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Бухоро вилоят телерадиокомпаниясининг 2020 йил 8 июндаги 1/141-сонли маълумотномаси). Натижада инглиз тили сайёҳлик терминларининг ўзбек тилида кенг қўлланилиши, ўзбек тилидаги туризм терминларининг

интеграциялашуви жараёни таҳлил қилинганлиги кўрсатув ва радиоэшиттириш мухлисларининг миллий тилга бўлган ҳурмати ошишига сабаб бўлган. ириш мухлисларининг миллий тилга бўлган ҳурмати ошишига сабаб бўлган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари илмий маъруза кўринишида 3 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 20 та илмий иш эълон қилинган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, Халқаро базалар рўйхатига кирган хорижий журналларда 4 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, жами 167 саҳифани ташкил этади.

І БОБ. ТЕРМИНОСИСТЕМАДА ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТИПОЛОГИЯ

1.1. Лексик типология ва унинг терминосистемалар тадқиқидаги ўрни

Чуқур назарий асосга эга бўлган, бир неча ўн йилликларнинг тадқиқот материаллини ўзида жамлаган, турли ракурстан ўрганилган⁵, натижада жаҳон лингвистик ҳамжамиятида нисбатан камроқ баҳс-мунозараларга сабаб бўла бошлаган фонетик ва грамматик типологияга қиёсланда, лексик типология⁶нинг тафтиш этилмаган аспекти хамда ечилмаган муаммолари кўп. Лексик типология турли тилнинг сўз ва луғатларидаги тафовутларни чоғиштириш асосида тизимлашган тадқиқни тақозо этади⁷. Луғатнинг ташкил этувчи компоненти сўз экан, шу тушунча билан боғлиқ барча лексик-семантик ҳодисалар лексик-типологик тадқиқот учун қизиқарли ва аҳамиятли. Тилнинг лексик аспекти грамматика сингари тизимлашмаган, нисбатан чегараланмаган ва тил эволюцияси жараёнида ўзгариб, сайқалланиб бориши туфайли тилшунос олим уни ўрганиш жараёнига ижодий ёндашиб, ўзи ва фан учун янги, ҳатто ҳайратланарли маълумотларни кашф этиши мумкин. Зеро, сўз – тил жамияти ҳаётида яшайдиган, ижтимоий-маданий ҳодисаларга учрайдиган жонли ҳодиса.

Лексема, фразеологик ибора, турғун бирикма – лексикологиянинг бирламчи ташкил этувчилари, шу сабабли изланишни ушбу лингвистик ҳодисалар табиати назарий манбалар асосида ёритиб берилган.

«Сўз» тушунчасининг мукамал таърифини келтиришга уринишлар кўп бўлган, аммо уларни ҳар жиҳатдан мукамал деб бўлмайди. А.А.Реформатскийнинг фикрича, «сўз – тилнинг энг конкрет бирлиги»⁸.

⁵ Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: Физматлит, 2005. – 232 с.; Бархударов Л. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Междунар. отношения, 1975. – 240 с.; Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 283 б.

⁶ Фамина Н. Лексикология английского языка: курс лекций. – М: Мади, 2018. – 96 с.; Миньяр-Белоручаев Р. Теория и методы перевода. – М.: Московский Лицей, 1996. – 298 с.

⁷ From polysemy to semantic change : towards a typology of lexical semantic associationsю Martine. Vanhove (2008) pp: 404 Published by John Benjamins Publishing Company, 2008, p. 3-54 Chapter in book (Other (popular science, discussion, etc.))

⁸ Реформатский А.А. Введение в языковедение. – Москва, 1962. – С. 54.

Унинг бу қараши инсон ҳаётининг илк йилларида тилни сўзлар кўринишида ўрганиши, сўз ва унинг қиёфасидаги тушунча инсон онгида осон гаудаланиши билан асосланади.

Тилшуносликда турли дарслик ва қўлланмаларда сўзнинг турли таърифлари келтирилган: «Сўз – тилнинг энг кичик маъноли бирлиги, у гап тузиш учун нутқда эркин тикланиш хусусиятига эга»⁹, «Сўз – тилнинг энг муҳим бирлиги, чунки сўзда тил структурасининг барча асосий элементлари бирлашади»¹⁰, «Тилдаги маъноли товушлардан бўлак ҳолда маъно ифодаладиган товуш сўз дейилади»¹¹, «Сўз – товушлар билан маъно бирлиги»¹², «Сўз – мураккаб тил ҳодисалардан бири, у тил бирликлари қаторида муҳим, марказий ўрин тутади»¹³.

Юқорида келтирилган таърифлар «бир томонлама» саналиб, бу борада тилшунослар ҳалигача мурасага келишмаган. Аммо лексик типология учун сўзнинг назарий табиатини тушунишдан кўра, унинг мазмун ифодаси, у билан боғлиқ лексик-семантик, контекстуал-стилистик ҳодисалар муҳимроқ бўлганлиги туфайли Иристой Қўчқортоевнинг сўзга берилган нисбатан маъқулроқ таърифини келтирамиз ҳамда унинг маъно ифодасига эътиборимизни қаратамиз: «Сўз – тилнинг асосий луғавий бирлиги. Сўзнинг бошқа хусусиятлари унинг бу хусусиятига нисбатан қўшимча хусусиятлар саналади. Фразеологик ибора, турғун бирикма каби ҳодисалар ҳам тилнинг луғавий бирликлари қаторига киради». Таърифдан маълумки, луғавий бирликларнинг асосий функционал хусусияти – маъно ифодалаш.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, луғавий бирликлар (хусусан сўзлар) ёзма ва оғзаки нутқда бир неча функцияни бажаради:¹⁴

1. Номлаш. Бу функцияга турли сўз туркумларининг буюм, шахс, жой, белги, ҳаракат ва сонни ифодалашини мисол қилиб келтирамиз.

⁹ Головин Б.Н. Введение в языкознание. – Москва, 1973. – С. 70.

¹⁰ Фортунатов Ф. Избранные труды. – Москва, 1956. – С. 152.

¹¹ Баранникова Л.И. Введение в языкознание. – Саратов, 1973. – С. 101.

¹² Потебня А.А. Из записок по русской грамматике. – Москва, 1958. – С. 3.

¹³ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1965. – Б. 122.

¹⁴ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1965. – Б. 50.

2. Ифодалаш. Бу вазифани ундов, модал сўз ва юкламалар бажаради.
3. Кўрсатиш. Бу вазифа боғловчи ва кўмакчилар воситасида амалга оширилади.
4. Аташ. Бу вазифа буюм, шахс, жой, хайвон, ўсимлик ва бошқа предмет ҳамда мавжудотларга берилган номларда намоён бўлади.

Шуни аниқ айтиш мумкинки, тадқиқотнинг диққат марказида луғавий бирликларнинг номлаш функцияси туради.

Луғавий бирликлар тадқиқини умумий/хусусий доирада олиб бориш мумкин. Умумий доирадаги семантик ўрганиш маълум лексик турдош гуруҳ (домен)даги сўзларнинг тиллараро тарқалганлик даражаси, номланиши ва тасниф этилишини англатади, шунингдек, бу борадаги изланиш лингвистик универсалияларни аниқлаш, сўзлардаги синхрон ва тарихий полисемияни ўрганишни назарда тутди. Фикримизни далиллаш учун тана қисмлари терминологиясининг олти тилда қанчалик мувофиқлигини қуйидаги жадвалда келтирамиз (қўлнинг юқори, пастки; оёқнинг юқори, пастки қисми; қўл ва оёқ бармоқлари учун алоҳида номларнинг мавжудлиги даражаси)¹⁵:

Инглиз тили	Турк тили	Румин тили	Эстон тили	Япон тили	халқа мўғул тили
<i>Hand</i>	<i>el</i>	<i>mină</i>	<i>käsi</i>	<i>te</i>	<i>gar</i>
<i>Arm</i>	<i>kol</i>	<i>brat</i>	<i>käsi</i>	<i>ude</i>	<i>gar</i>
<i>Foot</i>	<i>ayak</i>	<i>picior</i>	<i>Jalg</i>	<i>ashi</i>	<i>höl</i>
<i>Leg</i>	<i>bacak</i>	-	-	-	-
<i>Finger</i>	<i>parmak</i>	<i>deget</i>	<i>Sõrm</i>	<i>yubi</i>	<i>huruu</i>
<i>Toe</i>	-	-	<i>Varvas</i>	-	-

1-жадвал. Олти тилдаги қўл ва оёқ қисмлари номлари

Жадвални таҳлил қилсак, юқорида келтирилган мезон бўйича инглиз тилида ҳар бир тана қисми учун хусусий номнинг мавжудлиги, румин, эстон,

¹⁵ Maria Koptjevskaja-Tamm, Ekaterina Rakhilina, Martine Vanhove. The semantics of lexical typology. Riemer, Nick. The Routledge Handbook of Semantics, Routledge. – 2016. P. 434-454.

япон, халқа мўғул тилида эса қўл ва оёқнинг юқори ҳамда пастки қисми, қўл ва оёқ бармоқлари учун алоҳида терминнинг йўқлиги кўринади.

Бундай кузатишдан асосий мақсад ранг, қариндошлик номлари, ҳаракат, идрок феълларининг турли тилларда қандай лексик воситалар билан ифодаланиши, бу номларнинг қанчалик тарқалганлиги, тафовут/мувофиқликнинг мавжудлигини ўрганишдан иборат. Ушбу кузатиш асосида дунё тилларида умумий бўлган тушунчаларнинг мавжудлиги фаразини исботлаш мумкин.

Бу каби кенг кўламли семантик изланиш натижаларини умумийлаштириш, маълум маънода тизимлаштириш имкони бўлгани ҳолда, алоҳида олинган луғавий бирликнинг хусусий семантик тадқиқи мезонларга бўйсунмайдиган, башорат қилиб бўлмайдиган контекстуал ифода хусусиятларига эга бўлган, сўзнинг бирламчи семантик таърифига истисно тариқасида намоён бўладиган белгилари туфайли бироз мураккаблик касб этади.

Лексик бирликнинг хусусий тадқиқи борасида сўз борар экан, полисемия, антонимия, синонимия, паронимия, омонимия каби тушунчалар, амелиорация, пеёрация, метафора, метонимия, синекдоха, антифраза каби ҳодисаларга мурожаат этишимизга тўғри келади. Булар жаҳон ва ўзбек тилшунослигида атрофлича тадқиқ этилган¹⁶ ҳодисалардир.

¹⁶ Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2010. – 288 б.; Неъматов Ҳ., Гуломов А., Абдураимова М., Қосимова Н. Она тили. 6-синф учун дарслик (синов). – Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 176 б.; Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: ФТ, 2010. – 391 б.; Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 112 б.; Кўчқортоев И.К. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Ташкент, 1977. – 205 б.; Степанова А., Шашқора С. О синонимии на уровне текста // Лексическая и грамматическая семантика романских языков. – Калинин: КГУ 1980. – 158 с.; Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, 1989. – 35-50 б.; Мадраҳимов И. Сўзнинг серқирралиги ва уни тасниф қилиш асослари. Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.; Talmy L. Lexicalization patterns: Semantic structure in lexical forms. In Timothy Shopen, ed. Language typology and syntactic description. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – 57-149 p.; Бобожонов Ш. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва лексикографик талқини: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд: 2004. – 21 б.; Гурбанов З.Г. Лексика азербайджанского литературного языка XVII века: Автореф. дисс. кан. филол. наук. – Тошкент: 1972. – 22 с.; Менглиев Б.Р. Лисоний тизим яхлитлиги ва унда сатҳлараро муносабатлар: филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 49 б.

Лексик бирликларнинг тиллараро лексик-семантик типологик тадқиқоти учун луғавий бирликнинг мазмун мундарижасида лексик маъно ва стилистик баҳони таҳлил қилиш аҳамиятли¹⁷. Мисол учун, «ҳордик чиқармоқ» (тадқиқот мавзусининг марказий объекти *туризм терминлари* бўлганлиги сабабли бу сўзнинг танланиши айни муддао) лексемасини кузатсак, унинг таянч маъноси «чарчоқдан қутулмоқ, дам олмоқ, физиологик жиҳатдан толиққан мускулларни бўшаштирмоқ» бўлса, стилистик жиҳатдан «кўнгилга хуш ёқадиган, субъект томонидан бажонидил амалга оширилиш эҳтимоли юқори бўлган ёқимли жараён»га ишора қилади. Гарчи *бўшашмоқ* феъли ҳам унга лексик синоним бўла олса-да, у вазият ва жараёнга қараб ижобий ёки салбий маъно оттенкаларига эга бўлиши мумкин. Масалан, укол қилаётган шифокорнинг хитобига кўра беморнинг бўшашини «тинчланиш, ўзни эркин қўйиш» каби хайрихоҳ ҳаракатни ифодаласа, «Бунча бўшашмасанг, йигит киши деган дадил-дадил гапирмайдими?!» танбеҳида кучсиз шахсият, қатъиятсизликка боғланади. Шубҳасиз, ҳар бир лексема асосий маъносидан ташқари маъно кўчишига асосланган турли услубий-экспрессив ассоциацияларга эга бўлади. Аммо табиийки, лексик эквивалентларнинг тиллараро турли стилистик баҳога эга бўлиши лингвистикада нормал жараён ҳисобланади. Бу инсоният тилларининг фарқли тарих, ижтимоий ривожланиш, географик-этник келиб чиқишга эга маданиятлар инъикоси эканлиги билан изоҳланади. Масалан, сўзма-сўз таржимаси «об-ҳаво таъсири/босими остида бўлиш» бўлган *feel under the weather* фразеологик бирлиги «ўзини ёмон ҳис қилиш, касалланиб қолиш» тушунчаси билан боғланади. Иборанинг ташкил этувчи элементлари айнан маълум об-ҳаво шароити эканлиги ва бу инглиз маданияти маҳсули бўлган турғун бирикма ҳисобланишини эътиборга олсак, буни ғарбий Европа (айниқса, Англия)да ҳукм сурадиган сурункали номаъқул иқлим хусусиятлари билан изоҳлаш мумкин. Зеро, ҳар қандай тилдаги ҳодиса

¹⁷ Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1965. – Б. 61.

миллий-маданий жараёнларнинг инъикосидир. Ўз ўрнида, ўзбек маданиятида ҳам об-ҳаво элементлари ташкил этувчисига эга, инсон характер хусусиятига нисбатан қўлланадиган «ҳамиша баҳор» фраземаси мавжуд. У ижобий стилистик баҳога эга бўлиб, этимологияси серқуёш ўлкамизда мунтазам давом этадиган мўътадил, ёқимли иқлим шароитлари билан изоҳланади.

Диссертациянинг объекти туризм терминлари бўлганлиги боис муҳокама йўналишини ихтиёрий лексик бирликдан айнан термин тушунчасига ўзгартирамиз. Ушбу масаланинг назарий асослари жаҳон тилшунослигида атрофлича тадқиқ этилган¹⁸.

Лексик ифода билан денотат орасидаги тенглик термин лексемаларда намоён бўлади. Термин сўзларнинг асосий мезони – бу ўта аниқлик ҳамда полисемиядан холилик. Кўп маънолилиқ термин бўлмаган сўзнинг муҳим, ҳамиша қизиқиш марказида бўлган хусусиятларидан. Зеро, айнан шу лингвистик ҳодиса туфайли типологик тадқиқотларга эҳтиёж бўлади. Аммо термин-лексемаларда полисемияга йўл қўйиб бўлмайди, чунки улар тилдан фойдаланувчилар онгида бир хил ассоциациялар ҳосил қилиши ва маъновий ғализликларга сабаб бўлмаслиги лозим. Одатда, турли соҳа, касб ва фаолиятлар ўз терминологиясига эга бўлади. Шундай қилиб, «бирор касб ёки соҳага доир тушунчани англатадиган, луғавий мундарижаси аниқ таърифланган, ишлатилиш маълум доира билан чекланган лексемага термин дейилади¹⁹». Аммо амалда бу таъриф ҳар доим ҳам ўз исботини топавермайди. Масалан, *tour* термин-лексемасида кўп маънолилиқ мавжуд.

¹⁸ Пшенкина Т.Г. Вербальная деятельность переводчика в межкультурной коммуникации: психолингвистический аспект: дисс. д-ра филолог. наук // Т.Г. Пшенкина. – Барнаул: 2005. – 333 с.; Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент: 1992. – 25 с.; Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филол. фан. фалс. док. дисс. (PhD). – Тошкент, 2017. – 157 б.; Утешева З.Х. Лингвокультурологический аспект в методике обучения речевого этикета на иностранном языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент, 2009. – 25 с.; Хайруллин, В.В. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты перевода: Автореф. дисс. д-ра филол. наук / В.В. Хайруллин. – М, 1995. – 46 с.;

¹⁹ Турсунов У., Мухторов А., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент, 1992. – Б. 64.

*Cambridge Advanced Learner's Dictionary*²⁰ да бу сўзнинг маънолари куйидагича изоҳланган:

1. Бирор ҳудудни айланиб, ўрганиш мақсадида амалга оширилган саёҳат. Масалан, *a guided tour of the cathedral/museum/factory* (черков/музей/заводга гид бошчилигидаги саёҳат) ёки *a sightseeing tour of the city* (шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига саёҳат).

2. Таътилда бир неча жойга боришни тақозо этадиган кўнгилочар саёҳат. Масалан, *a cycling tour of Provence* (Провенсга велосипедда саёҳат), *a tour of Cornwall* (Корнволга саёҳат).

3. Бирор хусусий мақсадда мамлакатдаги ёки ҳудуддаги бир нечта жойга олдиндан режалаштирилган саёҳат. *Спорт жамоалари, сиёсатчилар ёки санъат усталарининг саёҳати*. Масалан: *The Queen is making a two-week tour of Australia*. (Қиролича Австралияга икки ҳафталик сафарни амалга оширяпти). *She is performing in Birmingham tonight, on the third stage of her nationwide tour* (Умуммиллий гастролнинг учинчи босқичида, бу кеча Бирмингемда сахнага чиқяпти). *The England cricket team is on tour in Pakistan*. (Англия крикет жамоаси Покистонда сафарда).

Инглиз тили аналитик тил бўлганлиги боис унда бир шаклдаги сўз турли сўз туркумлари вазифасини бажариши мумкин. Шунинг учун юқоридаги *tour* лексемаси феъл ҳам ҳисобланади:

1. Бирор жойга саёҳатга бориш. Масалан: *We spent a month touring Kenya* (Биз бир ойча Кения бўйлаб саёҳат қилдик). *The New Zealand team will be touring in Europe this winter* (Янги Зеландия жамоаси келаётган қишда Европага сафар қилади). *The president toured US military bases yesterday* (Президент куни кеча АҚШ ҳарбий базаларига ташриф буюрди). *The band are currently touring to promote their new album* (Муסיқий гуруҳ айна дамда янги албомларининг тарғиботи мақсадида гастрол қилишяпти).

²⁰ <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/tour>

Термин-лексемалар ихтиёрий тил лексиконининг тиллараро юқори мувофиқлик даражасига эга гуруҳи ҳисобланади. Улар, одатда, сўз қиёфасидаги кичик ўзгариш билан бошқа тилдан ўзлаштирилади, шу сабабли баъзан тилни чуқур билмай туриб уларнинг маъносини тахмин қилиш мумкин. Масалан, *аэропорт*, *кейтеринг* (овқат ва ичимликлар таъминоти хизмати), *Б&б* (*B&b*– *Bed and Breakfast*, яъни тунаш ҳамда нонушта қилиш имконини берадиган меҳмонхона). Назарий жиҳатдан ихтиёрий термин ўзи ифодалайдиган тушунчанинг яратилиш маконида пайдо бўлади. Масалан, туризм терминологиясидаги *кейтеринг* тушунчаси инглиз тилидан олинган, чунки хизмат кўрсатишнинг маълум тури сифатида дастлаб инглиз маданиятида юзага келган. Термин ишлатилиш соҳасидан ташқари, истеъмолга кириш даври, географик келиб чиқишига кўра умумийлик касб этиши мумкин. Бу цивилизация жараёни, мамлакатларнинг иқтисодий-географик имкониятлари, тарихий-маданий асослари ҳамда ижтимоий-сиёсий шароитлари жиҳатидан хусусийлашуви оқибатида намоён бўлади. Масалан, кўплаб тиббий терминлар лотин тилидан ўзлаштирилган, зеро, лотин тили асосий ёзма адабиёт воситаси бўлган Қадимги Рим империяси антик давр янги билим ва фан тараққиёти ўчоғи бўлган. Турли итларнинг зотлари, уруш ва жанг санъатининг асосий стратегияси ҳамда тушунчалари эса немис халқи маданияти маҳсули. Бу ҳолатни келтириб чиқарувчи омилларни маълум тарихий шароит ва ҳодисалар билан боғлаш ҳеч кимда қийинчилик туғдирмаса керак. Туризм терминларига келадиган бўлсак, уларнинг келиб чиқиши ҳамда истеъмолга киритилишида доминанта ролини инглиз тили бажаради. Зеро, инглиз маданияти, биринчидан, туризм фаолиятига асос солиб, умумжаҳон тараққиётига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган бўлса, иккинчидан, бугунги кунда жаҳондаги туризм юқори даражада ривожланган мамлакатларнинг асосийлари инглиззабон ўлкалар эканлиги бунга таъсирини кўрсатган.

Халқаро туризм статистикасига оид муваққат йўриқнома Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1976 йилдаги саммитида маъқулланган, хужжат

1978 йилда нашр этилиб, кенг оммалаштирилган. БМТ Комиссияси йўриқноманинг вақтинчалик эканлиги, жуда кўп истиқболли ишлар амалга оширилиши кераклиги, айниқса, Жаҳон туризм ташкилотининг фаолиятига урғу берган²¹. Худди шу муассаса томонидан 1953 йилда «international visitor», яъни «халқаро ташриф буюрувчи (меҳмон)» тушунчаси истеъмолга киритилиб, туризм терминшунослигининг замонавий пойдеворига асос солинган. Ҳозирги кунда 1991 йил Оттавада ўтказилган *Саёҳат ва туризм статистикаси халқаро конференцияси*да қабул қилинган қарорлар асосида янги ҳисобот тайёрланган. Бу ҳужжатга асосан янги татбиқ қилинган, кейинчалик амалиётга киритиладиган туризм терминлари қуйидаги мезонларга жавоб бериши керак:

- 1) изох, классификациялар ривожланган ҳамда ривожланаётган мамлакатларни ҳисобга олган ҳолда умумжаҳон амалий қўлланиш доирасига эга бўлиши;
- 2) оддийлик, аниқликка урғу бериши;
- 3) улар имкон қадар демократия, транспорт тизими, бизнес, халқаро миграция, тўловлар баланси, миллий ҳисоб тизимлари каби ҳозирги халқаро стандарт ва классификациялар билан ҳамоҳанг бўлиши;
- 4) амалий туризм сўровнома, тадқиқотларда ўлчаб бўладиган, рақамларда ифодалаш мумкин бўлган даражада содда бўлиши лозим²².

С.Багированинг таъбири билан айтганда, туризм – «жисмоний шахснинг доимий истиқомат жойидан соғломлаштириш, маърифий, касбий-амалий ёки бошқа мақсадларда борилган жойда, яъни мамлакатда ҳақ тўланадиган фаолият билан шуғулланмаган ҳолда узоғи билан бир йил муддатга жўнаб кетиши, яъни саёҳат қилишидир»²³. Туризмнинг қуйидаги асосий уч шакли фарқланади:

²¹ United Nations. Recommendations on tourism statistics, New York, 1994. – P. 20

²² United Nations. Recommendations on tourism statistics, New York, 1994. – P. 3.

²³ Багирова С. Туризм терминларининг ўзбек, рус ва испан тилларида қўлланилиши // Замонавий роман-герман тилшунослиги ва тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2018. – Б. 139.

- 1) **domestic tourism** – мамлакат фуқароларининг мамлакат ҳудуди бўйлаб саёҳати;
- 2) **inbound tourism** – мамлакат фуқароси бўлмаган хорижий шахснинг мазкур мамлакатга амалга ошираётган саёҳати;
- 3) **outbound tourism** – бир мамлакат фуқаросининг бошқа хорижий ўлкага саёҳати.

Шунингдек, бошқа манба²⁴ларда туризмнинг *internal tourism, national tourism, international tourism* каби қўшимча уч гуруҳга ажратилишига гувоҳ бўламиз. Навбатдаги номлаш элементлари юқоридаги классификациянинг муқобилларидек тасаввур уйғотса-да, уларнинг мазмун-моҳияти буткул бошқа. *Internal tourism* термини остида мамлакат фуқароларининг ички ва хорижий фуқароларнинг ушбу мамлакатга саёҳати тушунилади. *National tourism* ички туризм ҳамда фуқароларнинг хорижга сафари статистикасини жамласа, *international tourism* тушунчасида *inbound* ва *outbound tourism* хусусиятлари муштаракдир.

Туризм номларининг ифодаланишидан кўришиб турибдики, таржимадаги нўноқлик сайёҳлик фаолияти турининг моҳиятини ўзгартириб юбориши мумкин. Зеро, мутахассис шахснинг назарида *domestic // internal, inbound // national, outbound // international* ўзаро ўриндошдек кўриниши мумкин. Шунингдек, сафар мақсади, саёҳат хусусиятига кўра туризмнинг бир неча кўринишлари мавжуд;²⁵ улар махсус терминлар билан номланган.

Mass tourism – туризм авж олган даврдаги ривожланган давлатлар туризмига иқтибос бўлиб, барча эътибор туризм саноатини даромадли соҳа сифатида оммавий ташвиқ қилишга қаратилган, амма унинг экологик талофотлари кўзда тутилмаган.

Business travel – тижорат, давлат ва таълим мақсадларида саёҳат қилиш: бунда ҳордиқ иккинчи даражали ҳисобланади.

²⁴ <https://www.unwto.org/glossary-tourism-terms>

²⁵ Sezgin, Erkan & Yolal, Medet. (2012). Golden Age of Mass Tourism: Its History and Development. 10.5772/37283.

Charter group – одатий маршрут бўйича амалга ошириладиган илгаридан шаклланган гуруҳ саёҳати.

Fam (familiarization, educational) tours – туризм ўчоқларини таништириш мақсадида саёҳат агентлари, туроператорлари, туризм хизмати таъминотчилари учун уюштириладиган сафар.

Incentive travel – ишдаги яхши ижро, садоқатни эътироф этиш, рағбатлантириш мақсадида уюштириладиган, барча харажатлари қопланадиган саёҳат.

Inclusive tour – бир тарифда кўплаб имкониятларни жамлаган саёҳат.

Leisure travel – айланиш, ҳордиқ чиқариш ёки таълимий мақсадда амалга оширилган саёҳат.

Person trip visit – шахсинг касбий ёки кўнгил ёзиш мақсадида бир кунда ўз ҳудудидан 160 км масофага узоқлашиши ёки тунаб қолиши билан изоҳланадиган саёҳат.

Press trips – туризм ўчоқлари ҳақида материал йиғишга кўмаклашиш мақсадида сайёҳ ёзувчилар ҳамда суҳандонлар учун уюштириладиган саёҳатлар ҳисобланади.

Sales mission – бир мақсадли маркетинг ташкилотининг таъминотчилари биргаликда саёҳатни ўз ҳудудларида тарғиб қилиш учун бошқа мамлакатга сафар қилиш.

Site inspection – маълум ҳодиса учун танланган жой талабларга жавоб беришини текшириш мақсадида йиғин режалаштирувчиси, ҳудуд саралаш кўмитаси, туроператор ва рағбатлантирувчи саёҳат менежери каби шахслар томонидан амалга ошириладиган сафар.

Adventure (activity, special interest) holidays – саргузаштларга бой фаол таътил билан боғланиб, турли *scuba diving, snorkeling, trekking, hang gliding* ва ҳ. каби хатарли, аммо завқли машғулотлар билан шуғулланиш.

All-expense (all-in) tour – барча сафар харажатлари (чипта, меҳмонхона, овқатланиш, кўнгилочар машғулотлар тўлови) бир йўлланмада бўлган, бир неча имкониятлар бирлаштирилган саёҳат.

Green (alternative, appropriate, responsible, soft, sustainable) tourism – *mass tourism* тушунчасига карама-қарши қўйилган ҳолда, имкон қадар талофотларсиз, кичикроқ гуруҳларда, жойлар табиий тузилмаларини ҳурмат қилган тарзда амалга ошириладиган саёҳат.

Urban (city) tourism – умумий туризмнинг бир тармоғи, у шаҳар инфратузилмасини ўрганиш, цивилизация намуналаридан баҳраманд бўлиш, «шаҳар атмосфераси»га шўнғиш ниятида бўлган саёҳатчига мўлжалланган сафар.

Rural tourism – аксинча, цивилизациядан йироқлашиб, «ибтидоийлик» (соддароқ ҳаёт)га қайтишни режалаштирган, инсон омили камроқ таъсирини кўрсатган қишлоқ ҳаётини излаган саёҳатчи учун айни муддаодир.

Circuit tourism бир неча ўлкаларни айланма кезиб ўтиб, яна дастлабки манзилга қайтиладиган саёҳатни ифодалайди.

Social tourism – демократик жамият маҳсули, у аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатлами харажатларини тўлиқ ёки қисман қоплаш орқали сафарга жўнатиш каби ижтимоий ёрдам билан боғланади.

Ecotourism – экологик муҳофаза остида бўлган бирор географик ҳудуд экосистемасини яхшилаш, маҳаллий аҳоли билан ҳамкорликда жойда ижобий ўзгаришлар қилиш ва ҳудуд табиий тузилмасини имкон қадар сақлаб қолишга қаратилган савобли иш назарда тутилган саёҳат. Бунда саёҳатчини ҳашаматли ҳаёт эмас, балки меҳнат кутади.

Ethnic (indigenous, roots) tourism – дунёдаги турли маҳаллий этник жамоалар яшайдиган ҳудудларга уларнинг урф-одатлари, маданиятини ўрганиш мақсадида амалга оширилган сафар.

Этник туризмнинг иккиламчи маъноси ҳам мавжуд, у ота-боболари яшаб ўтган тупроққа қайтиш, қариндош-уруғларни зиёрат қилишни ҳам англатади.

Industrial (factory) tourism – маҳаллий аҳолининг фаолият кўрсатаётган завод ва фабрикаларга у ердаги жараён билан танишиш, ишлаб

чиқариладиган маҳсулот ҳақида тушунчага эга бўлиш, уни харид қилиш мақсадида амалга оширадиган ташрифи.

Religious tourism – тор маънода ҳаж каби диний сафарларни англатса, кенг маънода жаҳон диний меъроси намуналари ҳисобланган черковлар, масжид ва мадрасаларни зиёрат қилиш, архитектурасидан баҳраманд бўлиш учун уюштирилган саёҳатни ифодалайди.

Heritage tourism – жаҳон маданий меъроси ёдгорликларига амалга оширилган саёҳат.

Space tourism – мавжуд туризм турларининг энг қиммати, у фазовий кемаларда орбитамизга қилинган саёҳатни билдиради. Илк шундай саёҳат Америка фуқароси томонидан 2001 йилда рус капсуласида космик станцияга қадар уюштирилган.

Sports tourism тушунчаси халқаро спорт ўйинларида иштирок этиш ёки томошабин бўлиш мақсадида бўладиган саёҳатни англатади.

Agri- (agro-, farm) tourism – ферма ва ёки шаҳар чети (сўлим ҳудуди)га ташкиллаштирилган саёҳат.

Health tourism (health-care tourism) соғломлаштирувчи дам олиш масканлари (санатория) ёки бошқа шу турдаги гўшаларга руҳий ҳордиқ чиқариш, жисмонан соғломлашиш мақсадида қилинган сафарни ифодалайди.

Sex tourism термини – нисбатан янги, муқаррар эволюцион жараён маҳсули, у жинсий яқинлик ҳамда шу каби «саргузашт» излаган туризм харидорларига мўлжалланган хизмат кўрсатиш соҳасини билдиради. Бу кўплаб исломий маданиятлар, жумладан, ўзбек миллати менталитети учун ахлоқсиз ҳолат бўлса-да, туризмнинг юқориталаб соҳаси сифатида алоҳида суръатда ривожланмоқда. Ҳайратланарли жиҳати шундаки, бу соҳа туризми маҳсулот ва сервисларининг асосий таъминотчилари жануби-шарқий Осиё мамлакатлари саналади.

Туризм инсоният ривожланиш тарихининг маълум бир даврида, аниқроқ айтадиган бўлсак, одамзод бирламчи эҳтиёжларини қондириш зарурати доирасидан чиқиб, ҳордиқ олишга қурби ета бошлаганда алоҳида

хизмат тури сифатида шаклланди. Туризм терминологиясининг бойиб бориш босқичларини тарихий даврлаштириш мумкин. Бу жараёнга назар ташлаш терминлар талқинида қўл келади. Л.В.Виноградова инглиз туризмини халқаро туризм терминологиясининг юзага келишида ўз таъсирини ўтказган тўрт босқичга бўлади:²⁶

I босқич – туризм фаолияти ибтидоси даври. Бу давр инглизларнинг асосий саёҳат омиллари савдо, зиёрат, даволаниш, таълим бўлган қадимийликдан XIX аср бошигача бўлган оралиқни ўз ичига олади. Бу босқичга инглиз туризм терминшунослигининг пойдевори ётқизила бошланганлиги билан характерли. Ҳаракат воситалари, бошпана, яшаш шароитлари умумидабий лексик бирликлар воситасида ифодалана бошлади: *carriage, board, excursion, hotel, resort, itinerary*. Л.В.Виноградова бу даврда инглиз туризм лексиконининг 6 фоизи шаклланишини тахмин қилади.

II босқич оммавий туризм ривожланишни бошлаган XIX асрни тўла қамраб олади. Бу даврда моддий-техник база, иш услублари ҳамда туризмнинг бошқарув органларининг тамал тоши қўйилган. *Tourism va tourist* терминлари ҳам шу босқичнинг маҳсули. 1841 йилда замонавий туризм асосчиси саналадиган Томас Кук илк экскурсион темирўл турини уюштиради. Муваффақият Кукка ҳамроҳ бўлиб, 1851 йил «Томас Кук ва ўғли» номли илк саёҳат бюросини очди. XIX асрда туризмнинг гуркираб ривожланиши туризм терминларининг қарийб 45 фоизининг юзага келишига сабаб бўлди. Уларнинг шаклланишида табиий жараён иштирокчилари – турли туризм хизматлари таъминотчилари катта хизмат қилишди:

- 1) турбюро воситачилик хизматлари асосида (*conductor, booking*);
- 2) ташиш хизматлари асосида (*commute, Pullman car, liner*);
- 3) жойлаштириш хизматлари асосида (*maître d` hotel, bivouac, room*);
- 4) овқатланиш хизматлари асосида (*a la carte, table d` hote, buffet*);
- 5) кўнгилочар хизматлар асосида (*safari, attraction*).

²⁶ Виноградова Л.В. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах. – Великий Новгород, 2011. – С. 11.

Юқоридаги мисоллардан англашиладики, иккинчи босқичда инглиз туризм терминологиясига бошқа тилларидан фаол сўз ўзлаштириш жараёни бошланган. Француз тилидан кириб келган *coupon, maître d' hotel, bivouac*, немис тилидан олинган *Baedeker*, швед тилидан ўзлаштирилган *smorgasboard* бунга мисол бўла олади.

III босқич оммавий конвейер туризми даври XIX аср бошидан Иккинчи жаҳон урушига қадар бўлган муддатни ўз ичига олади. Бу босқич туризмга хизматларнинг соддалиги, уларнинг ижроси стандартлаштирилганлиги хос. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, бу пайтда туризм билан бир хилда транспорт тизими ривож, замонавийлашуви кузатилди. Бу эса ўз ўрнида сайёҳ ташиш хизмати билан боғлиқ терминларнинг ортиб боришига олиб келди: *leg, aircraft, aircraft carrier, shuttle, airline*. Меҳмонхона бизнесининг ўсиши ҳам янги лексемалар билан ўз ҳиссасини қўшди:

- 1) аҳолини жойлаштириш ва хона номлари асосида (*motel, penthouse, duplex*);
- 2) хизмат кўрсатувчилар номлари асосида (*hotelier, receptionist*)
- 3) хизмат номлари асосида (*reservation, room service*).

Учинчи босқичда инглиз туризм терминологияси транспорт ва меҳмонхона инфраструктураси ҳисобига 25 фоизга бойиган деб айтиш мумкин.

IV босқич – оммавий дифференциаллашган туризм даври, у бугунга қадар давом этиб келмоқда. Дифференциаллашган туризмни эҳтиёж, истакларнинг хилма-хиллиги, туризмга бўлган талабда хусусий сегментларнинг кўп сонлилиги, хизматларнинг турли-туманлиги ҳамда таклифнинг яққол хусусийлашганлиги ажратиб туради. Табиийки, бу жараён туризм терминологиясининг хусусий терминлар билан кенгайишига сабаб бўлди: *agrotourism, disaster tour, nostalgic tourism, familiarization trip* ва б. 50-60-йиллар, яъни туризм инфраструктурасининг интенсив илдамлаш даври терминшуносликда ҳам ўз аксини топди. Ҳозирги кунда фаол қўлланилиш доирасига кирган меҳмонхона саноати (*condominium, check-in, check-out*,

boutique hotel), жамоат овқатланиш тартиби (*brunch, catering, stand-up buffet*), туроператор ва саёҳлик агентларининг воситачилик хизматлари (*catchment area, last-minute tour, reservation system*)га алоқадор кўпгина терминлар айнан шу босқичда истеъмол ҳамда луғатларда пайдо бўлди. Ушбу давр инглиз туризми терминологиясини бойитишнинг ўзига хос жиҳати кўшма ҳамда ясама ном ифодаларининг юзага келиши бўлди: *tour leader, tour operator, tour participant* каби.

Шарқда *туризм* тушунчасининг пайдо бўлиши Ибн Баттута номи билан чамбарчас боғлиқ. У 21 ёшида саёҳатини бошлаб, Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларининг деярли барчасини пиёда кезиб чиққан. «Икки дарё оралиғи» – Мовароуннаҳрда буюк саркарда Амир Темур ва темурийзодалар хукмронлиги даврида илк сайёҳлик сафарларининг фаоллашувига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Тарихдан маълумки, Амир Темур француз қироли Карл VI, инглиз қироли Генрих IV билан мунтазам дипломатик муносабатлар юритишган. Темурийлар элчиси 1403 йилда Парижга ташриф буюрган. Испаниялик Клавихонинг «Буюк Темурнинг ҳаёти ва фаолияти» китобида Мовароуннаҳрдаги ижтимоий ҳаёт ҳамда сайёҳларнинг Темурийлар давлатига интилиши акс этган²⁷.

Глобал *лингва франка*²⁸ (турли тилларда сўзлашувчи миллат ва элат вакиллари учун ўзаро тушунарли бўлган умумий алоқа-алмашинув тили) ҳисобланмиш инглиз тили туризм ўчоқлари ҳамда масканларида бўладиган жамики операция, жараёнларда ҳаракатлантирувчи таъсир кучига эга. Фаннинг барча соҳалари, хусусан, сайёҳлик хизматлари соҳасида инглиз тили амалдаги терминологиянинг негизи саналади. Устамонлик билан бошқарилган туризмдан ҳамма мамлакатлар манфаат кўради. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда, ушбу тармоқни янада такомиллаштириш зарур, буни даврнинг ўзи

²⁷ Багирова С. Туризм терминларининг ўзбек, рус ва испан тилларида қўлланилиши // Замонавий роман-герман тилшунослиги ва тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2018. – Б. 139.

²⁸ https://www.lexico.com/definicion/lingua_franca

тақозо этмоқда»²⁹ деб таъкидлайдилар. Шу сабабдан сайёҳлик терминларини инглиз тилидан маҳорат билан ўзлаштириш ғоятда аҳамиятли вазифага айланади.

Туризм тушунчаси барча жабҳалардан мутахассисларнинг жалб қилинишини тақозо этадиган фанлараро оралик тадқиқот мавзусидир. Филологлар зиммасига юкланган марказий вазифа тезкор суръатда хорижий терминлар билан тобора кенгайиб бораётган туризм терминологиясини ўрганиш, алоҳида тиллар билан чоғиштириб таҳлил қилиш, тизимлаштириш ҳамда худудий қўлланиш учун малакали муқобилларини ишлаб чиқишдан иборат. Тадқиқотимиз учун аҳамиятли бўлганлиги сабабли Н.А.Юрко, М.И.Стифаницин, О.В.Романчуклар томонидан олға сурилган инглиз тили сайёҳлик терминологиясининг лексик-морфологик таркибини келтириб ўтамыз³⁰.

Маълум бўлишича, инглиз туризм лексиконининг аксарият қисми бир, икки компонентли, қисман уч компонентли, жуда кам ҳолатларда тўрт компонентли ташкил этувчили терминлардан иборат:

- 1) 23.2% – бир компонентли терминлар (*accommodation, apartment, arrival, available, baggage, booking, cabin, camping, cancellation, catering, confirmation, cruise, cuisine, customs, departure, destination, dining, excursion, fare, fee, furnishing, guest, guide, hiking, hospitality, hotel, hostel, insurance, itinerary, journey, landing, luggage, map, occupancy, passenger, porter, reception, service*);
- 2) 56.4% – икки компонентли терминлар (*additional charge, arrival time, bargain price, beach holiday, boat trip, booking agent, business facilities, business trip, butler service, cable car, cancel a reservation, car hire, check-in, check-out, children's facilities, city break, coach trip, conference facilities, day trip, departure time, domestic flight, double room, duty-free, early booking, entrance fee, excess baggage, expiry date, familiarization trip, flight attendant, full board, gift shop, get*

²⁹ <http://uza.uz/posts/56454>

³⁰ Yurko N.A., Styfanyshyn M.I., Romanchuk O.V., The characteristics of English terms structure in tourism industry // Scientific journal of the Lviv State University of Life Safety «Philological Periodical of Lviv». – № 5, 2019.


around, go camping, go hiking, green tourism, guided tour, half board, high season, hotel chain, hotel room, incentive tourism, information desk, junior suite, key card, late arrival, laundry service, low season, mass tourism, open bar, package tour, reception desk, scheduled flight, tourist attraction, urban tourism, valet service, wedding trip, youth hostel);

3) 14.3% – уч компонентли терминлар (*amenities and facilities, apply for a visa, book in advance, check-out time, computer reservation system, credit card payment, duty-free store, ecology-minded traveler, family-run hotel, fixed price menu, goods on offer, guarded car park, influx of tourists, king-sized bed, last minute offer, long-haul destination, loss damage waiver, low-cost travel, means of transport, natural beauty area, off-season period, place of interest, refusal of admission, self-catering apartment, tourist information office, visa-free entry, wake-up service);*

4) 5.2% – тўрт компонентли терминлар (*country of temporary residence, cover of tourist losses, full board and lodging, generally accepted quality standards, lodging and food facilities, record of hotel bills, set out on a journey).*

Туризм терминларининг инглиз ва ўзбек тилларидаги лексик-семантик чоғиштирма тадқиқи тадқиқотимиз мақсади экан, бу вазифани имкон қадар тизимли, тартибли амалга ошириш учун уларни маълум иерархияга солиш, семантик доменларга ажратиш ва ўзига хос хусусиятларини таҳлил қилиш – бирламчи аҳамиятли қадам. Л.Р.Виноградова туризм терминларининг шаклланиш жараёни босқичи, воситалари, иштирокчилари, туризм хизмат ва маҳсулотларини таклиф этувчиларга кўра мавзувий гуруҳларга ажратади³¹:

³¹ Виноградова Л.В. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах. – Великий Новгород, 2011. – С. 14.



2-схема. Л.В.Виноградованинг туризм терминлари тематик таснифи

Унинг семантик классификациясида 5 асосий ташкил этувчи компонент бўлиб, улар яна ўзаро кичикроқ таркибий қисмларга бўлинади. Бироқ инглиз саёҳат терминологиясини ўрганиш жараёнида тез-тез такрорланиб келувчи компонентларга эга яна икки мавзувий гуруҳни бу классификациянинг алоҳида бандлари тарзида киритишга эҳтиёж сезилади. Туризм саноатининг ташкил этувчи элементи бўлиб, фаол қўлланиш доирасига эгаллиги сабабдан «*тўловлар ва пул операциялари*», «*саёҳат билан боғлиқ муаммо ҳамда фавқулодда ҳолатлар*»ни ҳам алоҳида гуруҳлар сифатида қўшиш тўғри бўлади.

Шуни таъкидлаш лозимки, тадқиқот жараёнида ўлкамиз ижтимоий-иқтисодий шароити, тарихий-географик жойлашувига таянган ҳолда аҳамиятли ҳисобланган элементларга тўхталдик, уларни тадқиқ этдик, ўзбек туризм саноатида қўллаш мақсадида ўзлаштиришга уриндик.

Амалий таҳлилимининг бошладан олдин яна бир бор эслатиб ўтамизки, туризм терминологиясининг асосий шакллантирувчи тили инглиз тили саналади. Бу ҳозирга қадар жуда кўп шу соҳага оид инглизча

жўғрофий³², изоҳли луғатларнинг³³ яратилишига олиб келган. Дунёнинг бошқа тиллари, жумладан, ўзбек тили учун ҳам ушбу терминларни тилимизнинг ички қонун-қоидалари, маданиятимизнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда ўзбек туризми хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда пухта ўзлаштириш энг тўғри йўл бўлади. Шу ўринда бошқа тилдан сўз ўзлаштириш ва сўз олиш фарқли ҳодисалар эканлигига эътибор қаратамиз. Ш.Ш.Хушмуродованинг фикрича, сўз ўзлаштириш (borrowing) хорижий сўз билан бирга маъносини «ўзбекчалаштириш» бўлса, сўз олиш (loaning) хорижий сўзнинг ўзгаришларсиз тилимизга қабул қилишни тақозо этади³⁴. Ш.Сафаровнинг ёзишича³⁵, бошқа тиллардан олинган сўзлар вақт ўтиши билан кундалик ҳаётимизга сингиб кетиб, миллий-маданий характер касб этиши мумкин: *telephone* сўзи бунга ёрқин мисол бўла олади.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, терминларнинг шаклланиш хусусиятларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- 1) лексик-семантик типология лингвистиканинг кам ўрганилган, нисбатан ёш соҳаси;
- 2) лексик-семантик типология учун тиллараро тафовутнинг бўлиши мақсадга мувофиқ;
- 3) тафовутларни ўрганиш асосида лингвистик универсалиялар юзага чиқади;
- 4) «сўз»га мукамал таъриф келтиришда бир тўхтамга келинмаган;
- 5) денотат (стилистик баҳо) – семантик тадқиқотда марказий тушунча;
- 6) терминларда ифода ва денотатнинг тенглиги кузатилади;

³² Jenkins J., Pigram J. Encyclopedia of Leisure and Outdoor Recreation. – Routledge 2003. The Encyclopedia of Ecotourism, D.Weaver ed. CABI, 2001. International Encyclopedia of Hospitality Management, A.Pizam, ed. Elsevier, 2005. Encyclopedia of Tourism, J.Jafari, ed. Routledge, 2000. Encyclopedia of Social and Cultural Anthropology, A.Barnard, J.Spencer, eds. Routledge, 1996.

³³ Medik S. Dictionary of Travel. Tourism and Hospitality. ed. Butterworth, 2003. A Dictionary of Travel and Tourism Terminology, A. Beaver. CABI, 2005. Dictionary of Concepts in Recreation and Leisure Studies. S.Smith, ed. Greenwood Press, 1990. Dictionary of Travel, Tourism and Hospitality Terms, R.Harris and J.Howard. Hospitality Press, 1996. The Tourism Society's Dictionary for Tourism Industry, V. R. Collins, ed. CABI, 2008. The Travel Dictionary, C. Deruaes, ed. Solitaire Publishing 1989. The Traveler's World: A Dictionary of Industry and Destination Literacy. N.Starr, S.Norwood. Prentice Hall, 1996.

³⁴ Хушмуродова Ш.Ш. Borrowings in the Uzbek and English languages // Хорижий филология: тил, адабиёт, таълим. – №1 (70), 2019. Уч ойда бир марта чиқадиган илмий-услубий журнал. Муассис: Самарқанд давлат чет тиллар институти

³⁵ Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 270.

- 7) туризм терминлари Жаҳон туризм ташкилоти томонидан белгиланган маълум мезонларга мос бўлиши керак;
- 8) инглизча туризм терминлари инсоният цивилизацияси босқичлари билан параллел равишда шаклланган;
- 9) туризм терминларини мавзувий гуруҳлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

1.2. Инглиз ва ўзбек тилларидаги туризм терминологиясининг лексик-семантик тадқиқи

Инглиз тилида термин ва сўзларнинг семантик тадқиқига бағишлаган, ишимизга назарий асос бўла оладиган қатор тадқиқотлар мавжуд³⁶. Инглиз туризми терминологияси шаклланиш мобайнида турли лингвистик, экстралингвистик омиллар билан сайқалланган; туризмга янги тушунча, янги термин билан ҳисса қўшган тиллар таъсирига учраб, аҳамиятли лексик-семантик хусусиятлар касб этган. Аввало, терминларнинг лексик ўзига хосликларини таҳлил этиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Инглиз тили аналитик тил бўлганлиги сабаби унда аффиксация билан бир қаторда, сўз қўшиш орқали сўзга янги лексик, грамматик маъно юклаш – самарали усул. Қуйидаги терминларда мустақил луғавий маънога эга бўлмаган сўз лексемага қўшилиб, унга янги маъно бермоқда. Мисолларни кузатамиз:

- 1) **non-refundable** (*тўлови қайтарилмай*диган хизмат ёки товар), **non-transferable** (*буюртма қилган шахсдан бошқа одам номига ўтмай*диган хизмат тури);
- 2) **on-line** (*бир* авиакомпания самолётларида амалга оширилган саёҳат), **off-line** (*ҳаво йўли компания ва самолётларини алмаштириш* орқали яқунланган саёҳат);

³⁶ Talmy L. Path to realization: A typology of event conflation. In Laurel A. Sutton, Christopher Johnson & Ruth Shields, eds. Proceedings of the 17th Annual Meeting of the Berkeley Linguistics Society. Berkeley, CA: Berkeley Linguistics Society, 1991. – 480-519 p.; Talmy L. Toward a cognitive semantics. Vol. I: Concept structuring systems; Vol. II: Typology and process in concept structuring. Cambridge, MA: MIT Press, 2000. – 565 p.; Talmy L. Lexical typologies. In Timothy Shopen, ed. Language typology and syntactic description, 2nd ed. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. – 66-1968 p.

- 3) **through** passenger, **through** carriage, **through** fare, **through** train (*йўналишни ўзгартирмай, тўғри борадиган йўловчи, транспорт, поезд*);
- 4) **duty-free** (*божхона солиғи солинмайдиган товар*);
- 5) **ex gratia** payment (*кўнгилли/мажбурий бўлмаган тўлов*);
- 5) **in-house laundry** (*меҳмонхона ичидаги кир ювиш хизмати*), **in-flight entertainment** (*самолёт ичидаги кўнгилочар машғулот*), **in-flight magazines** (*самолётдаги журнал*);
- 6) **add-on** (*саёҳат бюллетенида эълон қилинмаган, қўшимча тўлов талаб қиладиган хизмат*);
- 7) **layover**, **stopover** (*ҳаво маршрути алмаштирилганда, ораликдаги кутиш вақти*);
- 8) **drive-in** restaurant / **drive-through** restaurant (*тўхтаб турган автомобиль эгаларига буюртмаларини етказиб берадиган ресторан / ташриф буюрувчи автомобил эгасига ичкарида ёки ойна орқали буюртмани таъминлайдиган ресторан*).

De- олд қўшимчаси саёҳат феъллари яшашда самарали бўлиб, у транспортдан тушиш ҳаракатини ҳосил қилади. *En-, em-* қўшимчалари унга функционал антоним, аксинча, транспорт турларига чиқиш (миниш)ни ифодалайди:

- 1) *embark // disembark* (*ихтиёрий транспорт турига чиқиш ↔ тушиш*);
- 2) *embus // debus* (*автобусга чиқиш ↔ тушиш*);
- 3) *enplane // deplane* (*самолётга чиқиш ↔ тушиш*);
- 4) *entrain // detrain* (*поездга чиқиш ↔ тушиш*).

Инглиз тилида ўзига хос сўз яшаш усулларида бири – бу *блендинг*. Бу лингвистик ҳодисада икки ёки ундан ортиқ сўзнинг қисмлари бирлашиб, барчасининг маъно элементларидан умумий тушунча ҳосил қилувчи янги сўз ҳосил бўлади. Туризм терминлари орасида ҳам шу усул ҳосиласи бўлган сўзлар кўп учрайди:

- 1) *dinkies = double + income + no + kids*;
- 2) *motel = motor + hotel*;

- 3) *brunch = breakfast + lunch;*
- 4) *condotel = condominium + hotel;*
- 5) *boatel = boat + hotel;*
- 6) *apartotel = apartment + hotel.*

Бу ҳодиса туризм саноати етиштирувчиси бўлган мамлакатлар номида ҳам учрайди: *Eurasia, Australasia, Polynesia, Melanesia* каби.

Инглиз туризм терминологиясининг аксарият қисми икки ва ундан ортиқ луғавий маъно касб этган сўзларнинг бирикма ҳосил қилиши орқали вужудга келган: *altitude sickness, familiarization trip, bell captain, boutique hotel, hotel tariff, health club* ва бошқалар.

Бу каби қўшма сўзлар орасида бир компонентнинг қисқартма шаклида кўлланиш ҳолати ҳам учрайди. Буни *fam (familiarization) trip, e (electron) – booking, eco (ecological) tourism, agri (agricultural) tourism, auto (automobile) strada* каби ясалмалар мисолида кўришимиз мумкин.

«Сифат/сифатдош + от» каби бирикмалар ҳам кўп учрайди: *lodging industry, paying guest, late check-out, plastic money, transit passenger, connecting rooms, green holidays* ва ҳоказолар. Туризм шакллари ифодаловчи номларнинг барчаси шу усулда ҳосил бўлган: *soft/appropriate tourism, hard/mass tourism, industrial tourism, religious tourism* ва бошқалар.

Таркибида атоқли от бўлган терминлар инглиз туризм терминологияси тизимида ўзига хос ўринга эга. Бу ҳолат ушбу катта гуруҳнинг турли мамлакатларнинг қўшма маданияти маҳсули эканлигини исботлайди:

- 1) *American breakfast, Asian breakfast;*
- 2) *European Plan, American Plan;*
- 3) *Chinese restaurant syndrome, Delhy belly, Montezuma`s revenge.*

Бунга яна бир исбот шуки, терминология таркибида кўплаб ўзга тиллардан ўзлашган сўзларнинг мавжудлиги; уларни ўзига хос (ўзига хос) товуш тизимига эгалигидан осон ажратиб олиш мумкин. Масалан, *bureau-de-change, force majeure, alfresco dining, albergo, maître d` hotel, á la carte menu, table d` hôte, bistro, bodega, brosserie, entrée* сўзлари француз, немис ва

итальян тилларидан кириб келган: уларнинг аксарияти овқатланиш саноати ва ресторан бизнесига тааллуқли. Зеро, бу миллат вакиллари овқатланиш борасида ўзгача дидга эга; улар жаҳоннинг нозиктаб хўрандалари учун турли овқат, ичимлик турлари билан туризм саноатига ҳисса қўшишган.

Шунингдек, терминлар орасида Осиё халқлари тилларидан ўзлашган сўзларни ҳам кўриш мумкин. *Caravan, halal, Mecca, bazaar* ўзимизга таниш тушунчалар бўлиб, улар инглиз тили фонетик тизимига мослаштирилган, яъни бироз «инглизчалаштирилган».

Баъзи терминларнинг ҳосил қилувчи элементлари – сон сўз туркумига мансуб сўзлар. Буни *one way ticket, second home, first (maiden) voyage/flight, double occupancy, two-income families* терминлари мисолида кўришимиз мумкин. *Bed and breakfast, boat and breakfast* кабилар жуфт сўз кўринишидаги термин бўлиб, дастлабкиси шу ҳолича ўзбек туризм саноатида қўлланилади.

Инглиз туризм терминологиясининг лексик-структур табиатига назар соларканмиз, буйруқ гап (императив) кўринишидаги терминларнинг мавжудлигига гувоҳ бўламиз. Бу терминлар туризмнинг ривожланиш жараёнида юқори қўлланиш частотасига эга бўлган, вақтлар оша турғун бирикма – терминга айланиб қолган:

- 1) *bring your own* (маълум солиқ эвазига ўз спиртли ичимлигингизни олиб келишга рухсат берадиган ресторан);
- 2) *rent it here, leave it there* (автомобилни ҳудуднинг бир жойида ижарага олиб, бошқа жойда қолдириб кетишга имкон берувчи транспорт хизмати);
- 3) *ring – and – ride* (кекса/ногиронларга уйдан қўнғироқ қилиш билан буюртма бериш имконини берувчи такси ёки минибус хизмати).

Терминлар орасида PIR (Property Irregularity Report – аэропортда юк йўқолганда уни тавсифловчи баёнот), АТМ (automated teller machines – банкомат) ва ҳоказолар каби кўп сонли қисқартмалар мавжуд, шубҳасиз, улар инглиззабон маданият вакиллари учун тушунарли.

Инглиз туризми терминларини семантик жиҳатдан таҳлил қилар эканмиз, синонимия, антонимия, полисемия, маъно кўчиши, маъно торайиши (хусусийлашиши) ҳамда кенгайиши (умумийлашиши) каби лингвистик ходисаларга дуч келамиз.

Умумлингвистик қарашларга кўра, «терминлар бир маънолилиги, синонимик қаторларининг бўлмаслиги билан характерланади»³⁷. Бу қараш хусусийлашган, бир тил доирасидаги соҳа терминологиясига хос белги бўлиши мумкин, аммо ўта байналминал, кўплаб миллатлар маданияти таъсирига тушган глобал туризм соҳаси терминшунослигига қатъиян татбиқ қилса бўладиган қоида эмас. Зеро, инглиз туризм терминологиясида кўп маъноlilik, маънодошлик, ҳатто маъно кўчиши ҳам кузатилади.

Инглиз туризми терминологиясида бир тушунчанинг турли миллатлар тажрибасида турлича аталиши, барча мавжуд номларнинг бир ёки бир неча худудда ўзаро алмашилиб, бири бошқасининг ўрнида муомалада қўлланилиши омили синонимияга улкан ҳиссасини қўшган. Бир тушунчани ифодалаб келадиган номлар орасидан бирининг танланмаслигига яна бир сабаб шуки, шу тушунча қиёфасидаги объект ёки предмет алоҳида миллатлар маданиятида кичик бўлса-да, ўзига хос хусусий фарқли жиҳатига эга. Мисол учун, гарчи *bill of fare* ва *table d`hôte* терминларининг ҳар иккаласи мазмунан ресторан менюсини назарда тутса-да, дастлабки термин ҳар бир таом учун алоҳида нарх белгиланган, кенг танловли менюни англатади; кейингисидан танланган ҳар қандай комбинациядаги таом учун бир хил нарх белгиланган тор танловли меню тушунилади. *Plat du jour* ҳамда *dish of the day* менюда кўрсатилмайдиган куннинг махсус таомини ифодалайди, иккаласи бир хилда фаол муомалада.

Animator, social director, cruise director, cruise officer, entertainments director, activities host(-ess) терминларининг барчаси саёҳат чоғида кўнгилочар дастур тузувчи масъул шахсни ифодаловчи, кенг синонимик

³⁷ Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2002. – Б. 90.

каторнинг ташкил этувчиларидир. *Day visitor, same-day visitor, excursionist* терминлари остида ҳам инглизчагон маданиятлар вакиллари бир хил шахсни тушунишади (бир кунда саёҳатини яқунлаб, манзилига қайтадиган шахс). Шу каби *sunbathing/sunbaking, tramping/trekking, thermal springs/hot springs, hotel industry/lodging industry, holiday insurance/travel insurance, urban tourism/city tourism, spouse fare/companion fare, dual-career families/two-income families, duplicate reservation/double booking, factory tourism/industrial tourism, departure tax/exit tax, all-expense tour/all-in tour, boarding pass/embarkation card, camper/caravan/recreational vehicle, layover/stopover, air hostess/flight attendant, baggage/luggage, flying boat/seaplane* ва бошқа жуда кўплаб сўзлар жуфтлиги бир-бирига ўзаро маънодош ҳисобланади.

Кузатиш, изланишлар асосида айтишимиз мумкинки, антонимия инглиз туризми терминологиясида маънодошликка нисбатан камроқ учрайдиган ҳодиса. Қуйида шундай жуфтликларни келтирамыз:

- 1) *bareboat charter // crewed/provisioned charter;*
- 2) *arrival card // departure card;*
- 3) *accompanied baggage //unaccompanied baggage;*
- 4) *dry aircraft leasing // wet aircraft leasing;*
- 5) *serviced accommodation // self – catering accommodation;*
- 6) *hard tourism //soft tourism;*
- 7) *generating country // receiving country;*
- 8) *urban tourism // rural tourism;*
- 9) *sunlust motivation // wanderlust motivation;*
- 10) *participant sport // spectator sport;*
- 11) *host bar // no host bar;*
- 12) *greeter // hostess.*

Юқоридаги антонимик жуфтликлар қайсидир семантик компоненти туфайли бир-бирига зид ҳисобланади. Масалан, *dry aircraft leasing* фақат самолётнинг ўзини ёллашни назарда тутса, *wet aircraft leasing* тушунчасида экипаж аъзолари ҳамда ёқилғи каби қўшимча таъминотга ҳам эга бўлиш

англашилади. *Bareboat charter // crewed/provisioned charter* антонимиясида кайиқ ёки кема транспорти билан боғлиқ юқоридаги ҳолат тушунилади ва бунда ҳам *dry/wet lease* муқобил номланиш саналади.

Arrival card // departure card зид маънолилиги ҳаракатнинг тескари йўналганлигига асосланган бўлса, *participant sport // spectator sport* жуфтлигида шахснинг актив ёки пассив ҳаракати мазмунида антонимия ҳосил қилади.

Hard tourism // soft tourism антонимиясидаги кўчма маъно ҳосилаларининг семантик зидлик ҳосил қилгани эътиборни тортади. *Hard tourism*, «қаттиқ туризм» тушунчаси остида оммавий анъанавий туризм тушунилиб, унинг атроф-муҳит ва ҳудуд географик-топографик хусусиятларига «аёвсиз/ачинишсиз» муносабатда бўлиш англашилса, *soft tourism* имкон қадар кам таъсир ўтказишга қаратилган *green/alternative tourism* термини билан маънодошдир.

Greeter // hostess жуфтлиги жинс қарама-қаршилигига асосланган шахсни ифодаловчи терминлар ҳисобланади.

Ташкил этувчи лексемаларининг полисемантик хусусият касб этиши инглиз туризм терминологиясининг яна бир ўзига хос жиҳати саналади. Бир неча мисоллар таҳлили асосида терминлардаги кўп маънолилиқ ҳодисасини кўриб чиқамиз³⁸.

Air carrier йўловчи, почта ва юк ташувчи самолётни ҳам, шу фаолият билан шуғулланувчи ҳаво йўли компаниясини ҳам ифодалаб келади³⁹.

Gangway термин-лексемаси қўшма сўз ҳисобланиб, таркибий компонентларидан (сўзма-сўз таржимаси «безорилар/тўда йўли» бўлади) қуйидаги маънолар англашилади⁴⁰:

- 1) аудиториядаги ўриндиқлар қатори орасидаги йўлак;
- 2) йўловчиларни кема бортига чиқариш/туширишда қўлланадиган қиялик;

³⁸ Тўлиқроқ маълумот олиш учун қаранг: Medlik S. Dictionary of travel, tourism and hospitality. – Butterworth-Heinemann, third edition, 2003.

³⁹ Шу манба, 7-б.

⁴⁰ Шу манба, 76-б.

3) самолётга юкларни ортиш/туширишга имкон берадиган ғилдиракли зина.

Epicure терминининг таянч маъноси «осон ва ҳашамдор ҳаётга, лаззатга ўрганган инсон» бўлиб, у «яхши овқат ҳамда ичимликка ўзгача дид/таъб ҳосил қилган инсон – хўранда» ҳосила маъносига асос бўлган⁴¹.

Pickup point терминининг бирламчи маъноси «шахс ва гуруҳларни автобус ёки бошқа транспортда келишувга кўра олиб кетиш керак бўлган жой» бўлиб, оғзаки жаргонда табу қўлланишдаги ҳосила маънога («енгилтак аёллар харидор билан учрашиш учун йиғиладиган нуқта») эга бўлган⁴².

Advertised tour термининининг асосий мазмуни «ихтиёрий оммавий ахборот воситаларида тарғиб қилинган кенг маънодаги саёҳат»; нисбатан хусусийлашган ҳосила маъноси «қатор қулайликларга эга бўлган, тавсия қилинган/маъқулланган саёҳат»ни ифодалайди⁴³.

Cabin термини юқори полисемантик кўрсаткичга эга⁴⁴:

- 1) ёзги уй (дача) сингари кичик, содда бошпана;
- 2) соҳил ёки ҳовуз бўйидаги содда хона ёки унга ўхшаш тузилма;
- 3) ёпиқ лифт;
- 4) кемадаги тунаш хонаси;
- 5) самолётнинг йўловчиларга мўлжалланган ички ҳудуди.

Инглиз туризм терминологиясида бу лексеманинг юқоридаги сўнгги келтирилган маъноси асосида яна бошқа терминологик бирикмалар шаклланган. Буларга *cabin steward*, *cabin attendant*, *cabin crew* мисол бўла олади.

Captive лексемасининг *бевосита маъноси асирликка олинган ҳамда кимнингдир назорати остида тутқунликда сақланадиган шахс ёки жонзотга* ишора бўлса, маъно кўчишига асосланган ҳосила маънолари бизнес ва туризм саноатида терминологияга айланган⁴⁵:

⁴¹ Шу манба, 67-б.

⁴² Кўрсатилган манба, 179-б.

⁴³ Кўрсатилган манба, 6-б.

⁴⁴ Кўрсатилган манба, 30-б.

⁴⁵ Кўрсатилган манба, 32-б.

- 1) ихтиёрсиз равишда ахборотга дучор бўладиган аудитория (масалан, кинога борувчиларнинг рекламага дуч келиши);
- 2) муқобил вариантлар йўқлиги шароитида бошқа бир товар, сервис ёки маҳсулотни ихтиёрсиз равишда танлашга мажбурлик ҳолати.

Junket термини туризмда иш баҳонасидаги кўнгилочар саёҳатни англатса, казино терминологиясида жараёнга катта пул тикувчи харидорларни жалб этиш мақсадида ташкил этиладиган бирор бонусли (масалан, транспорт ёки меҳмонхона бепул бўлган) саёҳатни ифодалайди.

Месса сўзининг илк маъноси бутун мусулмон оламига маълум бўлган, хаж сафари амалга ошириладиган «муқаддас шаҳар» бўлса, қуйидаги ҳосила маънолари сайёҳлик терминшунослигида умумий характерга эга бўлади⁴⁶:

- 1) ташриф буюриш инсоннинг бутун умрлик орзуси бўлган жой/макон;
- 2) инсонларга манзур бўлган, тирбанд соатларда улар гавжум бўлиб йиғиладиган жой/худуд.

Admissions – туризм статистикасида қўл келадиган термин, бир томондан маълум аттракцион ва ёки бирор хизмат кўрсатиш нуқтасига аниқ бир давр ичида кирган одамлар сонини ифодаласа, иккинчи томондан шу давр ичида бу каби жойларга сарфланган умумий пул миқдорини билдиради⁴⁷.

Полисемиядан ташқари инглиз туризм терминологиясида маъно кўчиши, торайиши ҳамда кенгайиши асосида янги терминларнинг вужудга келиши ҳам учрайди. Масалан, меҳмонхона саноатида «уй олди ва ортидаги инсонлар» луғавий маъносини берувчи *back of house/front of house* терминлари бевосита айнан аҳоли локациясига ишора бўлмай, балки ташриф буюрувчилар билан бевосита мулоқотда бўладиган ҳамда меҳмонлар билан алоқани назарда тутмайдиган хизматчилар (масалан, ошхона, кирхона, саранжомлик ишлари бўйича ходимлар)ни ифодалаб келади.

⁴⁶ Кўрсатилган манба, 112-б.

⁴⁷ Кўрсатилган манба, 5-б.

Chain unit («занжир халқаси») термини ўзбек тилига «филиал» шаклида таржима қилиниб, тармоқли магазин, бизнес ташкилотининг бир хизмат кўрсатиш нуқтасини англатади. Кўриниб турибдики, бу лингвистик қўлланилишида умумий ташкилотнинг хусусий тармоқлари занжирнинг халқаларидан иқтибос олмоқда. Бу функционал маъно кўчиши саналади.

«Эрта амалга оширилган буюртма учун белгиланган чегирмаланган нарх» ни назарда тутувчи *early bird rate* терминининг бевосита таржимаси «барвақт учиб келган қуш нархи» бўлади.

Навбатдаги терминда ҳам зоонимлар иштирокидаги маъно кўчиши мавжуд бўлиб, у туризм маҳсулотларининг асосий истеъмолчи гуруҳларидан бирини ифодаловчи термин сифатида аҳамиятлидир. *Empty nesters* (яъни «полапонларини учирма қилган бўш ин соҳиблари») бола-бақрасидан тинган, ҳаётнинг роҳати (саёҳатларга бориш, ресторанларда овқатланиш)дан баҳраманд бўлишга вақти ва қурби бор катта ёшли оилали жуфтликни ифодалайди.

Туризмнинг умумий маънода табиат, атроф-муҳит; хусусий маънода худуд географик-экологик системасини аяш, ҳурмат билан муносабатда бўлишни ифодаловчи *green tourism (alternative/appropriate/sustainable)* жабҳаси айнан шу хусусиятлари туфайли ҳам «яшил туризм» деб номланади.

«Хурсандчилик/ бахт соати» луғавий маъноси англашиладиган *happy hour* термини туризм шароитида харидорни жалб қилиш учун меҳмонхона, ресторан ва бошқа ташкилотларда чегирмаланган нархда ичимликлар таклиф қилиш билан амалга ошириладиган, кўп ҳолларда оқшом соатларидан бирига тўғри келадиган бизнес тарғиботи техникасини билдиради.

Туризмга нисбатан қўлланиладиган *hospitality industry*, яъни «меҳмоннавозлик саноати» анъанавий меҳмон кутишни англатмайди. Биринчидан, у уйимизга ташриф буюрган инсонни беминнат меҳмон қилиш билан алоқадор эмас. Иккинчидан, у тадбиркорлик билан боғлиқ бўлиб, асосий вазифаси манфаат кўриш билан белгиланади.

Баъзи овқатланиш муассасаларининг турлари ҳам маъно кўчиши асосида номланган. Мисол учун, *greasy spoon* (ифлос/мойжима қошиқ) ўз номидан маълумки, кичик, арзон ҳамда ёқимсиз кўринишга эга кафени назарда тутди.

Rest room («дам олиш хонаси») лексемаси ҳожатхонани англатиб, у эвфемик вариант саналади, эвфемик нуқтаи назардан ўзбек тилига таржимаси жуда мувофиқ амалга оширилган.

Ghetto сўзи тарихан барчамизга маълум, яъни у яхудийлар лагерларини ифодалайди. Бу лексема *tourist ghetto* шаклида қўлланганда, сайёҳлар тўда бўладиган катта масканларни англатади.

Инглиз туризм терминологиясида *ghost town* ҳамда *depressed area* сингари қизиқарли ном ифодасига эга бўлган терминлар ҳам мавжуд. Улар гарчи луғатларда бири бошқасига иқтибос қилинса-да, биров семантик фарқли жиҳатларига эга. Дастлабкиси илгари гуллаб-яшнаган, айна дамда аҳолиси томонидан тарк этилган ҳамда қадимий сайёҳлар макони сифатида фаолият юритадиган шаҳарларга нисбатан қўлланилса, кейингиси ички ишлаб чиқариши суст, ишсизлик ва аҳолисининг мамлакат ташқарисига миграцияси юқори даражали, ташқи иқтисодий инвестицияга муҳтож худудларни англатади.

Шунингдек, туризм инфраструктурасида *Golden Age Passport* («олтин ёш паспорти») тартиби мавжуд бўлиб, унинг остида 62 ёш ҳамда ундан юқори аҳоли қатламига истироҳат боғлари ва диққатга сазовор жойларга чекланмаган кириш имкониятини берувчи махсус карта тушунилади.

Терминлар мисолидаги маънонинг умумийлашиши ва хусусийлашиши ҳодисаларини ҳам таҳлил қилиб чиқамиз.

Туризмда дам олиш, соғломлаштирувчи ҳордиқ тушунчалари асли *resort* термини негизида шаклланган. Тарихан бу лексема асли сайёҳлар асосан соғломлаштириш мақсадида йўл оладиган, шу сабабдан кўп ҳолларда бетакрор табиат масканлари ва, айниқса, денгиз бўйи воҳаларида жойлашган гўшаларни англатиб келган. Аммо маълум вақт ўтгач, ушбу терминнинг амал

килиш функционал доираси кенгайиб, айна кунда ихтиёрий мақсадда ташкил этиладиган, ихтиёрий ва турли-туман локацион хусусиятларни касб этган, меҳмонлар оқиб келадиган туристик ҳудудларни ифодалай бошлади. Ҳозирги кунда, айниқса, халқаро сайёҳлар учун энг массив курорт (яъни *resort*) зоналари улкан мегаполис пойтахт-шаҳарлар ҳисобланади.

Терминологиядаги маъно кенгайишининг ёрқин намуналаридан яна бири деярли бир хил жараёндан ўтган *spa* тушунчасидаги семантик ўзгаришдир. Ушбу термин, энг аввало, истеъмол қилиш ва чўмилишга мўлжалланган минерал ҳамда термал сув манбаига эга соғломлаштириш марказига ишора бўлса, жаҳон лингвистик харитасининг баъзи ҳудудларида ихтиёрий турдаги дам олиш масканини англатиб келади. Бу термин этимологияси Белгиядаги шаҳар номига бориб тақалгани ҳолда, унинг ўзи айна кунда кўплаб курортлар номининг таркибий компоненти саналади⁴⁸.

Catering терминининг таянч маъноси билан биргаликда, унинг маъно умумийлашишига асосланган ҳосила маъноси бугунги кунда бир хилда дунёнинг турли бурчакларида амал қилади. Бу тушунча даставвал хусусий вазиятлар(туғилган кун, юбилей ва ҳоказолар)да аниқ вақтда амалга ошириладиган овқат таъминотини англатса, баъзи жойларда барча турдаги овқат хизматларига нисбатан ҳам қўлланилади.

1.2.2. *Ўзбек тилидаги туризм терминларининг лексик-семантик тадқиқи.* Маълумки, терминология кенг тадқиқ этилган соҳа. Унинг турли аспекти дунё ва маҳаллий тилшуносликда ўрганилган⁴⁹. Ўзбек тили туризм терминологияси ҳақида сўз борар экан, бу ерда бир неча ўзига хос жиҳатларни таъкидлаб ўтишимизга эҳтиёж туғилади.

1. Туризм тадбиркорлиги амалиётини нисбатан кейинроқ кенг кўламда тарғиб этганлигимиз, уни иқтисодиётнинг алоҳида истиқболли жабҳасига

⁴⁸ Medlik S. Dictionary of travel, tourism and hospitality. – Butterworth-Heinemann, third edition, 2003. – P. 154.

⁴⁹ Allan K. Natural Language Semantics. – Oxford: Blackwell Publishers, 2006. – 154 p.; Козырев В.А., Черняк В.Д. Современные ориентации отечественной лексикографии. – СПб: РГПУ им. А.И.Герцена, 2000. – 356 с.; Афанасьев В.Г. Системность и общество. – М.: Политиздат, 1980. – 432 с.; Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971. – 294 с.

айлантирганимиз сабабдан, бизга қадар шакллантирилган ҳамда жаҳон андозасига айланган терминларни ўзлаштирамиз.

2. Ўзбек сайёҳлиги терминшунослигини, шунингдек, жаҳон (яъни инглиз) туризм терминологиясини дунё марраларида ўзини намоён этиб улгурган ўзбек санъати, анъаналари, ошхонаси ҳамда спорти асосида вужудга келган янги тушунчалар билан бойитамиз.

3. Ўзбек сайёҳлигида асосий залвор обидашуносликда бўлганлиги важдан кўпроқ эътиборимизни архитектура, қурилиш дескриптив терминологиясига йўналтирамиз.

Биринчи босқичда, кўп сонли маданиятлар йиғиндиси бўлган инглиз туризм терминологиясини ўзлаштириш селектив тарзда амалга оширилиб, эҳтиёжимиздан ташқари бўлган термин ва тушунчаларни тушириб қолдириш ёки миллий менталитетимиз шароитига мослаштириш – мақсадга мувофиқ вазифа. Мисол учун *credit card* терминини ўзлаштиришга бу тушунча билан боғлиқ банк операцияси мамлакатимизда амал қилмаслиги тўсиқ бўлади, аксинча, амалдаги пластик карталаримизга ишора қилувчи *bank/debit card* терминини муқобил сифатида афзал кўришимизга тўртки бўлади.

Терминологиянинг шаклланиш жараёнида илгари луғатда мавжуд бўлмаган лексемаларга маълум вақт ўтгач, эҳтиёж туғилиши ҳам табиий ҳодиса. Зеро, «терминлар лексиканинг тез ўзгарувчан соҳасидир, янги фан ва унинг тармоқларининг келиб чиқиши, янги оқим ва назариялар янги терминларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади»⁵⁰. Бу тўхтовсиз давом этадиган тараққиёт жараёни билан изоҳланади. Масалан, сўнгги йилларда республикамиз ҳудудида махсус туризм полицияси фаолият юрита бошлади ва автоматик тарзда уни мувофиқлаштирувчи термин ҳам ўзлаштирилди (*tourism police* – туризм полицияси). Инглиз туризм терминологиясини ўрганиб чиққан ҳолда шуни катта ишонч билан башорат қилиш мумкинки,

⁵⁰ Абдурахмонов Ғ., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2002. – Б. 90.

тез орада ўзбек сайёҳлик терминшунослигида туризм статистикаси терминологиясини ўзлаштириш эҳтиёжи туғилади. Чунки туризмнинг мамлакатимиз сарҳадларида шахдам қадамлар ила одимлашини мақсад қиларканмиз, туризм физиологияси, маркетинг ҳамда менежменти устида бош қотириш жуда аҳамиятли стратегик вазифа саналади. Шу сабабдан яқин келажакда туризм статистикасининг ўзбекча изоҳли луғатини тузиш тилшунос, филолог, лексикографларнинг навбатдаги истикболли вазифалари саналади. Мушоҳада остидаги бу терминологияга инглиз туризм терминшунослигидаги *connectivity index*, *customer satisfaction questionnaire*, *compactness index*, *comparative advantage*, *competitive advantage* каби кўплаб тушунчалар мисол бўла олади.

Сўнги йиллар ичида давлатимиз сезиларли суръатда ривожланиб бораётган мамлакат сифатида жаҳон ҳамжамиятининг эътирофига тушди. Бунинг оқибатида халқимизнинг яшаш даражаси ошиб, хорижий меҳмонларни қабул қилиш билан бир қаторда ўзининг ҳам ўзга юртларга сафар қилиш имконияти юзага келиб, кенгайиб бормоқда. Бу ўз навбатида *disposable income* («аҳолининг бирламчи эҳтиёжларга сарф бўладиган даромади») ва *discretionary income* («аҳолининг бирламчи эҳтиёжлардан ортиб, қўшимча мақсадлар йўлида харж этса бўладиган даромади») тушунчаларининг ўзлаштирилишига сабаб бўлади, яъни тараққиёт янги терминологияга буюртмачи бўла олади.

Юқорида эслатиб ўтилганидек, нафақат туризм балки ихтиёрий бошқа соҳа терминологиясини ўзлаштиришда ҳам миллий маданиятимиз шароитлари, ижтимоий-психологик қарашларимиз таъсирида у ёки бу терминга ён босишимиз мумкин. Масалан, *туризм саноати (tourism industry)* ўрнида муқобил сифатида *меҳмоннавозлик саноати* лексемасини ўзлаштириш меҳмондўст халқимиз маданияти учун жуда кўнгилдагидек иш бўлар эди. Туризм саноати товарларининг ёши улуғ истеъмолчилари учун махсус чегирмани ифодаловчи *Golden Age Passport* терминини ўзлаштириш ҳам кексаларга юксак эҳтиромини сақловчи халқимиз учун айни муддао

бўларди. Аммо бу терминни ўзлаштиришдан кўра «ўзбекчалаштириш» мақсадга мувофиқ саналади. Зеро, *олтин ёш, кумуш ёш, олтин тўй, кумуш тўй* каби тушунчалар бизнинг маданиятимизга ёт бўлганлиги сабабли бу терминни, дейлик, *улуғ ёш паспорти* кўринишида амалиётга татбиқ этишимиз мумкин.

Туризмнинг турли кўринишлари нуқтаи назаридан оладиган бўлсак, Ўзбекистоннинг миллий-маданий ҳамда ижтимоий-географик шароитида *rural tourism* (*қишлоқ туризми*), *ethnic tourism* (*этник туризм*), *heritage tourism* (*маданий меърос/ёдгорликлар туризми*) ўз йўналишларини яратиб, ривожланиш имконияти катта. Ўз-ўзидан, бу соҳалар терминологияси ўзбек сайёҳлик терминологиясининг алоҳида миллий-этник қатламини ташкил этиши табиий. Туризмнинг худудимиздаги муқаррар муваффақияти шароитида яқин келажакда бу йўналишларга оид тушунчалар ўзбекча ифодаси билан жаҳон сайёҳлик терминологиясидан алоҳида ўрнини эгаллаб боради. Зеро, бу тушунчалар дунё маданиятида такрорланмас ва айнан ўзбекона. Буларнинг сирасига *шийпон, чорпоя, офтоба, чопон, айрон, чакки* ва бошқа кўплаб шарқона оттенкага эга бўлган сўзлар киради. *Палов, сомса, бозор, кураш, ҳалол, карвон, ҳаммом* ва ҳоказолар каби лексемалар аллақачон умумжаҳон истеъмолга кирган. Бу жараёнда бир тушунчани ифодалаб келувчи терминнинг умумистеъмолга қабул қилиниши ўз ортидан унга боғлиқ бошқа терминларни ҳам эргаштириб келади. Ш.Ш.Хушмуродованинг маълумот беришича⁵¹, биргина «*кураш*» тушунчасининг ўзи дунё луғатида *ҳалол, чала, дакки, гирром, тўхта* каби терминларни юзага келтирди.

Жаҳон туризм терминологиясига алоҳида гуруҳ терминлар билан салмоқли ҳиссасини қўшадиган маданиятимиз соҳаси – бу тарихий ўзбек археологияси. Мамлакатимиз заминига ташриф буюриб, неча асрлик обидаларимиз, ёдгорликларимиз залвори, ўзига хос услубидан ҳайратланган, бетакрор таассуротларини ўз заминдошлари билан бўлишган ўлкамиз

⁵¹ Хушмуродова Ш.Ш. Borrowing in the Uzbek and English languages // Хорижий филология. Тил-адабиёт-таълим, илмий-услубий журнал, Самарқанд, 1(70)/2019. – Б. 86.

меҳмонлари орқали кенг тарғиб қилинаётган, жаҳонда эътироф топаётган шарқона архитектурамиз терминологияси ўзбек сайёҳлик терминшунослигининг аҳамиятли ва соф миллийлик касб этган соҳаси саналади.

Архитектура терминлари туризм терминосистемаси таркибига кирганлиги сабабли қуйида ўзбек тилидан жаҳон истеъмолига киритилган баъзи архитектура терминларини келтирамиз ва таҳлилга тортамыз.⁵²

<i>Islamic buildings</i>	Исломий бинолар
<i>Turquoise dome</i>	Туркий гумбаз
<i>Desert citadels</i>	Чўлдаги кўрғон (карвонсарой)лар
<i>Fortified palaces</i>	Қалъа-саройлар
<i>Colored tilework</i>	Рангли ғиштинсозлик
<i>Pishtak</i>	Пешток
<i>Ark (fortified citadel)</i>	Арк
<i>Shahristan (inner city)</i>	Шаҳристон
<i>Rabad (suburbs)</i>	Работ
<i>Hammams (multidomed bathhouses)</i>	Ҳаммом
<i>Rabat (caravanserais)</i>	Работ
<i>Tim (shopping arcades)</i>	Тим
<i>Tok (or tak; covered crossroad bazaars)</i>	Тоқ
<i>Hauz (reservoirs)</i>	Ҳовуз
<i>Masjid (mosques)</i>	Масжид
<i>Guzar (local mosque)</i>	Гузар (маҳаллий масжид)
<i>Jami masjid (Friday mosque)</i>	Жомеъ масжид
<i>namazgokh (festival mosque)</i>	Намозгоҳ (байрам/сайл масжиди)
<i>Mihrab</i>	Меҳроб
<i>Medressas</i>	Мадраса
<i>Aivan (or aiwan; arched portals)</i>	Айвон
<i>Hujra (cell-like living quarters for students and teachers)</i>	Ҳужра
<i>Khanaka (prayer cells or entire buildings)</i>	Хонақо
<i>Darskhana (lecture room)</i>	Дарсхона
<i>Mazar (mausoleum)</i>	Мозор
<i>Ziaratkhana (prayer room)</i>	Зиёратхона
<i>Gurkhana (tomb)</i>	Гўрхона
<i>Minarets</i>	Минора
<i>Chorsu (market arcade)</i>	Чорсу
<i>Ghanch (carved and painted alabaster decoration)</i>	Ганч
<i>Qal'a (fortress (also kala))</i>	Қалъа
<i>Girikh (Geometric and knot designs)</i>	Гирих (геометрик ва тугунли нақшлар)

⁵² Architecture, 3-апрель, 2020, <https://www.lonelyplanet.com/central-asia/background/other-features/59abaf12-0db6-41e6-b4cc-57a3659de55a/a/nar/59abaf12-0db6-41e6-b4cc-57a3659de55a/1336195>

Ўзбек архитектураси терминларини таҳлил қилар эканмиз, айтиш керакки, жадвалдаги дастлабки 5 та термин юртимиздаги тушунчаларнинг инглиз тилидаги номлар билан ифодаланган кўриниши бўлса, қолганлари соф ўзбекча сўзлардир. Ушбу сўзларнинг инглиз тилига ўзлаштирилган вариантларига назар солсак, улар, асосан, товуш планида ўзгартирилган, яъни инглиз тили фонетик хусусиятларига мослаштирилган; айнан шу ўзгариш уларга хорижий характер берган. Фонетик мослашув, ўз навбатида, графикада ўз аксини топган.

Ўзбек туризм терминологиясини лексик-семантик жиҳатдан тадқиқ этар эканмиз, унинг катта қисми четдан (айнан инглиз терминологиясидан) сўз ўзлаштириш воситасида шаклланганлигини таъкидлаймиз. Зеро, мутлақо ўзлашма сўзларсиз соф тилнинг ўзи йўқ. Тарихий тараққиёт мобайнида турли миллат ва элатларнинг ҳар хил кўламдаги иқтисодий, сиёсий ва маданий алоқалари натижасида баъзан ихтиёрий, баъзан эса маълум босим остида инсонлар томонидан бошқа этник гуруҳлар сўзлари қабул қилинган⁵³. Хусусан, тадқиқотимиз асносида ўзлаштириш жараёни билан боғлиқ лингвистик ҳодисаларга кўпроқ эътибор қаратамиз.

Ўзбек сайёҳлик терминшунослиги баъзи ҳолларда ўзига хос терминларни бевосита сўзма-сўз таржима орқали ўзлаштиради, кўп ҳолларда чуқурроқ мушоҳадани талаб этувчи «ўзбекчалаштириш» жараёнига ғарқ бўлишни талаб этади. Таркибий компонентлари бир маъноли ёки асосий (таянч) маъноси яққол доминанта бўлган терминларнинг ўзлаштирилиши бевосита таржима орқали амалга ошади. Масалан, *departure card* (кетилиш/жўнаш варақаси), *arrival card* (келиш варақаси), *agency agreement* (агентлик шартномаси), *airport terminal* (аэропорт терминали), *farm tourism* (ферма туризми), *agency coupon* (агентлик купони), *alternate airport* (муқобил аэропорт), *air carrier* (ҳаво ташувчиси), *baggage tag* (юк/багаж ёрлиғи), *excess baggage* (ортиқча юк), *dome car* (гумбазли автоулов), *connecting flight*

⁵³ Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 144.

(уловчи парвоз), *one-way ticket* (бир томонлама чинта), *direct selling* (бевосита сотув/савдо), *e-ticket* (электрон чинта), *duplicate reservation* (такрорий буюртма), *industrial tourism* (индустриал/саноат туризми), *Hajj Pilgrimage* (Ҳаж зиёрати), *mass tourism* (оммавий туризм), *seasonality* (мавсумийлик), *transit traveler* (транзит сайёҳ/йўловчи), *aquatic sports* (сув спорти), *cultural heritage* (маданий меърос), *field sports* (дала спорти), *hotel tariff* (меҳмонхона тарифи).

Baggage room, auto rental лексемаларини ўзлаштиришда ўзбек тилига уларнинг икки компонентли битта қўшма сўзга айланганини кузатишимиз мумкин: *юкхона, автоижара*.

Cafeteria, Business Class, duty-free, ecotourism, agritourism, ethnic tourism, business center, festival, catering, force majeure терминлари енгил орфографик ўзгаришлар билан «ўзбекчалаштирилади».

Couchette, diversification, brochure, theme park, sanatorium, planetarium терминларидаги хорижийлик оттенкасини олиб ташлаш мақсадида уларнинг ўзаги сақланиб, қўшимча плани ўзгаради:

- 1) *couchette* – кушетка;
- 2) *diversification* – диверсификация;
- 3) *brochure* – брошура;
- 4) *theme park* – тематик парк;
- 5) *sanatorium* – санаторий;
- 6) *planetarium* – планетарий.

Ушбу сўзларни ўзлаштириш жараёнида қардош рус тилининг таъсири яққол сезилади. Зеро, янги кўриниш касб этган лексемалар аффиксацияси русийзабон характерга эга.

Seaplane, flying boat терминлари транспорт тараққиётидаги янгиликларни ўзида намоён этиб, таркибий компонентлари турли транспорт турларининг гибрид бирикмасидан иборат бўлган тушунчани ифодалайди (яъни *денгиз самолёти* ва *учар қайиқ* шаклида).

Инглиз тили туристик терминшунослигида бундан ҳам кўпроқ гибрид бирикмалар мавжуд. Масалан, *fly cruise, fly drive, fly rail* шаклида.

Инглиз сайёҳлик терминологиясини ўзлаштириш жараёнида баъзан икки ва ҳатто ундан ортиқ маънодошлар қаторига эга тушунчанинг битта шаклини эквивалент сифатида тилимизга қабул қилишимизга тўғри келади. Бунда афзал кўрилган шаклнинг миллий тилимиз имкониятлари даражасига мослиги, кўшни ёки қардош тиллар лексиконида борлиги ёки шунчаки таниш жаранглаши эътиборга олинади. Масалан, *sleeping seat – sleeperette – dormette* синонимик қаторида афзал кўрилган вариант *ухлаш ўриндиги* ҳисобланади ҳамда *сліперетта* ёки *дорметта* шакллари жуда ўнғайсиз жаранглаган бўларди. *Dacha – summer house – second house* қаторидан барчамизга маълум бўлган *дача* сўзининг танланишига сабаб унинг кўшни рус маданияти тилида мавжудлигидир. *Day-visitor-same-day visitor-excursionist* маънодошларига нисбатан ҳам шу принципни қўллаш мумкин. *Термал булоқ (thermal springs) – иссиқ булоқ (hot springs)* жуфтлигида эса иккинчи шаклнинг халқ орасида кенг қўлланиш доирасига эгаллиги унинг сайёҳлик термини сифатида луғатга киритилишига сабаб бўлади. *Room service (хона хизмати) – floor service (қават хизмати)* терминларидан *хона хизмати* термини ҳар жиҳатдан муфассал ҳисобланади. *Acclimatization (акклиматизация) – assimilation (ассимиляция) – acculturation (аккультурация) – adaptation (адаптация)* қаторидан маданиятимиз учун энг сўнггиси таниш тушунча саналади. Шунингдек, афзал кўрилган шароитда, *ассимиляция* лексемасининг бошқа соҳада (лингвистикада) ҳам қўлланилиши унинг амалда тушунмовчиликлар келтириб чиқаришига сабаб бўларди.

Абревиатура(қисқартма)лар оддий сўз-лексемалар каби янги тил лексиконига ўзгаришсиз ёки ўгирилиб кўчади. Масалан, ёйилма тарзида қўлланмаслиги боисдан *АТМ (automated teller machine – банкомат)* тушунчасини бевосита ўзлаштира ҳам бўлади. *CSS (customer satisfaction survey – харидор мамнунияти сўровномаси)*ни таржима қилиб ўзлаштириш мақсадга мувофиқ. Чунки у кўпроқ ёйилма шаклида амалда бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, инглиз туризм терминологияси кўплаб маданиятлар таъсири асосида шаклланиб борган (1); инглиз туризм терминологиясида синонимия, антонимия, полисемия ва маъно кўчишининг салмоғи юқори (2); ўзбек туризм терминологиясининг аксарият қисми четдан, хусусан, инглиз тилидан сўз ўзлаштириш орқали юзага келган (3); ўзбек маданияти кўп соҳалар, айниқса, шарқ архитектурасига оид терминлар билан жаҳон луғатини бойитган (4).

1.3. Инглиз ва ўзбек туризм терминологиясининг лексик-семантик қиёсланиши

Жаҳон тилшунослигида терсиносистема ва унинг элементлари аторофлича тадқиқ этилган масала. Айнан шу мавзу доирасида, аммо бошқа терсиносистемалар тадқиқига бағишланган бу каби ишлар⁵⁴ бизнинг тадқиқотимиз учун назарий асос сифатида хизмат қила олади.

Умуман олганда, инглиз маданиятининг кенг оммалашishi билан бирга инглиз лексиконидаги кўплаб сўзлар у ёки бу даражада миллатимиз вакиллари, айниқса, ёшлар учун таниш бўлиб бормоқда. Шу сабабдан ҳозирги замон ўзбек тили луғат қатламини шакллантириш, янги тушунчалар билан бойитиб бориш мақсадида хорижий тиллар, айниқса, инглиз тилидан сўз ўзлаштириш у қадар улкан қийинчилик келтириб чиқармайди. Инглиз сайёҳлик терминлари тизимидаги кўплаб лексемалар таржимасиз ҳам

54 Позднышева И.Н. Сопоставительный анализ автомобильных терсиносистем в английском, французском и русском языках: диссер. канд. филол. наук. – Москва, 2007. – 24 с.; Сытникова Т.А. Англоязычная компьютерная техническая терсиносистема как объект лингвокогнитивного исследования: Автореф. канд филол. наук. – Владивосток, 2010. – 26 с.; Сулейманова А.К. Терсиносистема нефтяного дела и ее функционирование в профессиональном дискурсе специалиста: Диссер. докт. филол. наук. – Уфа, 2006. – 48 с.; Молнар А.А. Особенности формирования терсиносистемы информационных технологий: на материале французского языка: автореф. канд. филол. наук. – Москва, 2012. – 27 с.; Шабардина С.В. Становление терсиносистемы права в английском языке: автореф. диссер. канд. филол. наук. – Москва, 2002. – 27 с.; Алексеев Е. С., Мячев А. А. Англо-русский толковый словарь по системотехнике ЭВМ: Для пользователей ЭВМ. – М.: Финансы и статистика, 1993. – 256 с.; Алексеева Л.М. Проблемы термина и терминопорождения. Учебное пособие по спецкурсу. – Пермь, Изд. ПТУ, 1998. – 119 с.; Алексеева Л. М. Метафорическое терминопорождение и функции терминов в тексте: Автореф. дис. .д-ра филол.наук. – Пермь, Изд. ПТУ, 1999. – 32 с.; Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. История языкознания. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. – 672 с.; Арутюнова Н.Д. Функциональные типы языковой метафоры // Известия Академии наук СССР. Серия литературы и языка. – М.: Наука, 1978. – Т. 37. №4. – С. 333-343.; Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – 512 с. – С.5-32.; Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикографии. – М.: Учпедгиз, 1957. – 182 с.

тушунарли бўлиб улгурган. Аммо маданиятларимизнинг фарқли тиллар оилаларига тегишлилиги баъзи лингвистик номувофикликларга олиб келади. Бу масала махсус ўрганилган тадқиқотларда унинг асосий муаммолари ёритилган⁵⁵. Кўп ҳолларда асосий қийинчиликлар инглизча термин элементларининг бевосита таржимаси орқали мақбул вариантнинг вужудга келмаслиги билан боғлиқ. Масалан, *complimentary ticket* терминидаги *complimentary* лексемасининг ўзаги «такаллуф» маъносини бериб, бевосита таржимаси «такаллуфли» бўлиши керак эди. Аммо туризм контекстида унинг иштирокидаги (юқори келтирилган) бирикма «бепул чипта» тарзида ўгирилади. Шунга яқин маъноли *budget travel* термини ҳам «арзон (чўнтакбоп) саёҳат» шаклида таржима қилинади, яъни таркибидаги *бюджет* компоненти бу бирикмада бирламчи маъносини йўқотади. Баъзан хорижий тилдаги хусусий маъно ифодалаган термин ўзлаштириш жараёнида умумий мазмун бўёғига эга муқобили билан алмаштирилади. Бу ҳодисани *days of service* терминида кузатишимиз мумкин. Уни «хизмат кунлари» эмас, «иш кунлари» кўринишида ўзлаштириш нисбатан мақбулроқ. Бу юртимизда иш юритиш, кундалик ҳаётида бир хилда амалда бўлган рус тили структураси ҳамда тил хусусиятларига ҳам мувофиқ. Зеро, русийзабон маданият вакиллари ҳам бу терминни *рабочие дни* шаклида қўллайди.

Through train терминологик бирикмасидаги *through* лексемаси функционал сўз саналиб, она тилимиздаги *орқали* кўмакчисига вазифадош, аммо малакали мутахассис биров мушоҳададан сўнг уни «тўғри (тўхташ бекатларисиз ҳаракатланадиган) поезд» кўринишида ўгиради. Инглиз ва ўзбек туризм терминологияси билан иш кўрилганда бундай

⁵⁵ Томахин Г.Д. Теоретические основы лингвострановедения (на материале лексических американизмов английского языка): Автореф. дисс. д-ра филолог. наук // Г.Д.Томахин. – Москва, 1984. – 32 с.; Сайфуллаев А. Предлог ва кўмакчиларнинг номинатив синтагматик ва типологик структуравий макоми. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент: 2017. – 162 б.; Сафаров Ф.С. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол. фан.номз. дисс. автореф. – Самарқанд: 2004. – 20 б.; Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 27 б.; Кушнина Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: дисс. д-ра филолог. Наук // Л.В.Кушнина. – Пермь, 2006. – 49 с.; Feist M.I. Minding your manners: linguistic relativity in motion. – Linguagemem Discourse – LemD, Tubarão: SC, 2016. – 591-602 p.; Talmy L. Semantics and syntax of motion. In John P. Kimball, ed. Syntax and semantics 4. – New York: Academic Press, 1975 – 57-149 p.

номувофикликларнинг кўплаб учраши муқаррар. Бу эса филолог, таржимон ҳамда тилшунослардан ҳар иккала тил хусусиятлари тўғрисида чуқур билим ва тажрибага эга бўлишни талаб қилади.

Шунингдек, *average room rate* («ўртача хона нархи») терминидаги *rate* сўзи юқори полисемантик характерга бўлиб, (*poverty/unemployment rate* – «қашшоқлик/ишсизлик даражаси», *rate of progress* «ривожланиш суръати», *at any rate* –«ҳеч бир ҳолатда» (бўлишсиз гапларда)) таржима процессини мураккаблаштириш эҳтимоли йўқ эмас.

Sunbathing («қуёшда чўмилиш»), *sunbaking* («қуёшда ёпиш/пишириш») сўзлари – маънодош терминлар: ҳар иккаласининг таркибий компонентлари ўзбек тилидаги *қуёшда тобланмоқ* тушунчасига мувофиқ эмас. Шу сингари *ethnic food* термини ҳам «этник таом» эмас, балки «миллий таом» тарзида тилимизга ўгирилади. Дастлабки шакл тасаввуримизга «ёт шаклда» қабул қилинса, кейинги кўриниш кундалик одатий сўзлашув доирасига кирган.

Шунингдек, инглиз тили лингвистик структурасига хос бўлган *конкретизация* ҳодисаси туризм терминологиясида ҳам учрайди. Масалан, инглиз тилида аниқ ва тушунарли қилиб берилган *entry requirements, proof of citizenship, generating country, receiving country, National Park, double bed, single bed, triple room, dish of the day* терминлари қўшимча лексик воситалар воситасидагина мазмун плани бор бўйини кўрсатади:

- 1) *entry requirements* // мамлакат (ҳудуду)га кириш талаблари;
- 2) *proof of citizenship* // фуқаролигини тасдиқловчи ҳужжат;
- 3) *generating country* // сайёҳ етиштириб берувчи мамлакат;
- 4) *receiving country* // сайёҳ қабул қилувчи мамлакат;
- 5) *National Park* // миллий истироҳат боғи;
- 6) *double bed* // икки кишилик кроват;
- 7) *single bed* // бир кишилик кроват;
- 8) *triple room* // уч кишилик хона;
- 9) *dish of the day* // куннинг махсус таоми.

Юқоридаги таржима натижаларини шарҳлар эканмиз, таъкидлаш керакки, *entry requirements* термини кенгайган маънода берилмаган ҳолларда, *имтиҳонга кириш талаблари*, *мусобақада иштирок этиш талаблари*, *интернет сайтига кириш талаблари* ва бошқа кўплаб чалғитувчи маъноларни ифодалаб келиши мумкин.

National Park сўзининг тўғридан-тўғри «миллий боғ» тарзида ўгирилиши бу номни барчамизга маълум «парк» тушунчаси билан боғламаган бўларди.

Proof of citizenship терминининг «фуқаролик тасдиғи» шаклида ўгирилиши истеъмолда ноодатийлик касб этиб, «таржима нўноқлиги» сифатида баҳоланган бўларди.

Ўзбек туризм терминологиясини яратиш жараёнида баъзан маълум тушунча ифодаси учун инглиз тилида мавжуд ҳеч бир вариант афзал кўрилмай, рус тилидан ўзлаштирилган лексема амалда қўлланади. Мисол учун, *afternoon tea* ҳамда *cream tea* терминларининг иккаласиям тушлик билан кечки овқат оралиғидаги енгил тамаддини ифодалаб, рус тилидаги *полдник* лексемаси функционал жиҳатдан уларнинг ўрнини тўлақонли босади.

Инглиз сайёҳлик терминшунослиги намуналарини ўзлаштиришдаги энг катта мураккаблик, шубҳасиз, сўзлардаги товуш модификациясидир. Инглиз тили фонетикаси нисбатан катта фонемалар гуруҳининг мавжудлиги билан характерланади. Баъзи товушлар фақат инглиз тилига хос бўлиб, улар иштирокидаги сўзларнинг ўзлаштирилиши миллий тилимизнинг фонетик жиҳатдан маълум даражада чекланганлигини намоён этади. Бу ҳодисани куйидаги сўзларнинг «ўзбекчалаштирилишида» кузатсак бўлади:

- 1) *authenticity* – аутентиклик;
- 2) *theme park* – тематик парк.

Шунингдек, инглиз тилида графика билан талаффузнинг номувофиқлик даражаси жуда юқори. Бир неча ҳарфлар бирикмаси қисқагина ўқилиши жуда кенг тарқалган ҳолат. Бу инглиззабон сўзларнинг

Ўзлаштирилишида ўз аксини топади. Масалан, қуйидаги терминларнинг ўзлашган варианты қисқароқ ифодаланади:

- 1) *courier* – курьер;
- 2) *force majeure* – форс мажор.

Қиёсий, чоғиштира аспектда бажараладиган тадқиқотларда шундай ҳолатлар учрайдики, бир ном (лексема) остида турли тушунчалар тушунилади. Буни маълум сўзнинг бир тилда мавжуд ҳосила маъносининг бошқа тилда йўқлиги билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳодисани *carousel* ҳамда *diet* терминлари мисолида кўришимиз мумкин. *Карусель* номи остида онгимизда истироҳат боғларидаги кўнгилочар аттракцион гавдаланади. Инглиз сайёҳлик терминшунослиги контекстида эса бу лексема, шунингдек, қуйидаги қўшимча икки маънони ҳам ифодалайди:

- 1) аэропорт ва бошқа транспорт терминалида айланиб, йўловчилар юкини текширувдан ўтказувчи йўлак;
- 2) бир неча қаватдан иборат бўлган, харидор егулик ва ичимликни ундан олиб, патнисига қўйиши учун мўлжалланган, айланиб турувчи расталар.

Diet сўзи қиёфасида бизнинг маданиятимизда *парҳез* англашилади. Аммо инглиз тилида унинг қўлланиш доираси кенг бўлган, ихтиёрий овқатланиш тарзи, хусусиятларига ишора қилувчи *рацион* сўзига эквивалент бўлган маъноси ҳам бор:

- 1) *a student` s diet* – талаба рациони;
- 2) *a toddler` s diet* – гўдак рациони;
- 3) *an old person` s diet* – кекса одам рациони;
- 4) *a patient` s diet* – бемор рациони;
- 5) *a pregnant woman` s diet* – ҳомиладор аёл рациони;
- 6) *a vegetarian` s diet* – вегетариан одам рациони;
- 7) *schoolchildren` s diet* – мактаб ўқувчилари рациони ва ҳоказо.

Юқорида туризм терминологиясининг алоҳида синфи сифатида классификация қилиниши таклиф этилган «сафар муаммолари» гуруҳига кирувчи сўзларнинг ўзбек сайёҳлик терминшунослигига қабул қилиниши

хам ўзига хос жихатларига эга. Турли транспорт воситаларида кўнгил айнишини ифодалаб келувчи қуйидаги тиббий ҳолатлар ўзбекча вариантыда уларни номловчи лексемалар таркибига шу транспорт номининг киритилишини талаб қилади:

- 1) *airsickness* – самолётдаги кўнгил айниши;
- 2) *seasickness* – кемадаги кўнгил айниши;
- 3) *motion (travel) sickness* – автомобилдаги кўнгил айниши;
- 4) шунингдек, *altitude sickness* – тоққа чиқишдаги кўнгил айниши.

Инглиззабон сўзловчиларга жуда таниш бўлган *culture shock* терминини бевосита «маданий шок» тарзида ўгириш асосида («маданий зарба») ўзлаштириш маъно ифодасининг аниқ, тушунарли бўлишини бир хилда таъминлайди.

Сафар чоғида ифлосланган сув ёки бузилган овқатни истеъмол қилиш асносида келиб чиқадиган, турли ошқозон безовталаниш ҳолатлари билан кечадиган тиббий ҳолатни ифодаловчи *Delhi belly* – *Montezuma`s revenge* – *traveler`s diarrhoea* терминларидан, шубҳасиз, *traveler`s diarrhoea* (сайёҳ/йўловчи диареяси) ўзбек тилида энг мақбул вариант бўлади. Бунга биринчидан, «Монтезума» тушунчасининг маданиятимизга номаълум /нотаниш эканлиги сабаб бўлса, иккинчидан, бу кўнгилсиз ҳолатни Деҳли шаҳри билан боғлаш ҳинд халқига нисбатан ҳурматсизликни ифодалаши эҳтимоллиги сабаб бўлади.

Юқоридаги изоҳ ва таҳлиллардан қуйидагича хулоса қилиш мумкин:

- 1) турли структурага эга, турфа маданиятлар маҳсули бўлган тиллар бўлганлиги боисдан инглиз ҳамда ўзбек лексиконлари (хусусан, сайёҳлик терминологияси) сезиларли номувофиқликка эга;
- 2) инглиз сайёҳлик терминшунослигидан сўз ўзлаштириш жараёнида рус тилининг таъсири намоён бўлади;
- 3) инглиз туризм терминологиясига конкретизация хос бўлса, ўзбек тилида тушунча ифодаси кенгроқ изоҳни талаб этади;

4) инглиз ва ўзбек сайёҳлик терминологиясидаги сезиларли номувофиклик фонетика ва ёзув планида кузатилади.

Замон тараққий этиб борар экан, янги маҳсулот ва хизмат турлари ҳаётнинг барча жабҳаларига кириб боради. Бу муқаррар жараён. Янги тушунчаларнинг оммаланиши бориш суръати ҳам шиддат билан давом этиб бораркан, бу ривожланиш сайёҳлик соҳасини ҳам четлаб ўтмайди. Ушбу жараённинг катализатори вазифасини мамлакатлараро турли маршрутлар бўйича саёҳат қилаётган туристлар бажаришади. Масалан, инглиз сайёҳлик терминшунослигидаги *chef* барчамизга маълум *шеф повар*, яъни «*бош ошпаз*»ни англатади. Бу сўзнинг ўзга маъно ифодаси амалиётда мавжуд эмас. Аммо хорижий контекстда у бир неча турдаги хусусий ошпазларни ифодаловчи бирикмали кўринишларига эга:

- 1) *chef entremétier* – сабзавот пиширувчи ошпаз;
- 2) *chef gardemanger* – бош ошпаз;
- 3) *chef pâtissier* – қандолатчи ошпаз;
- 4) *chef poissonnier* – балиқ пиширувчи ошпаз;
- 5) *chef potage* – шўрва тайёрловчи ошпаз;
- 6) *chef rôtisseur* – кабоб тайёрловчи ошпаз;
- 7) *chef saucier* – соус тайёрловчи ошпаз;
- 8) *chef tournant* – ёрдамчи ошпаз.

Турли овқатларга ихтисослашган ошпазлар билан бир қаторда ихтисослашган ресторанлар (*Speciality restaurant*) ҳам сон жиҳатдан ошиб бормоқда: бу янги тушунча билан унинг номи ҳам маълум ўзгариш билан ёки бевосита истеъмолга татбиқ этилишига олиб келади.

Меҳмонхона тушунчаси ҳам турланиб, турли кўринишлар касб этиб бормоқда. *Boutique* сўзининг мазмунидан хабардормиз, аммо *boutique hotel* люкс шароитларга эга қиммат меҳмонхонага берилган ном эканлиги ҳали кўпчилик учун янгиликдир. *Boutique hotel* тушунчаси билан бир қаторда *country house hotel* («қишлоқ меҳмонхонаси») турар жой тури ҳам

мамлакатимизда қурилиб, сайёҳларни ўзига жалб этиши, мамлакатимизда туризм ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши мумкин.

Юқоридагилар каби, *air taxi* термини унинг остида англашилувчи хизмат тури(айниқса, тадбиркорлар томонидан қисқа масофага ҳаракатланувчи самолётнинг ёлланиши)нинг ҳали мавжуд эмаслиги сабаб мамлакатимиз ҳудудида ҳали истеъмолда йўқ. Аммо географик имкониятларимиз бир қадар чекланганлиги туфайли, *сув такси хизмати* эҳтимол республикамиз ҳудудида амал қилмас, лекин *ҳаво такси хизмати*, албатта, яқин келажакда транспорт хизматининг замонавий бир кўриниши сифатида шаклланади.

Dome car – bubble car – observation car лексемаларининг ҳар уччаласи «томи шишадан қилинган, ҳудуднинг диққатга сазовор жойларини томоша қилиш учун махсус ишланган темирйўл вағони»ни ифодалаб келиб, неча юз асрлар архитектура анъаналарини ўзида жамлаб келган, юртимизнинг кўплаб шаҳарларида бўй кўрсатиб турган тарихий обидаларни кузатиш учун ажойиб имкониятлар яратган транспорт воситаси саналади. Бу терминлардан катта эҳтимол билан *dome car* («гумбазли машина») миллий-маданий шароитларимизга мослиги жиҳатидан ўзбек сайёҳлик терминшунослик луғатига киритилса бўлади.

Nostalgic trains эскича кўриниши тикланган поездларга ишора бўлиб, бу уларга атайлаб қадимийлик руҳини бағишлаш, натижада тарихий анъаналарни тиклаш, тарғиб қилиш учун амалга оширилади. *Носталгия* лексемаси қўшни рус диёри орқали бизга кириб келиб, амалда истеъмолда мавжудлиги боис, бу терминни ўзлаштириш катта ўзгаришларсиз амалга оширилиши мумкин.

Cabin lift ҳамда *cable car* мамлакатимиздаги Чимён ва бошқа тоғли дам олиш масканларида мавжуд *канат* баландлик узра сайр қилиш воситасига эквивалент тушунчалар бўлиб, *канат* номи русийзабон сўзловчилар томонидан берилган ва расмий терминшуносликка у қадар мос тушмаслиги

мумкин. Аммо юқоридаги жуфтликдан «арқонли лифт»дан кўра «арқонли машина» бу транспортнинг асл моҳиятини очиб бергандай бўлади.

Сафар билан боғлиқ муаммоларга алоқадор *jetlag* ва *culture shock* сўзлари хорижий маданият вакиллари учун жуда таниш бўлган ҳодисаларни ифодаловчи сўзлар саналади. *Jetlag* сўзининг таркибий компонентларидан унинг мазмуни англашилмаслиги сабабдан, бу сўзни шундайлигича сезилмас товуш ўзгаришлари билан қабул қилиш мақбулроқ бўлади. *Culture shock* тушунчаси эса бевосита *маданий шок* ёки *маданий зарба* кўринишида ўзлаштирилиши мумкин.

Инглиз туризми терминологиясида кундалик амал қилувчи сўзлар орасидан кириб келган лексема ҳамда ифодалар мавжуд. Масалан, *форс мажор* маъно ифодасини берувчи *act of God* («худонинг иши») термини она тилимизда маъно мувофиқлигига эга.

Air hostess – flight attendant – stewardess маънодош термин-лексемалари ичидан, шубҳасиз, *стюардесса* термини бўлиб, уни ҳам рус тили орқали ўзлаштирганмиз.

Туризмдаги *баланд мавсум* (*peak season*) ва *паст мавсум* (*low season*) тушунчалари ҳам бевосита таржима йўли билан ўзлаштирилган. Баланд мавсум терминига баъзан *пик мавсум* термини муқобил сифатида қўйилади. Аммо она тилимизда *пик* лексемаси мавжуд бўлмай, у рус тили асносида инглиз тилидан қабул қилинган. Ўз тилимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, *баланд мавсум* дейилиши ҳам маънода ҳеч қандай чалкашликларни келтириб чиқармайди. *Баланд* лексемаси таркибида «*куч даражаси белгиланган меъёрдан ортиқ, кучли, юқори*» каби семалар мавжуд⁵⁶, у метафорик муносабат асосида термин ҳосил қилмоқда.

Airbridge ва *aerobridge* терминлари билан боғлиқ хусусият шундан иборатки, ўзаклари фарқли товуш компонентларидан ташкил топган ушбу сўзнинг иккаласи бир хил маъно ифодалайди. Ўзбек тилига, албатта,

⁵⁶ Ўзбек тилининг изоҳли луғати, – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006., 1-ж. – Б. 147.

тилимизнинг фонетик хусусиятлари билан боғлиқ вариант, яъни *аэрокуприк* кабул қилинади.

Ўзак ҳақида гап борар экан, инглиз тили, у орқали ўзбек тили сайёҳлик терминологиясида термин ҳосил қилишнинг самарали усуллардан бири мавжуд терминлар асосида янги терминлар ҳосил қилиш эканлиги ойдинлашади. Бунда улар *ясовчи асос* (гнездо) вазифасини бажаради. Инглиз тилидаги энг продуктив ясовчи асослар *tourism* ва *tour* сўзлари саналиб, уларнинг ҳар бири 51 та ва 79 та янги терминга асос бўлган. Ясовчи асослар ҳақида кенгроқ тасаввур пайдо бўлиши учун қуйидаги жадвални таҳлил учун хавола этамиз⁵⁷:

Туризм йўналиши	Ясовчи асос	Продуктивлик коэффициенти
Туризм статистикаси ва иқтисодиёти	Season	9
	Rate	9
	Capacity	6
	Traveler	6
	Visitor	5
Туризм ташкилотчилиги	Tourism	79
	Tour	51
	Trip	10
	Booking	10
Меҳмонхона саноати	Hotel	25
	Room	21
	Guest	7
	Bed	7
	Service	7
Озиқ-овқат саноати	Menu	11
	Bar	9
	Catering	7
	Plan	6
	Breakfast	6
Кўнгилочар машғулотлар ва хордиқ	Ski	11
	Park	9
	Leisure	6
Транспорт саноати	Flight	16
	Ticket	12
	Baggage	8
	Car	8

⁵⁷ Виноградова Л.В. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах. – Великий Новгород, 2011. – С. 69.

- 1) season – peak/high season (баланд мавсум), low season (паст мавсум);
- 2) rate – spouse rate (хамроҳ турмуш ўртоқ тўлови), companion rate (хамроҳ тўлови), flat rate (ўртача тўлов);
- 3) traveler – transit traveler (транзит йўловчи), through traveler (тўхташларсиз тўғри саёҳат қилувчи йўловчи);
- 4) visitor – day-visitor, same-day visitor (бир кунлик/кундузги сайёҳ);
- 5) tourism – soft/hard tourism, health tourism, industrial tourism, ethnic tourism, green tourism, alternative tourism;
- 6) booking – double booking, duplicate booking (бир шахсга икки ўринга буюртма бериш);
- 7) hotel – boutique hotel, five-star hotel, apartotel, condotel, country house hotel;
- 8) room – double bed room, single bed room, family room (4/5 ётоқли катта хона);
- 9) bed – king size bed (180×200 см), queen size bed (150×200 см);
- 10) breakfast – continental breakfast, American breakfast (колбаса, пишлоқ, омлет/сосиска)⁵⁸, Asian breakfast, English breakfast (мевали шарбат, қовурилган тухум, тост, сариёғ, мураббо, чой/кофе);
- 11) park – national park, aqua park, safari park;
- 12) ticket – one-way ticket (бир томонлама чипта), complimentary ticket (бепул чипта)
- 13) baggage – baggage allowance (бир шахсга рухсат этилган юк миқдори), excess baggage, baggage tag (юк ёрлиғи)
- 14) car – car hire (автоижара), cable car (канат), dome car, observation car.

Жадвалдаги ягона термин-лексема она тилимизда продуктив ясовчи асос бўлолмайди. Бунинг сабаби жуда оддий: ўлкамизнинг географик хусусиятлари туфайли чанғи учиш саноати тараққий этмаган. Бу уса ушбу соҳага оид янгидан-янги тушунчаларнинг пайдо бўлишига эҳтиёж йўқлигини кўрсатади.

⁵⁸ Абдухамидова Л.А. Ўзбек тили туристик терминларининг лисоний тақомили ва лексик-семантик тадқиқи. – Наманган, 2018. – Б. 67.

Autostrada, autopista, autoroute, autobahn, expressway терминларининг барчаси «массив машина катнов йўли»ни англатиб, уларнинг ҳиссаси ўларок инглиз туризм терминологияси бойиган. Инглиз маданиятида уларнинг ҳаммаси амалда қўлланилгани ҳолда, ўзбек тили контекстида фақат *автострада* амал қилади.

Air fare, spouse rate, cancellation charge, hotel tariff терминларининг барчаси учун умумий бўлган жиҳат пул қийматини ифодаловчи компонентларнинг мавжудлигида. «Тариф» тушунчаси она тилимизда ҳам бўлиб, асосан алоқа хизмати доирасида қўлланади. *Fare* термин-лексемасида, асосан, «йўл учун тўланган ҳақ»ни назарда тутилади. Бу терминни барча транспорт турига нисбатан қўлласа бўлади: *taxi fare, bus fare, train fare* ва ҳоказо. *Rate, charge* лексемалари *тўлов, нарх, солиқ* сўзларига функционал жиҳатдан муқобил. *Солиқ* сўзининг ўзи ҳам полисемантик лексема бўлиб, бу вазиятда давлатга тўланадиган бож эмас, балки хизмат учун тўланадиган пул қиймати англатади.

Jet boating термини транспорт эмас, у ҳордиқ ва кўнгилочар машғулотлар маъновий гуруҳига кирувчи термин: тезкор қайиқда саёзрок соҳил бўйларида учишни назарда тутувчи саргузаштли машғулотни ифодалайди. Бу номланишда самолётга хос хусусият қайиққа иқтибос қилиниб (*jet* тезкор самолётларга бериладиган таъриф саналади), янги термин ясалган.

Инглиз туризм терминологиясидаги яна бир қизиқарли ҳолат «табличка» (эълонлар тахтачаси)нинг вақт ўтган сайин терминга айланиши ҳисобланади. Уларни тилимизга ўзлаштиришда биров танқидий ёндашув талаб қилинади. Масалан, *No show* термини «кўринмади» («келмади») деган мазмунни англатиб, буюртма бериб, сўнг пайдо бўлмаган меҳмон (меҳмонхона контекстида) ёки йўловчи (аэропорт контекстида)ни англатади.

Инглиз тилида префикслар воситасидаги деривация усули жуда самарали. Она тилимизда префиксларнинг ўрнини уларга мувофиқ сўзлар

билан алмаштириш кўп учрайди. Масалан, *Pre-registration* термини эрта/олдиндан регистрация шаклида ўзлаштирилади.

Туризм ривожланиб борар экан, хизмат кўрсатиш персоналини ифодаловчи номлар ҳам ихтисослашиб боради. *Busboy- busgirl- busser* терминлари транспорт соҳасига алоқадор эмас. Бу номлар остида ресторанда меҳмонлар ликопча ва бошқа овқатланиш воситалари(қошиқ, санчки, пичоқ)ни йиғиштирувчи, аммо уларга хизмат кўрсатиб, буюртма олмайдиган официант тушунилади. Бу каби номланиш метафорик хусусиятга эга: ном таркибидаги транспорт воситасининг маълум хусусиятига асосланиб, янги термин вужудга келган. Ўзбек тилига ўзлаштириш жараёнида транспорт компонентини ном таркибидан олиб ташлаган маъқул. Зеро, бизнинг маданиятимизда салбий маъно бўёғи касб этиб, ҳақорат тарзида жаранглаш эҳтимоли ҳам мавжуд. Маъно мувофиқлиги мақсадида, *официант* сўзига *ёрдамчи* лексемасини қўшамиз.

Bell hop, bell boy, bell captain термин-сўзлари таркибидаги *bell* – *қўнғироқ*) лексемаси хизмат жараёнида фойдаланиладиган предметга ишора бўлиб (бирор хизмат эҳтиёжи туғилганида қўнғироқ чалиб чақириш назарда тутилади), шу жараёнда хизмат кўрсатадиган персонални англатади:

- 1) *bell hop* – меҳмонхона юк ташувчисига берилган ном: *bellman* билан ўзаро ўриндош;
- 2) *bell boy* – меҳмонхонада хабарларни етказувчи, юкларни ташувчи ёрдамчи бола;
- 3) *bell captain* – меҳмонхона бош юк ташувчисини ифодаловчи ном.

Меҳмонхона тушунчасининг ифодаланиши борасида ҳам тиллараро номуносивлик мавжуд. Инглиз сайёҳлик терминологиясидаги *guest house* (меҳмон хона/уйи) термини анъанавий «меҳмонхона» тушунчасидан фарқ қилади ва қуйидаги маъноларга эга:

- 1) фақат ҳудуддаги мунтазам яшовчилар учун мўлжалланган, уларни турар жой ва овқат/ичимликлар билан таъминлайдиган хусусий пансионат;

2) Узоқ Шарқда расмий меҳмонлар учун мўлжалланган давлат меҳмонхонаси.

Юқоридаги маъно ифодалари хусусий характерга эга бўлиб, умумий характерга эга бўлган замонавий меҳмонхона тушунчасини *hotel* лексемаси ифодалайди.

Тараққиётнинг сўнгги йилларида гастронимик туризм, инфотуризм, геотуризм, таълим туризми, альпинизм, соғломлаштириш туризми, экотуризм каби туризмнинг янгидан-янги йўналишлари илдамлаб бормоқда. Баъзан саёҳат гидлари ва ҳатто малакали таржимонлар ҳам фаолиятлари мобайнида янгича тушунчалар, улар орқали истеъмолга кириб бораётган терминларга дуч келишади ҳамда бу жараён ҳатто замон ўзгаришларига хушёр профессионал мутахассисларни ҳам шошилтириб қўйиши мумкин. Бу каби янгиликларни тез қабул қилиш, уларга ақлли ёндашиш учун янги тушунчалардан хабардор бўлиш, тил тараққиёти билан ҳамнафас бўлиш ҳамда янги тушунчалар тилнинг қандай қонуниятлари асосида ўзлаштирилаётганига эътиборли бўлиш талаб этилади. Бу мақсаднинг инъикоси ўлароқ яқинда туризм терминшунослигига оид янги стандарт қабул қилинди. У «Туризм хизматлари, турсоператор ва турагентлар. Терминшунослик» номи остида «Ўзстандарт» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги қарори билан тасдиқланди⁵⁹. Мазкур стандарт халқаро даражадаги EN 13809:2003 «Tourism services – Travel agencies and tour operators – Terminology» стандартига мувофиқ келади⁶⁰. Унинг принципларини ўрганар эканмиз, инглиз туризм терминологиясининг кичик ўзгаришлар билан ўзлаштирилганлигига гувоҳ бўлдик. «Агар туристик терминларнинг ўзагига қарасак, шуни таъкидлаш лозимки, аксарият сўзларнинг келиб чиқиши инглиз тилидан бўлиб, уларни ўзбек ва рус тилларига таржима қилганимизда ўзагида маълум бир қисми сақланиб қолишини ёки бутунлай ўша сўзнинг

⁵⁹ Ўз ДСТ EN 13809:2019

⁶⁰ <https://review.uz/oz/post/turizm-soasida-angi-standart-kabul-kilindi>, 07.04.2020

қўлланилишини кузатишимиз мумкин. У ҳолда бу термин келиб чиққан тилда қандай маъно англатишини билишимиз, таржима қилаётган тилимизда буни тушунтириш мақсадга мувофиқ»⁶¹. Юқоридаги иқтибосдан ҳам маълумки, инглиз туризм терминологияси нафақат ўзбек тили, балки бошқа тиллар сайёҳлик терминшунослигига ҳам асос бўлган. Уларни ўзлаштириш жараёнида сўзлар бироз ўзгаришга учрайди: «ўзига хос» характерини ўзида сақлаб қолади ёки ўзгаришсиз, бевосита янги тил терминшунослигига қабул қилинади. Навбатдаги вазифа уларнинг ўша тилдаги мазмунини изоҳлаб берувчи профессионал луғатларни тузишдан иборат бўлади.

Боб юзасидан қисқа хулосалар

Биринчи бобдаги тадқиқот ва таҳлилларимиз қуйидаги хулосаларга келишимизга асос бўлди:

1. Лексик-семантик типология – лингвистиканинг кам ўрганилган нисбатан ёш соҳаси; лексик-семантик типология учун тиллараро тафовутларнинг бўлиши мақсадга мувофиқ, тафовутларни ўрганиш асносида лингвистик универсалиялар юзага чиқади.

2. Тилшуносликда «сўз» терминини таърифлашда бир тўхтамга келинмаган. Денотат (стилистик баҳо) семантик тадқиқотда марказий тушунча бўлиб, терминларда ифода ва денотатнинг тенглиги кузатилади.

3. Туризм терминлари Жаҳон туризм ташкилоти томонидан белгиланган мезонларга жавоб бериши керак. Инглиз туризм терминлари инсоният цивилизацияси босқичлари билан параллел равишда шаклланиб борган. Туризм терминларини мавзувий жиҳатдан гуруҳлаб ўрганиш мақсадга мувофиқ, чунки инглиз туризм терминологияси кўплаб маданиятлар таъсири асносида шаклланган. Инглиз туризм терминологиясида синонимия, антонимия, полисемия ва маъно қўчиш ҳодисаларининг салмоғи юқори.

⁶¹Багирова С. Туризм терминларининг ўзбек, рус ва испан тилларида қўлланилиши // Замонавий роман-герман тилшунлиги ва тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2018. – Б. 139.

4. Ўзбек туризм терминологиясининг аксарият қисми четдан, хусусан, инглиз тилидан сўз ўзлаштириш орқали юзага келган. Ўзбек маданияти кўп соҳаларни, жумладан, шарқ архитектурасига оид терминлар билан жаҳон терминологиясини бойитган.

5. Турли структурага эга, турфа маданиятлар маҳсули бўлган тиллар бўлган инглиз ҳамда ўзбек лексиконлари (хусусан, сайёҳлик терминологияси) сезиларли фарқларга эга.

6. Инглиз сайёҳлик терминшунослигидан сўз ўзлаштириш жараёнида рус тилининг таъсири намоён бўлади. Шунингдек, инглиз туризм терминологиясига конкретизация хос бўлса, ўзбек тилида тушунча ифодаси кенгроқ изоҳни талаб этади. Инглиз ва ўзбек сайёҳлик терминологиясидаги сезиларли фарқ фонетика ва ёзув планида кузатилади.

II. БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДАГИ ТУРИЗМ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ТАРЖИМАСИ

2.1. Инглиз ва ўзбек тилларидаги сайёҳлик терминларининг ўзаро таржимаси ва муаммолари

Туризм саноати малакатлар чегаралари оша халқаро доирада ривожланиб бораркан, туризм терминологияси ҳамда туризм контентдаги материаллар (ресторан менюси, авиачипта, туризм статистикаси ва туризмни тарғиб қилувчи материаллар) таржимасини амалга оширишга эҳтиёж пайдо бўлади. Ҳатто Муҳаммад Зайн Сулаймон туризмни тарғиб қилувчи материалларни энг кўп таржима қилинадиган ҳужжатлар сирасига киритади⁶². Аммо бу каби таржима маҳсуллари кўп ҳолларда «сифатсиз» ёрлиғини олиб, қаттиқ танқидга учрамоқда. Ушбу масала ечимига қаратилган кўп сонли илмий тадқиқот ва изланишлар филологларнинг диққат марказида бўлиб келмоқда.

Айни замонда туризм ижтимоий-иқтисодий тараққиётни ҳаракатга келтирувчи омил бўлиб қоларкан, уни лингвистик нуқтаи назардан тадқиқ этиш учун, табиийки, ҳаётнинг тилдан бошқа яна кўплаб соҳаларига мурожаат этишимизга тўғри келади. Турли мамлакатлар туризми интеграцияси оқибатида муаммога миллий маданиятлар масаласи ҳам аралашади, натижада, туризм контенти кенгаяди, табиийки, таржима муаммолари ҳам ошиб боради. Шу ерда изоҳлаб ўтиш лозимки, туризм контенти материалларини нафақат вербал, балки визуал маълумот ҳам ташкил этади. Аммо тадқиқотимиз объекти сифатида эътиборимизни асосан вербал матн таржимасига қаратамиз. Визуал маълумот шарҳи вербал матнга таъсири бўлган ҳоллардагина тақдим этилади.

Туризм материаллари қабул қилинган қолип ёки эркин контентга эга бўлиши мумкин. Дейлик, авиачипталар ҳамда туризм статистикаси

⁶²Mohamed Zain Sulaiman. The misunderstood concept of translation in tourism promotion. – University Kebangsaan Malaysia. – P:53. DOI: 10.12807/ti.108201.2016.a04.

материаллари умумий келишилган қолипга солинган ҳамда таржимаси осон ва равшан бўлгани ҳолда, туризмни тарғиб этувчи материаллар (брошюра, флаер, туризм тарқатма варақалари, баннер ва вебсайтлар) контенти эркин ҳамда кутилмаган жиҳатларга бой. Туризмни тарғиб этувчи материаллар моҳияти шунчаки матн тақдимотидан иборат бўлиб қолмай, потенциал сайёҳларни ишонтиришга қаратилган техникалар билан қуролланган махсус тилдан унумли фойдаланишни назарда тутди. Бу тарғибот тилида лисоний ва маданий омилларнинг ҳамоҳанглигини Данн қуйидагича изоҳлайди⁶³: «Туризмнинг махсус тарғибот тили миллионлаб инсонларни ишонтириш, алдаш, жалб қилиш ва «йўлдан уриш»га уринади ҳамда бу уринишда потенциал мижозларни ҳақиқий мижозларга айлантиришни кўзлайди. Уларнинг миллий-маданий эҳтиёж ва интилишларига таъсир этиш орқали уйдаги ўриндиқларидан тўғри авиатранспорт ўриндиғига йўналтиради, яъни «сайёҳларга айлантиради».

Гарчи туризм тарғиботи материаллари энг кўп ўгирилган ҳужжатлар категориясига кирсада, улар бир неча ўн йиллардан бери жаҳон таржимашунослиги доирасида (Федеричи, 2007; Ҳикей, 2004; Келли, 1998; Пиерини, 2007; Пиназо, 2007; Сулаймон, 2014; Сумберг, 2004) танқидга учраб келмоқда. Хусусан, Сумбергнинг эътирози функционал (таржимадан кўзланган мақсад ва вазифага асосланган) ёндашувдан лингвистик (бекаму-кўст сўзма-сўз таржимага асосланган) ёндашувни устун қўйган таржимонларга қаратилган⁶⁴. Ҳикей унинг қарашларини қувватлаб, таржимонларнинг камчилигини таржимада «прагматик (контекстуал) эквивалентлик»ни эмас, «семантик эквивалентлик»ни излашларида кўради⁶⁵. Танқидлар қаратилган асосий нуқта таржима маҳсулининг ўз белгиланган вазифасини бажаришда оқсаётгани, яъни кўзланган аудитория англаши учун адекват даражада эмаслигида. Айтиш керакки, кўзланган аудитория ҳар доим

⁶³ Dann G. The language of tourism. A sociolinguistic perspective. Wallingford: SAB international. 1996.

⁶⁴ Sumberg C. Brand leadership at stake: Selling France to British tourists. The translator, 2004. 10(2). – P. 343.

⁶⁵ Hickey L. Perlocutionary pursuits: Persuading of/that/to. In M.P.Errasti, R.L.Sanz, S.M.Ornat (Eds.), Pragmatics at work: The translation of tourist literature, Bern: Peter Lang. – 2004. – P. 77.

хам материалнинг ҳақиқий қабул қилувчиси билан мутаносиб бўлмаслиги мумкин. Бундай хатонинг олдини олиш мақсадида таржима жараёнидан аввал кўзланган лингвистик жамиятнинг маданияти, менталитети, зарур бўлса, тарихини ҳам ўрганиш лозим. Маданиятлараро номувофиқ таржимага Сулаймон изоҳлаган мисолни келтирамиз⁶⁶. Ғарбий маданият таржимонининг инглизча «Pedal to paradise in the blue mountains» сарлавҳасини малай миллати вакиллари учун бевосита «Mengayuh Menuju ke Syurga di Blue Mountains» тарзида ўгиргани муваффақиятсизликка учраган. Бунга сабаб ушбу миллат диний қарашларига кўра жаннат сўзи (Syurga) боқий дунё билан боғланиб, ҳаёт лаззатларига алоқаси йўқ; нотабиий, ноқулай, ҳордиқ учун номақбул жой хусусиятларини ифодалайди. Сулаймон маданиятлараро туризмни тарғиб этувчи материаллар таржимаси билан иш кўрганда қуйидаги мезонга амал қилиш зарурлигини таъкидлайди⁶⁷:

1) таржимон ёки бевосита жараён иштирокчисининг таржима тили маҳаллий сўзловчиси бўлиши лозим. Зеро, шу тилнинг маҳаллий вакилигина унинг барча маъно нозикларидан хабардор бўлиши, самарали тарғибот материаллари тузиши (ёки таржимоннинг тузганига баҳо бериши) мумкин.

2) маҳаллий сайёҳлик бозорини яхши тушуниш (бунда миллий маданият хусусиятлари ўрганилади) талаб қилинади. Маҳаллий маданият шароитини ўрганиш туризм хизматлари потенциал истеъмолчисининг эҳтиёж, хоҳишларини олдиндан аниқлашга имкон беради;

3) ижодкорлик. Бу зарурий маҳорат истеъмолчи эътиборини жалб қила оладиган таъсирчан тарғибот матнларини яратишда қўл келади.

4) тарғиб этилажак туризм маҳсулот/хизмати тўғрисида яхши билим ва тушунчага эга бўлиш. Бунда асосий масала истеъмолчинини алдамаган ҳолда маҳсулот ёки сервиснинг эътиборга молик барча муҳим жиҳатларини гўзал тарзда ташвиқ этишдир.

⁶⁶ Sulaiman M.Z. Translating tourism: a cultural journey across conceptual spaces. PhD thesis, Monash University, Melbourne. 2013.– P. 154-155.

⁶⁷ Mohamed Zain Sulaiman. The misunderstood concept of translation in tourism promotion, University Kebangsaan Malaysia. – P. 58. DOI: 10.12807/ti.108201.2016.a04.

Афсуски, ҳозирги вақтда таржима тили бўйича юқори билимга эга мутахассиснинг ёлланиши, аъло даражадаги беҳато таржимага эришиш муааммо бўлиб қолмоқда. С.Баснетнинг муқоясасига кўра, таржима иши ҳамон ижодий ишдан паст қўйилади, гўё таржимон «кам қобилиятли иккинчи даражали фуқаро»га тенглаштирилмоқда⁶⁸.

Юқорида келтирилган маълумот асосида хулоса қилиш мумкинки, сайёҳлик материаллари таржимаси – маркетолог, иқтисодчи, маҳаллий маданият вакиллари ва ижодкорларнинг ҳамкорликда вужудга келтирадиган меҳнати маҳсули. Бизнинг тилшунос-филолог сифатидаги вазифамиз эса сайёҳлик материалларининг лингвистик жиҳати, уларнинг тиллараро (ўзбек ва инглиз тиллари доирасида) ўзаро мувофиқ ва самарали таржимаси ҳамда бу жараёндаги муаммоларга қаратилади. Албатта, муаммонинг асосий сабаби тиллараро тафовут экан, зарур ўринларда тилларнинг маданий аспектига ҳам мурожаат этамиз.

Барча соҳа ва мутахассисликларнинг ўз тили (рақс тили, компьютер тили, тиббиёт тили ва ҳоказолар каби) бўлгани сингари туризм ҳам ўз тилига эга. Таржима назарияси нуқтаи назаридан тадқиқотимиз жараёнида тизимлашган, маълум грамматик қоидаларга бўйсунувчи, махсус луғат таркиби ҳамда семантик контентга эга бўлган, анъанавий белги ва кодлар тизими орқали ахборот ифодаловчи ҳамда фаолият юритувчи «туризм тили» тушунчасига мурожаат этамиз. Туризмнинг ўз тили бўлгани каби ўз таржимонининг бўлиши мақсадга мувофиқ. Сайёҳлик контенти материалларини ўгиришдаги илк хато уларнинг номутахассис қўлига берилишидир. П.Пьерини туризмнинг ташвиқий матни нақадар мураккаб табиатга эгаллиги таржимон ва миждоз томонидан етарлича баҳоланмаслиги, умумхалқ тилидан фойдаланиш имкониятларининг кенглиги таржима жараёнини осон қилиб кўрсатса-да, у хусусий лисоний-маданий жиҳатлари

⁶⁸Bassnett S. The translator as writer. In C. Buffagni, B. Garzelli, & S. Zanotti (Eds.), The translator as author: Perspectives on literary translation; Proceedings of the International Conference, Università Per Stranieri of Siena, 28-29 May 2009 (p. 91). London: Transaction Publishers.

билан ажралиб турувчи ихтисослашган дискурсга эгалигини таъкидлайди⁶⁹. Туристик контентли материаллар таржимасида туризм тили билан иш кўрарканмиз, қуйидаги бирламчи хусусий мураккабликларга дуч келамиз.

Биринчи, сайёҳ маълум мамлакат ҳудудига ташриф буюрар экан, у янги шаҳар, бино, машғулот, таом, либос, одатлар ва ҳоказога дуч келади. Одатда, улар ҳақидаги биринчи таассурот брошюра, вебсайт, флаерлар ҳамда бошқа туризмни тарғиб этувчи материаллар орқали қўлга киритилади. Таржимоннинг бирламчи вазифаси реалликнинг бу элементларини улар тўғрисида кенг (балки, умуман) билимга эга бўлмаган сайёҳга тақдим этишдир. Ледина Меркай уларни «реалиялар» деб атайди⁷⁰.

Иккинчи, таржимадаги зиддиятли ҳолатлардан яна бири юқоридаги реалияларга атаб қўйилган номлар таржимасида кўринади. Атоқли отлар таржимаси – ғоятда баҳсли масала. Баъзи номлар ўгирилишни талаб этса, баъзилари фақат таржима тили график-фонетик сатҳида трансформация қилинади, яъни шахс номлари ўзлаштирилишида қўл келган транслитерация ва транскрипция атоқли отлар таржимасида самара бермайди. Бунда муҳим стратегия шундан иборатки, таржимоннинг қандай техникани афзал кўришидан қатъи назар, ўгирилган жойга бориб, маълум таомни тановвул қила олиши ёки хизматдан фойдалана билиши биринчи даражали саналади. Лингвистик ёндашувдан функционал ёндашувнинг устун қўйилиши мана шунда намоён бўлади.

Ихтиёрий типдаги матн таржимасини таржима назариясида умумий учта – ажнабийлаштириш (манба-тил матни хусусияти ва сўзларини сақлаб қолган таржима), маданийлаштириш (манба-тил матни лингвистик, маданий хусусиятларини таржима тили қолипига мослаш) ёки нейтраллаштириш (манба-тил матни ахбороти, маданий хусусиятларини таржима тили вакилларига тушунарли тарзда тақдим этиш) методлари асосида ўгириш

⁶⁹ Pierini P. Quality in web translation: an investigation into UK and Italian tourism websites, *JoSTrans // The journal of specialized translation*, 8. – 85-103, p: 99.

⁷⁰ Ledina Merkaj, PhD Candidate, University/Ismail Qemali, Vlore, Albania, Tourist communication: a specialized discourse with difficulties in translation, *European Scientific Journal* December 2013 /SPECIAL/ edition vol.2 ISSN: 1857 – 7881 (Print) e - ISSN 1857- 7431.

мумкин. Ушбу ёндашувлар тадқиқот учун аҳамиятли бўлганлиги сабабли куйида ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Маданийлаштириш методи (доместикация) илк бора Ф.Шлеймахер томонидан илгари сурилган⁷¹, Лоуренс Венути уни яна ҳам ривожлантирган⁷². Ушбу метод очиқ, раво ҳамда ажнабийлиги имкон қадар минималлаштирилган таржимани тақозо этади. Масалан, Америкадаги *Golden Gate Bridge* ёдгорлигини «Голден Гейт кўприги» тарзида ўгириш туризм материали контентини нишондаги сайёҳга лингвистик жиҳатдан яқинлаштиради. Аммо унинг «Олтин дарвоза кўприги» шаклида таржима қилиниши (литерал таржима) манба-тил маданиятининг йўқотилишига сабаб бўлади: маданийлаштириш мутлақ таржима тили қолипларига солинишни англатмайди. Аксинча, унинг вазифаси сайёҳлик матнини ўзга маданиятли инсонга одатий қиёфада тақдим этишдан иборат.

Маданийлаштириш методи сайёҳ учун туризм контентдаги матнни тушуниш жараёнини енгиллаштиришга қаратилган. Аммо уни *сайёҳга йўналтирилган* (tourist-oriented) усулдан фарқлаш лозим. Дастлабкиси, манба-тилдаги ҳиссий-экспрессивлик ҳамда маданий жиҳатларга ҳурмат билан қарашни тақозо этса, кейинги усулда сайёҳ ишини енгиллатиш учун манба-тил матнининг баъзи қисмлари ҳатто қирқиб ташланишини англатади. Аммо ҳатто усталик билан маданийлаштирилган матнда ҳам манба-тилдаги баъзи тарихий-маданий ахборот йўқотилиши мумкин. Аммо туристик контентдаги матн таржимасида буларнинг ҳеч бири деярли қўл келмайди.

П.Ньюмарк таржимага коррелятив ёндашувни татбиқ этди⁷³. Олим турли матнлар билан ишлашнинг етти хил методини олға суради:

⁷¹ Schleimacher F. (1838/1963). On the Different Methods of Translating, in André Lefevere (ed. & trans.) (1977) *Translating Literature: The German Tradition from Luther to Rosenzweig*. Assen & Amsterdam: Van Gorcum. – P. 47.

⁷² Venuti Lawrence (1995). *The Translator's Invisibility, A History of Translation*. London and New York: Routledge. – P. 19-20.

⁷³ Newmark P. *About Translation*. Clevedon: Multilingual Matters Ltd. (1981). *Approaches to Translation*. Oxford: Pergamon, 1988.

- 1) компонент таҳлил методи сўзларни семантик компонентларга бўлиб моҳиятини очишни тақозо этади. У айниқса, сайёҳ учун номаълум бўлган миллий-маданий сўзлар таржимасида самарали.
- 2) модуляция битта фикрни ифодалаш мақсадида манба-тил ва таржима матнида турли жумлаларнинг қўлланилишини англатади⁷⁴. Масалан, инглиз ресторан менюсидаги «Help yourself!» (литерал таржимаси «ўзингизга ёрдам беринг» бўларди) ўзбекча функционал эквиваленти «Ёқимли иштаҳа!» жумласи билан модуляция қилинади.
- 3) тавсифий эквивалент методи воситасида миллий сўзлар бир неча сўздан иборат изоҳи асосида ифодаланади.
- 4) функционал эквивалент методида манба-тилдаги сўз ёки ифода таржима матнида вазифавий муқобили билан алмаштирилади.
- 5) маданий эквивалент ёндашувида аслиятдаги миллий-маданий сўзнинг таржима тилидаги бир хил ёки яқин маъно ифодалайдиган эквиваленти кўмагида гавдалантириш ни тақозо этади.
- 6) синонимия усулига мисол тариқасида инглиз тилидаги ресторан менюсидаги *toast* сўзининг *нон* лексемаси воситасида мувофиқлаштирилишини келтириш мумкин.
- 7) Перифраза (тасвирий ифода) таржима техникаси миллий-маданий тушунчани кенгайтирилган изоҳлар билан ифодалашни назарда тутаяди.

Таъкидлаб ўтиш керакки, юқоридаги таржима техникаларини П.Ньюмарк мувофиқ келиш даражасига кўра юқоридан пастга томон бериб боради.

Юқоридаги методлар таржимон ишини енгиллаштиришга хизмат қилади. Аммо қайси усул танланишидан қатъи назар, туризм тарғиботи материаллари таржимасида қўшимча мураккабликлар туғдирадиган омилларнинг таъсири муқаррар. Буларга ассоциатив ва коннотатив маъно; миллатлараро фарқли мушоҳада, идрок этиш жараёнлари; метафора, турғун

⁷⁴ Translation techniques: modulation, By Chiara Grassilli, <https://translathoughts.com/2016/05/modulation/>

бириқма; диний эътиқод, мифологик тушунча; қадриятлар ва ҳаёт тарзининг таъсири доим таржима жараёнида сезилиб туради.

Ледина Меркай ажнабийлаштириш (foreignizing) техникасини қўллаш юқоридаги таъсирлардан бирортасини қолдирмаслиги, бу усул туризм материаллари таржимасидаги энг мақбул усуллигини, зеро, янги жойга ташриф буюриб, янгича маданиятни ўрганмоқчи бўлган сайёҳ уларни борича қабул қилиши лозимлигини таъкидлайди. Аммо бу қараш тур операторлари, сайёҳлик агентликлари ҳамда туризм хизматлари ишлаб чиқувчиларига ёқмаслиги равшан, чунки ажнабийлаштириш техникаси туризм материалларининг таржима тили маданияти вакиллари онгида аслият тилидаги руҳий-эмоционал эффектнинг ҳосил қилинмаслигини англатади. Бу эса туризм тарғиботига ўз таъсирини кўрсатмай қолмайди.

Демак, лингвистик нуқтаи назардан, аслият тилдаги матн хусусиятлари ва миллий-маданий тушунчаларнинг борича сақлаб қолинишига эришилса, таржима буюртмачилари имкон қадар уларни истеъмолчи маданиятига яқинлаштириш йўлини танлашади.

Юқорида тилга олинган асосий томонлар: туризм хизматини таклиф этувчи ва истеъмолчи таъбига маъқул келиш учун сайёҳлик матнлари уч фундаментад функцияни бажаради: экспрессивлик, ёритувчилик ва чақирувчи(чорловчи)лик функциялари⁷⁵. Бу уч функция ўзаро чамбарчас боғлиқ: бири бошқасини тақозо этади. Экспрессивлик функцияси сайёҳ онгида матн асосида ҳосил бўлган таассурот, руҳий-эмоционал муносабат, шаклланган коннотациялар моҳиятида намоён бўлади. Булар хусусий-субъектив бўлиб, шахсдан-шахсга фарқ қилиб боради. Ёритувчилик функцияси сайёҳлик материаллари контенти учун бирламчи бўлмаса-да, у экспрессивлик ва чақирувчилик функцияларининг юзага чиқишида восита бўлади. Зеро, маълум саёҳат масканига муносабат кўрсатишдан олдин, аввало, бу гўша, унинг тарихи, маданияти, табиати, ҳаёт тарзи ва ҳоказолар

⁷⁵ He Sanning. Lost and Found in Translating Tourist Texts Domesticating, Foreignising or Neutralising Approach. Nanjing University of Information Science and Technology // The Journal of Specialised Translation. – 2010, Issue 13, January. – P. 125.

тўғрисида маълум билим ва тушунчага эга бўлиш талаб этилади. Сўнг унинг асосидагина маълум муносабат шаклланади. Охирги, чорловчилик вазифаси сайёҳнинг қизиқишини уйғотиб, уни туризм гўшаларига етаклашни назарда тутди. П.Ньюмарк сайёҳлик материалларининг сўнгги вазифаси асл истеъмолчига эмас, балки умуман кенг китобхонлар оммасига қаратилаётганини таъкидлайди⁷⁶. Шунинг унутмаслик керакки, туризм контентли материалларнинг асосий аудиторияси – оддий халқ, шунга мувофиқ бундай материаллар содда мурожаат тили ва услубида яратилиши лозим.

Сайёҳлик матнларининг ёритувчилик ҳамда чорловчилик функцияси коммуникатив таржимани тақозо этади: бундай таржима бевосита лингвистик восита ёрдамида амалга оширилса, экспрессивлик вазифаси учун семантик воситалар аҳамиятли. Бунга экстралингвистик контекст (матннинг тони, ҳиссий бўёқдорлиги, уни тўлдирувчи график тасвир, ҳатто, қоғоз ранги) орқали эришиш мумкин. Контентнинг ҳис этилиши, ўқилиши, тушунилишида турист тасаввурининг бойлиги ҳам маълум даражада аҳамиятли.

Юқоридаги уч асосий функциясидан ташқари туризм контентидаги материалларнинг эстетик вазифаси⁷⁷ ва маданий қиймати ҳам муҳим. Эстетик вазифаси сайёҳлик матнининг қисқа, аммо таъсирчан тузилишида намоён бўлса, маданий қийматини қуйидаги жиҳатлар ташкил этади:

- 1) маълум туристик ҳудуднинг табиат манзаралари тасвири;
- 2) узоқ йиллар давом этган маданий мерос ҳамда анъаналар тасвири (урф-одатлар, ижтимоий тузилмалар, санъат ва ҳунармандчилик);
- 3) инсон қўли билан яратилган маданий ёдгорликлар (ибодатхона, масжид, мадраса, музей, сарой, боғ ва бошқа архитектура ёдгорликлари тасвири).

Юқоридагиларни умумийлаштирадиган бўлсак, сайёҳлик материаллари ёритувчи, қизиқарли, амалда фойдали, таълимий, маданий, керакли

⁷⁶ Newmark P. A Textbook of Translation. – Shanghai: Shanghai Foreign Language Education Press, 2001.

⁷⁷ Chen Hongwei. Chinese-English Translation Course. – Shanghai: Shanghai Foreign Language Education Press. – P. 273.

ўринларда ҳазил-мутойибага мойил бўлиши ҳам талаб этилади. Таржиманинг поэтик табиатга эга бўлишини ўзаро қофиядош сўзлар танлови, сўз ўйинлари ҳамда эмоционал-экспрессив нутқ товушлари воситасида амалга оширилиши мумкин. Мукамал қилиб изоҳлаганда, сайёҳлик материаллари шунчаки ёритувчи-таълимий оҳангдаги қисқа матн эмас. У қисқа, аммо лўнда контекст воситасида потенциал сайёҳда қизиқиш уйғотиб, керакли билим, маълумотларни бериб, уни кадрдон гўшаси оша ўзга макон ва саргузаштлар илинжида етакловчи чорловчи-ишонтирувчи характердаги даъват ҳисобланади. Бундаги таржимоннинг вазифаси аслият тилида шу каби хусусиятлар касб этадиган матннинг асосий маълумотига таяниб таржима тилида ҳам бир хилда таъсирчан матн яратиш, токи унга «Лондонга бориб, Регент саройида қолиш истаги тинчлик бермасин»⁷⁸.

Таъкидлаш лозимки, «бир хилда таъсирчан» матн лингвистик муштараклик эмас, балки ёритувчи контент ҳамда стилистик функция муқобиллиги билан яратилади. Зотан, тиллараро тафовут лингвистик муқобиллик орқали матннинг чорловчи-экспрессивлик функциясини сақлаб қолишга йўл қўймайди. Натижада, содда қилиб айтадиган бўлсак, бошқача сўзлар ҳамда грамматик тузилмалар воситасида билан бўлсада, аслсий манба тилидаги матндан кўзланган функционал мақсадга эришсак бас.

Ажнабийлаштириш хорижий сайёҳлик матнини унинг хусусиятларига мувофиқ, аммо таржима тили лингвистик жиҳатларига ноодатий бўлган усулда ўгиришни назарда тутди⁷⁹. Ушбу методнинг марказий фокуси оригинал матннинг тарихий-маданий хусусиятларини сақлаб қолишга қаратилган бўлади. Табиийки, бу таржимондан ўгириш жараёнида миллий-хусусий тил имкониятларига суянишни талаб этади. Бу стратегия том маънода оригинал матнга «содиқлик»ни тақозо этади. Масалан, инглиз тилидаги *bed-and-breakfast* тушунчаси ажнабийлаштириш асосида

⁷⁸ Snell-Hornby M. The ultimate confort: Word, text and the translation of tourist brochures. In G. Anderman & M. Rogers (Eds.). Word, text, translation: Liber amicorum for Peter Newmark (p,100). Clevedon: Multilingual Matters., 1999.

⁷⁹ Baker M. Routledge Encyclopedia of Translation Studies. Shanghai: Shanghai Foreign Language Education Press, 2004. – P. 242.

ўғирилган: сўзнинг фонетик хусусиятлари, орадаги боғловчи сўз ва графика ўз ҳолича қолдирилган. Таржимонларнинг кўпи туризм тарғиботининг асосий мақсади маълум масканнинг сайёҳлик имконияти, товар ва хизматларини ташвиқ қилиш экан, хорижийлик бўёғини сақлаб қолиш энг яхши методлигини таъкидлашади. Чунончи, сайёҳ айнан шу тафовут, яъни маданият, тил, географик ва ижтимоий тузилиши бошқа бўлган гўша илинжида саёҳатга отланади. Аммо бу усулнинг ҳамма тан олган камчилиги шундаки, бунда таржима қилинган сайёҳлик матни истеъмолчи ҳисларини четлаб ўтиш, унга тушунарсиз бўлиш хавфи остида бўлади. Аммо туризм контентидаги материаллар таржимасида ҳам маданий ўзига хослик, ҳам матннинг ўқишлилигини сақлаб қолиш муҳим. Нейтраллаштириш усули сайёҳлик матнидаги маданият факторига дахл қилмасдан, уни имкон қадар таржима тили вакилларига тушунарли қилишда қўл келади. Бироқ баъзи тилшунослар маданийлаштириш ва ажнабийлаштиришни мувофиқлаштириб бўлмаслигини айтишади⁸⁰. Бошқалари таржиманинг кўлами ва мақсадига кўра у ёки бу метод танланишини, бирининг бошқаларидан устун ё мутлақ мақбул эмаслигини таъкидлашади⁸¹. Бу қоида, айниқса, сайёҳлик матнлари таржимасида амал қилади.

У ёки бу таржима стратегиясининг тўғрилиги ёки иш бериши таржима жараёнида функционал эквивалентликка эришилганлик мезони билан ўлчанади. Функционал эквивалентлик принципиал мақсадга айлантирилгани билан бирга мутлақ (мукамал) эквивалентликнинг бўлмаслиги ҳам айна ҳақиқат⁸². Функционал муқобилликнинг аниқ изоҳи унга эришилган ёки эришилмаганлигини аниқлашда имкон беради. Таржима тили истеъмолчиси ўғирилган сайёҳлик матнини манба-тил вакили даражасида тушунса, функционал муқобилликка эришилган бўлади.

⁸⁰ Lefevre A. Translation, Rewriting and the Manipulation of Literary Fame. London and New York: Routledge, 1992. – P. 149.

⁸¹ Sun Yingchun. Zhang Guroo's Translation Art Research, Beijing: China Foreign Translation and Publishing Corporation, 2004. – P. 67.

⁸² Nida Eugene A. Language and Culture: Context in Translating. – Shanghai: Shanghai Foreign Language Education Press, 2001.

Функционал муқобиллик ҳодисасини сайёҳлик матнининг турли сатҳдаги ташкил этувчи компонентлари доирасида кўриб чиқамиз. Бу жиҳатдан ахборотга йўналтирувчи принцип, ассоциацияларга асосланган принцип ҳамда концепт(тушунча)га асосланган принциплар⁸³ муҳокамасига эҳтиёж сезилади.

Аслият тили матнидаги ахборотни мавжуд маданий-тарихий хусусиятлари билан зарурий даражада таржимада акс эттириш бирламчи вазифа. Ахборот «шахс, жой номи, сана» кўринишида бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек тарихий обидалари билан алоқадор равишда Амир Темур номининг ўзини таржимада келтириш инглиз маданияти сайёҳлари учун етарлича тушунарли бўлмаслиги мумкин. Буни нейтраллаштириш методини кўллаб, «Амир Темур (1336-1405), Ўрта Осиёда ҳукм сурган Темурийлар салтанати (1370-1506) асосчиси» тарзида ёритсак, мақсадга мувофиқ бўлади.

Саналар трансформацияси таржимада муаммодек кўринмаслиги, сезиларли мураккаблик касб этмаслиги мумкин, бироқ уларни сайёҳга эмоционал-экспрессив таъсир даражасида етказиш таржимондан маҳорат талаб этади. Масалан, «Улуғбек мадрасаси уч йил мобайнида қурилиб, 1420-йилда битказилди» маълумотини инглизчада қуйидаги вариантларда бериш самарали бўлади:

- 1) «The construction of Ulugbek Madrasah took 3 years and was completed in 1420, 14 years before Shakespeare was born»;
- 2) «The construction of Ulugbek Madrasah took 3 years and was completed in 1420, 72 years before Christopher Columbus discovered the New World.

Ўгирилган ахборотнинг биринчи қисми манба-тил миллий-маданий архитектураси қийматини акс эттириб, оригинал матнга ҳурматни сақлаб қолди. Таржиманинг кейинги қисми эса сайёҳнинг янги ахборотни ҳазм қилиш жараёнини енгиллаштириб, янги маданият билан алоқа кўпригини қуришга ундайди. Сайёҳ ўзига таниш маданиятнинг бир парчаси тақдим

⁸³ He Sanning. Lost and Found in Translating Tourist Texts Domesticating, Foreignising or Neutralising Approach, Nanjing University of Information Science and Technology, The Journal of Specialised Translation, Issue 13 – January 2010. – P. 132-135.

этилишини кадрлайди, янги маданиятга меҳр кўяди. Бу, шубҳасиз, матннинг чорловчилик функцияси юзага чиққанигини кўрсатади. Бу шуни англатадики, таржимон ҳамиша имкон қадар сайёҳ нимани ўйлаётганлиги, қандай турдаги маълумотни исташини олдиндан билиши ва шу орқали таржимада ахборот эквивалентлигига эришиши талаб этилади.

«Коммуникатив таржима ҳеч қандай қийинчилик/мавҳумликни кутмайдиган, хорижий матн элементларини ўз маданияти, керак бўлса, тилига мосланишини истайдиган иккинчи томонга қаратилади, » – дейди Питер Ньюмарк⁸⁴. Ўзбек маданиятида саховатли кузнинг айна пишиқчилик палласида нишонланадиган Ҳосилжон сайли мавжуд. У мўл-кўлчилик, яхши ҳосил учун Аллоҳга шукрона айтиш, табиат неъматлари ҳамда улардан тайёрланган таомларни дўст ва яқинлар билан бўлишиш, бу каби хурсандчилик ҳолатларини куй ва мусиқа жўрлигида нишонлаш каби инсонпарвар тушунча ва қадриятлар билан боғланади (ассоциациялашади). Инглиз маданияти вакилларини ўлкамиздаги гўзал куз айёмига чорловчи сайёҳлик матнини таржима қилаётганда, бу каби тушунча ва қадриятларни инглиз маданиятидаги *Thanksgiving day* байрами орқали тасвирлашимиз мумкин. Бу ассоциацияларга асосланган таржима принципи кўмагида амалга оширилади. Бу орқали рамзий маъно касб этадиган турли байрам, маросим, буюм, предмет, тарихий-адабий воқеа ва қаҳрамонлар ҳам таржима тили матнида гавдалантирилиши мумкин. Аммо бу таржимондан ҳар иккала тилнинг маданиятидан юқори даражада хабардор бўлишни талаб этади.

Сўнги, концепт (тушунча)га асосланган таржима принципи сайёҳлик матнидаги миллий-хусусий лексемалар таржимасига қаратилган. Концепт манба-тил жўғрофияси, тарихи, сиёсати, дини, байрамлари, ошхонаси ва ҳоказоларга алоқадор бўлиши мумкин. Масалан, ўзбек ошхонасидаги *natir* тушунчаси инглиз таомномасида мавжуд бўлмаган нон турини ифодалаб келганидан уни «yeastless flaky bread baked in the oven or tandır» шаклида

⁸⁴Peter Newmark. *Approaches to Translation*. – Oxford: Pergamon., 1981. – P. 39-48.

изоҳли бирикма билан бериш мақсадга мувофиқ саналади. «The art of Uzbek cuisine» инглизлар учун мўлжалланган ўзбек таомлари вебсайти патирга хос бўлган қат-қатлик хусусиятини *layered* лексемаси воситасида ифодалайди⁸⁵. Шу сабабдан уни *layered bread* тарзида ўгириш ҳам мақбул вариант. Инглиз тилидаги *bread* муқобили воситасида ифодалаш патир ноннинг барча хусусиятларини тўлиқ ифодаламайди ва сайёҳ тасаввурида кутилган қиёфада гавдаланмайди. Аммо патирнинг ўзининг ҳам ўзбек маданиятининг турли географик ҳудудларида ҳар хил кўринишга эга бўлиши унга жой номларини ҳам қўшиб ифодалашни тақозо этади (масалан, Tashkent flaky bread, Bukhara flaky bread).

Юқоридагиларни умумлаштирадиган бўлсак, тадқиқотимизнинг объекти инглиз-ўзбек туризм терминлари экан, таржимада асосан, концепт(тушунча)га асосланган принцип қўл келиши ҳақида хулоса қилиш мумкин. Аммо терминлар яқка ҳолда эмас, балки сайёҳлик контекстида келганлиги сабаб, матндаги моҳият бутунлигига эришиш учун барча методлар жамланмасидан ўринли ва самарали фойдаланиш талаб этилади.

Айтиш жоизки, туризм терминосистемасида тиллараро саводли сўзмас-сўз таржима мукамал таржима эмас. Таржиманинг потенциал истеъмолчи(бу кўп ҳолларда оддий лингвистик номутахассис аҳоли)га тушунарли бўлишини устун қўйиш керак. Туризм контентидаги материаллар таржимасида (истеъмолчи томонидан) талқинида ҳам маданият масаласи ўта аҳамиятли. Сайёҳлик матни маданий маълумотини тўлиқ сақлаб қолиш, таржима маҳсулини потенциал истеъмолчига тушунарли қилиш бир-бирига тескари пропорционал тушунча; бунда мақбул оралиқни топиш муҳим. Бунда ўта маданийлаштириш ҳамда мутлақ ажнабийлаштириш муаммоси нейтраллаштириш билан мувофиқлаштирилади.

Таъкидлаш муҳимки, реалиялар таржимаси туризм терминосистемаси билан иш кўраётган таржимон олдидаги энг катта мураккабликлардан бири.

⁸⁵ <http://uzbekcooking.blogspot.com/search/label/Breads>

Бунда алоҳида терминлар таржимасида транслитерация/транскрипциянинг қўлланишини тақозо этса, сайёҳлик матнлари таржимасида буюртмачи эҳтиёжларига кўра ассоциациялаш усули, кенгайган/тавсифий изоҳ ёки функционал муқобил воситасида амалга оширилади. Ҳар қандай лексема каби термин-сўзлар ҳам яқка ҳолда қўлланмаслигини унутмаслик керак. Уларнинг сайёҳлик матнларида қўлланилишининг асосий сабаби функционал-чорловчилик вазифасининг юзага чиқишидир. Буни тилларнинг фарқли имкониятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга ошириш зарур.

2.2. Инглиз тилидаги сайёҳлик лексемаларининг ўзбек тилига таржимаси

Жаҳон тажрибасида терминосистема, унинг турли тиллардаги таркибий қисмлари, ўзига хосликлар тадқиқи диққатга сазовор⁸⁶. Зеро, бу борада жаҳон тарибасини ўрганмай туриб, ўзбек тили туризм терминосистемаси тадқиқига киришиб бўлмайди. Тил, унинг луғавий таркиби, луғавий бирликларнинг ясалиш қоидалари, уларнинг гапдаги ўрни ҳамда уларнинг стилистик маълумотни ўзида мужассам этиш хусусиятлари турли тилларда фарқли хусусиятларга эга бўлади. Бун каби тафовутларнинг бўлиши табиий ва муқаррар. Зеро, тиллар ҳам маълум маданий жамият аъзолари ҳаётида яшаб, ундаги ижтимоий-тарихий жиҳатларни ўзида акс эттириб, ўзгариб, сайқалланиб боради. Бу туристик терминлар эволюцияси учун ҳам характерли. Ижтимоий-маданий, иқтисодий-сиёсий муносабатлар бир давлат

⁸⁶ Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. Энциклопедия, 1966. – 607 с.; Баранов А. Н. Лингвистическая экспертиза текстов. Теоретические основания и практика. – М.: Флинта, 2007. – 592 с.; Борхвальдт О.В. Историческое терминоведение в теории и практике. – Красноярск: РИОКГПУ, 2001. – 148 с.; Буянова Ж.Ю. Термин как единица логоса. – Краснодар: Кубанский гос. ун-т, 2002. – 184 с.; Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФ ЛИ. – М.: Изд-во Московского ин-та ист. филос-и и литр-ры, 1939. Т.5. – 354 с.; Володина М.Н. Теория терминологической номинации. – М.: Изд. МГУ им. Ломоносова, 1997. – 180 с.; Володина М.Н. Когнитивно-информационная природа термина и терминологическая номинация: дис. д-ра филол. наук. – МГУ им. Ломоносова, 1998. – 345 с.; Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах. – М.: Высшая школа, 1987. – 159 с.; Городецкий Б.Ю. Термин и его лингвистические свойства // Структурная и прикладная лингвистика. – Л., 1987. Вып.3. – С.25-62.; Гринев С.В. Введение в терминологическую лексикографию. Учебн. пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1986. – 102 с.; Гринев С.В. Введение в терминоведение. – М.: Московский лицей, 1993. – 309 с.; Гринев С.В. Основы лексикографического описания терминологии. Автореф. дис. .док.филол. наук. – М.: МГУ, 1990. – 43 с.;

доирасидагина бўлмай, чегаралар оша фаолият юрита бошлагач, бу бирликларнинг таржимасига эҳтиёж туғилади. Ушбу луғавий бирликлар бир неча сарҳадлар оша турли маданият, элатларнинг хусусиятларини ўзида мужассам этиб, янги маънолар касб этади, натижада, таржима жараёни янада мураккаблашади. Бундай жараёни бошидан кечирган инглиз туризм терминологияси ушбу мураккаб босқичларнинг барчасини ўзида акс эттиради.

Луғавий бирликларнинг бир тилдан бошқа тилга таржимаси таржимондан маълум таржима техникасидан фойдаланишни тақозо этади. Бусиз муваффақиятли таржимага эришиш мумкин эмас. Туристтик терминлар улкан луғат бойлигининг таркибий қисми бўлганлиги сабабли уларни таржима қилишнинг хусусий усуллари ишлаб чиқилган. Терминлар таржимаси ҳақида фикр юритишдан аввал қандай лексик бирликларни ушбу гуруҳга киритишни изоҳлаб ўтамиз. Л.Виноградова терминосистемани «соҳага оид термин ҳамда терминоидларни жам этувчи тизим» сифатида тилга изоҳлайди⁸⁷. Тадқиқотчи-изланувчи «терминоид» деб уч гуруҳ профессионал-хусусий лексемаларни назарда тутди:

- 1) махсус касбий лексик бирлик (профессионализмы);
- 2) касбий сўзлашув тилида қўлланадиган сўз, ибора (профессиональные просторечие);
- 3) касбий жаргон (профессиональные жаргонизмы).

Умуман олганда, туризм кенг соҳани ўзида жамлаб, ҳаётнинг турли жабҳалари(озиқ-овқат, транспорт, ҳордиқ, иш фаолияти, соғломлаштириш, кўнгилочар машғулотлар ва ҳоказо)га тегишли лексемаларни ўз ичига олади. Шу сабабдан барча лексемаларга хос бўлган лексик-семантик, контекстуал-стилистик хусусиятлар унга ҳам хос ва бу таржима жараёнида эътиборга олиниши керак. Таржима назариясида терминлар таржимасининг қуйидаги усуллари фарқланади:

⁸⁷Виноградова Л. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах: Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Великий Новгород, 2011. – С. 44.

- 1) транскрипция;
- 2) транслитерация;
- 3) таржима орқали янги сўз – неологизм ҳосил қилиш;
- 4) сўзма-сўз таржима – калькалаш;
- 5) реалияни реалия воситасида таржима қилиш;
- 6) маъно яқинлашишига асосланган таржима;
- 7) глос таржима – реалияни тавсифий изоҳ воситасида таржима қилиш;
- 8) контекстуал муқобил воситасида ифодалаш;
- 9) трансференция;
- 10) нейтрализация – хусусий терминни умумий лексик бирлик воситасида ифодалаш;
- 11) зеро (нол) таржима – хусусий терминнинг тушириб қолдирилиши.

Туризм терминологиясини юқоридаги методлар намунасида тадқиқ қилишдан аввал шуни таъкидлаш лозимки, уларнинг баъзиси алоҳида термин таржимасида қўл келса, бошқаси уларнинг контекстуал таржимасида амал қилади. Тадқиқотимиз объекти сифатида, асосан, *Dictionary of tourism and hospitality* инглизча сайёҳлик терминлари изоҳли луғати контентини танладик.

Транскрипция манба-тилдаги терминнинг фонетик қобиғи билан ўзлаштиришни назарда тутди. Инглиз туризм терминологиясининг сезиларли қисми шу усулда таржима қилинган: *кемпинг, сноубординг, армреслинг, дайвинг, снорклинг, кейтеринг, казино, шейпинг, драйв-ин, пицца, сэндвич, бранч, шеф (повар), кафетерия, ресепшин, альберго (итальянча меҳмонхона), альфреско (очиқ ҳаводаги меҳмонхона), ҳаускипинг, дъюти-фри, экотуризм, бизнес-центр, онлайн, офлайн, бизнескласс, автострада, вебсайт, агротуризм, виза, зенофобия* каби.

Транслитерацияда сўз таржима тили график қобиғида ўзлаштирилади. Бу ҳодиса транскрипцияга нисбатан кам учрайди. Уни қуйидаги терминлар мисолида кузатиш мумкин: *гид, пансион, карусель, курьер, тур, круиз, брошура, каталог, кушетк, минибус, аттракцион, апартамент*

ассимиляция, акклиматизация, форс-мажор, буфет, ҳалол, этник туризм, биометрика, карвонсарой, аутентиклик.

Трансференция сўзни ҳеч бир ўзгаришсиз ўзлаштиришни назарда тутуди: *a la carte, menu, bistro, dacha, motel, spa, charter, bed and breakfast*. Трансференция усули жуда кам сонли терминлар ўзлаштирилиши кузатилди. Аммо жараён очик прогресс ҳолатида бўлиб, оммавий маданиятнинг ўзбек маданияти вакиллари орасида тобора ёйилиши билан трансференциялаш ҳам кўпайиб бормоқда. Бу эса таржимон меҳнатига эҳтиёж тобора камайиб бориши хавфи билан боғланади.

Баъзан таржима жараёнида янги тушунча, у билан бирга янги ном, баъзан эса мавжуд номнинг янги қўшимча маънолари келиб чиқади. Бу жараён *неологизм* ҳосил бўлиши билан якунланади. Масалан, инглизча *animator* лексемасининг «мультипликацион фильмлар тайёрлаш устаси»ни ифодаловчи маъноси барчага маълум. Аммо туризм контекстида у ихтиёрий тур ва макон(меҳмонхона, пароход, самолет)даги «кўнгилочар дастурлар тайёрловчи шахс»ни билдиради. Яна бир мисол тариқасида инглизча *vending machine* сўзининг таржимасини келтирамиз. У танга қабул қилиш орқали маҳсулот сотувчи мосламага ишора қилиб, янги тушунча, унинг номи билан бирга ҳали кенг оммалашмаган янги тадбиркорлик тури ҳам ўлкамизга кириб келди (вендинг бизнеси)⁸⁸. Аммо ўзбек халқининг савдо жараёнининг бевосита иштирокчисига айланиш хоҳиши, савдолашиш маданиятининг халқимиз қадриятининг бир қисми эканлигидан бу термин, унинг моҳиятидаги хизмат тури ҳали кенг омма эътиборини тортгани йўқ.

Лингвистик тараққиётнинг замонавий босқичида сўз, термин ўзлаштиришнинг энг сермахсул усули – калькаләш. У тилда мавжуд бўлмаган тушунчани тил имкониятлари доирасида ифодалашни англатади⁸⁹. Ўзбек тилида калькаләш усули фаол. Инглиз туризм терминологияси

⁸⁸ Словарь неологизмов. Неологизмы XXI века // <https://russkiiyazyk.ru/leksika/slovar-neologizmov.html>

⁸⁹ Ширинова Е. Ўзбек тили банк-молия терминологиясида калька // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 2. – Б. 107.

таржимасида ҳам калькалаш маҳсули кўп: бу усул энг самарали эканлиги маълум:

- 1) circle/round trip // айланма саёҳат;
- 2) airport art // аэропорт санъати;
- 3) ghost town // арвоҳ шаҳар (аҳолиси тарк этган шаҳар);
- 4) mental map // ақлий харита;
- 5) sunbaking/sunbathing // офтобда тобланиш;
- 6) culture shock // маданий шок/зарба;
- 7) travel/motion sickness // саёҳат бехузурлиги;
- 8) room service // хона хизмати;
- 9) summer home // ёзлик уй;
- 10) health farm // соғломлаштириш фермаси;
- 11) e-ticket // электрон чипта;
- 12) duplicate reservation // дубликат буюртма;
- 13) compactness index // ихчамлик индекси;
- 14) community tourism // жамоа туризми;
- 15) rest room // ҳожатхона;
- 16) mass tourism // оммавий туризм;
- 17) airship // ҳаво кемаси.

Шунингдек, калькалаш кўшни тиллар воситасида амалга ошиши ҳам кузатилади. Масалан, рус тили орқали қуйидаги сайёҳлик терминлари ўзбек лексиконига кирган⁹⁰:

- 1) adult tourist – взрослый турист – ўспирин турист;
- 2) baby-sitter – услуги детской сиделки – болаларга қараш хизмати;
- 3) beachview room – номер с видом на пляж – пляжга қараган номер;
- 4) cityview room – номер с видом на город – шаҳарга қараган номер;
- 5) gardenview room – номер с видом на сад – боққа қараган номер;
- 6) landview room – номер с видом на окрестности – атрофга қараган номер;

⁹⁰ Abduhamidova I. O`zbek tili turistik terminlarining lisoniytakomili va leksik-semantik tadqiqi. – Namangan, 2018.

- 7) mountainview room – номер с видом на горы – тоғга қараган номер;
- 8) oceanview room – номер с видом на океан – океанга қараган номер;
- 9) parkview room – номер с видом на парк – паркка қараган номер;
- 10) poolview room – номер с видом на бассейн – бассейнга қараган номер;
- 11) riverview room – номер с видом на реку – дарёга қараган номер;
- 12) seaview room – номер с видом на море – денгизга қараган номер;
- 13) valleyview room – номер с видом на долину – водийга қараган номер;
- 14) grandmaster – мастер-ключ – Мастер калит;
- 15) triple room – трехместный номер – уч ўринли хона;
- 16) hotel – плавающий отель – сузувчи меҳмонхона;
- 17) diving – подводное плавание – сув остига шўнғиш;
- 18) incentive-tour – инсентив-тур – инсентив тур;
- 19) catering – общественное питание – ижтимоий таъминот;
- 20) convenience foods – полуфабрикаты – ярим-тайёр маҳсулот.

Юқоридаги баъзи калькаларни кузатадиган бўлсак, улар орасидан *дайвинг*, *кейтеринг* терминлари шу ҳолича истеъмолга кириб улгурганлигини кўрамиз.

Терминлар маънодошлиги, яъни бир тушунчани икки ҳамда ундан ортиқ термин билан ифодалаш терминологиядаги марказий муаммолардан бири. Илмий адабиётларда бу каби лингвистик феноменни *дублет*⁹¹ ёки *квазисиноним* тарзида номлаш урфга кирган. Квазисиноним (қисман синоним) – барча контекстда бирдек ўзаро ўриндош бўлиб кела олмайдиган яқин маъноли сўз⁹². Сайёҳлик терминологиясида бундай бирликларга кўплаб мисол келтириш мумкин:

- 1) кейтеринг – ижтимоий таъминот;
- 2) хона – номер;
- 3) эконом класс – иккинчи класс;

⁹¹Мадвалиев А. Ўзбек тили терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б.89.; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – Москва, 1961. – С.9.

⁹² Квазисинонимы // Википедия. [2014]. Дата обновления: 14.07.2014.
URL: <https://ru.wikipedia.org/?oldid=64203726> (дата обращения: 14.07.2014).

- 4) акватик спорт – сув спорти;
- 5) администрация – ресепшин;
- 6) электропоезд – лектричка;
- 7) турист – экскурсант;
- 8) (route) йўналиш – курс – катнов йўли;
- 9) (cabin) купе – салон;
- 10) (charter) ёлланма рейс – ёлланма самолёт;
- 11) (porter) юк ташувчи – швейцар – эшик қоровули.

Квазисинонимларнинг мутлақ маънодош эмаслигини шундай исботлаймиз. Масалан, *эконом класс* ва *иккинчи класс* терминлари фақат самолёт салони контекстида ўзаро функционал маънодош бўла олади. Мутлақ маънодошлар эса ихтиёрий контекстуал қўлланилиш ҳолатида ўзаро эквивалент бўлиши лозим.

Рус терминологиясига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшган Л.Л.Кутина дублет бирликларни шундай изоҳлайди: «Илмий терминология соҳасида кенг тарқалган синонимия ҳодисаси терминологик системалар амал қилишининг илк даври, уларнинг шаклланиш даври учун характерлидир»⁹³. Бу таъриф ўлкамиз сайёҳлик саноати терминосистемаси ўзгаришларга очиқ ва шаклланиш, танланиш ҳамда истеъмолдан қолиш жараёнининг ҳали бошида эканлигидан дарак беради. Ижтимоий-маданий эволюция жараёни квазисинонимларнинг қайси бири тарихий танловдан ўтиб, қайсиси шу жараёнда йўқолиб кетишини ўзи белгилайди. Сўнгги пайтларда турли миллат аҳолисининг тобора оммавий маданиятдан хабардор бўлиб, сайёҳлик терминларини лингвистик трансференция воситасида (ўзгаришларсиз) ўзлаштириши кузатилмоқда. Натижада турли соҳа терминлари таржима тенденцияларининг кейинги асрларда сезиларли камайишини лингвистик башорат қилиш эҳтимоли пайдо бўлади.

⁹³ Мадвалиев А. Ўзбек тили терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б.89.; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – Москва, 1961. – С.9.

Сайёҳлик терминологияси таржимасидаги долзарб масалалардан бири маълум бир халқ маданиятига хос тушунчаларни ифодаловчи миллий-хусусий сўзларнинг ўзлаштирилиши саналади. Бундай сўзлар лингвистика ва таржима назариясида «реалия» номи билан маълум. «Realis» сўзи аслида лотинча *средний род*, кўпликадаги «*realia*» сўзидан олинган: аслида (*вещественный*) *ашёвий*, (*действительный*) *ҳақиқий* деган маъноларни англатган, кейинчалик отга айланиб, миллий ўзига хос сўзни ифодаловчи терминга айланиб кетган⁹⁴. «Реалиялар маълум халққа мансуб бир маъноли сўз ва иборалар бўлиб, шу халқ тилидаги предметларни, тушунча, ҳодиса номини ифодалайди. Улар шу халқ тушунчасидаги географик, этнографик, адабий, материал ва маънавий ҳаётига оид, шунингдек, маданий-маиший, ижтимоий-тарихий тушунчаларни ифодалайди»⁹⁵.

Реалиялар мунозараси ҳам нисбий. Зеро, баъзи реалиялар интернационаллашиб, бутун жаҳон ҳамжамиятига таниш бўлиб улгурган. Улар, айниқса, маълум семантик гуруҳларга тегишли тушунчаларни ифодалайди. Масалан:

- 1) озиқ-овқат – *хот дог, гамбургер, кимчи, пицца, спагетти, мюсли, маршмеллов, шампан виноси, сосиска, бистро*;
- 2) либос – *кимоно, сари*;
- 3) бошпана ва бино – *дача, бунгалов, юрта, альберго, альфреско, бозор*;
- 4) йўл-транспорт – *автострада, карвон, рикша*.

Аммо ҳамма реалиялар ҳам бундай оммалашиб улгурмаган. Қолаверса, туризм терминосистемаси маданияти ривожланиш жараёнида бўлган турли халқларнинг тиллари ҳисобидан мунтазам кенгайиб боради. Маълум маданий макон билан чегараланган реалиялар бир неча усулда ўзлаштирилиши мумкин:

⁹⁴ Гафурова Ф. Реалиялар, миллий сўзларни таржима қилишнинг ўзига хос хусусиятлари. <https://translate.google.com/translate?hl=ru&sl=uz&u=http://library.ziyonet.uz/ru/book/download/38750&prev=search>

⁹⁵ Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. – Ленинград, 1975.

- 1) транслитерация ёки транскрипцияси амалга оширилади;
- 2) сўзма-сўз таржима қилинади (калькалаш);
- 3) тасвирий изоҳ воситасида ифодаланади;
- 4) таржима тили маданиятидан функционал муқобили топилади.

Юқоридаги усуллардан аслият тили маданияти жиҳатларига энг объектив муносабат кўрсатадиган метод «глосс», яъни тавсифий изоҳ келтириш техникасидир. Чунки маълум терминнинг функционал муқобилини топиш анча меҳнат талаб қилади, баъзан умуман қониқарсиз натижа билан тугайди. Транслитерация, транскрипсия усуллари ҳар доим мақбул кўрилмайди. Шундай ҳолатлар борки, ўзига хос терминосистемадаги баъзи термин умуман ўзлаштирилмайди. Бу «зеро (ноль) таржима» номи билан маълум. Бунга сабаб, маълум термин-лексеманинг аслият тили маданиятига мутлақо ёт, қораланган ёки истеъмолига эҳтиёж бўлмаган тушунчанинг ифодаланиши саналади. Масалан, туризмнинг барча турлари номи тез-тез турли нашр, кўрсатув, кундалик ҳаётда тилга олингани ҳолда, *sex tourism*, *pick-up point* сўзлари таржимасига эҳтиёж йўқ. Гарчи уларнинг мазмуни осон англашилса-да, уларни ўзбек сайёҳлик терминосистемасига киритишга эҳтиёж йўқ. Шу сабабли улар номаълум муддатга таржимасиз қолдирилади. Зеро, тараққиёт ўзгаришларини олдиндан башорат қилиш мушкул.

Нейтрализация бошқа матн таржимасида қўл келгани каби сайёҳлик терминларини ўзлаштириш жараёнида ҳам қўлланилади. Ушбу лингвистик ҳодисага сабаб таржима тили имкониятларининг қайсидир жабҳада чекланганлиги, айнан керакли хусусий маъноли сўзнинг топилмаслиги бўлиши мумкин. Масалан, инглиз тилидаги *traveller*, *tourist*, *excursionist*, *hiker* лексемалари бир хилда *турист* (ёки *сайёҳ*) шаклида ўгирилади.

Термин таржимаси техникаларининг қай кўламда актив қўлланилишини уч турдаги сайёҳлик матнлари таржимаси асосидаги кузатув натижалари асосида акс эттирамиз⁹⁶:

⁹⁶Olena Skibitska. The Language of Tourism: Translating Terms in Tourist Texts. <https://translationjournal.net/October-2015/the-language-of-tourism-translating-terms-in-tourist-texts.html>

	Транскрипция/ транслитерация	Калькаш	трансференция	Глосс таржима	Функционал эквивалент	нейтрализация	Зеро (ноль) таржима
Тасвирий матн	10,2%	17%	1,5%	5,1%	33,9%	11,9%	8,5%
Ёритувчи матн	25,4%	40%	1,3%	9,7%	15,8%	2,5%	1,3%
Касбий мулоқот матнлари	9,9%	24%	26,8%	5,7%	21%	4,2%	4,2%

Юқоридаги тадқиқот учун куйида тавсифанган уч турдаги сайёҳлик матни танланган:

- 1) тасвирий характердаги матн (дам олиш гўшаси: мамлакат, орол, денгиз; манзаралар: ўрмон, шаршара, замонавий шаҳар; таътил турлари: соҳилдаги таътил, диққатга сазовор жойлар томошасига қаратилган таътил, круиз, экскурсия) тўғрисида умумий тавсифий маълумот берувчи матн;
- 2) ёритувчи характердаги матн (фойдаланиладиган ва таклиф қилинадиган восита, жиҳоз ва хизматлар тўғрисида амалий маълумот берувчи матн: меҳмонхона, саёҳат кемаси, экскурсия керакли жиҳозлари, хизмат кўрсатиш шарт-шароитлари, виза ва ҳужжатлар тўғрисидаги маълумот);
- 3) касбий мулоқот матнлари (сайёҳлик мутахассислари ўртасидаги ахборот алмашинувини ифодаловчи матн: прайс-лист, ариза, буюртма тизими, чипта шарт-шароитлари, буюртма қўлланмалари).

Туризм терминологиясини ўзлаштириш шартлари, усулларини тадқиқ этиб, таржима жараёнида юзага келиши муқаррар бўлган баъзи мураккаблик, нўноқ таржима намуналарини тадқиқ этамиз. Интернет тармоғидаги сайтларнинг контентини таҳлил қилиб, мушоҳадага сабаб бўлувчи ўринларга гувоҳ бўлдик.

«Инглиз тилидан кирган сўзлар. Бошқа тиллардан олинган инглизча сўзлар» номи остидаги вебсайт рубрикасида⁹⁷ ўзбек тилига ўзлаштирилган катор спорт турлари орасида *шамолда учуш* тушунчасини ҳам кўриш мумкин: «*shamolda uchish, armrestling, erkin usul, skeytbord, snoubord, kikboksing...*»

Барча машғулот турлари тушунарли бўлгани ҳолда, *шамолда учуш* номи интернет фойдаланувчиси онгида турли ассоциацияларни ҳосил қилади. Ғарбий мамлакатлар маданиятида ҳаво ва шамол спорти икки алоҳида йўналишни ташкил этади. Википедия бу икки гуруҳ номи остида кўйидаги спорт машғулотларини келтиради⁹⁸.

- 1) шамол спорти: *ice boating, kite boating, kite landboarding, kite buggy, kite flying, kite jumping, kite skating, kite surfing, land sailing, sailing, snowkiting, windsurfing, sail bikin;*
- 2) ҳаво спорти: *gliding, hang gliding, microlighting, parachuting, paragliding, parasailing, air ballooning.*

Юқоридагиларнинг барчасида маълум восита (самолёт, қайиқ, варрак, елкан) ёрдамида шамолдаги ҳаракат юзага келтирилади. Бу қадар кўп сонли машғулотнинг шамолда учуш ҳаракати билан боғланиши, шубҳасиз, маълумотни қабул қилишдаги чалкашликларга сабаб бўлади. Бу терминнинг функционал вазифасига эришишда муваффақиятсизликка дуч келинганини англатади. Зеро, у хоҳ сайёҳлик маҳсулоти бўлсин, хоҳ хизмат тури, истеъмолчи у ҳақида аниқ тасаввурга эга: ундан тўлақонли фойдалана билиши лозим. Шу сайтдан бевосита кўчирилган яна бир парчага эътиборингизни қаратамиз: «*shakllantirish, fitnes, sho‘ng‘ish, so‘rfing, bodibilding, snoubord, peyntbol, erkin kurash, kurash, pauerlifting, bouling,*

⁹⁷ My-Kross. Инглиз тилидан келган сўзлар. Бошқа тиллардан олинган инглизча сўзлар // <https://my-kross.ru/uz/vetpomosch/slova-kotorye-prihodyat-iz-angliiskogo-angliiskie-slova/>

⁹⁸ Wikipedia contributors. (2016, January 7). Windsport. In Wikipedia, The Free Encyclopedia. Retrieved 04:30, May 29, 2020, from <https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Windsport&oldid=698654675>

mashg'ulot, konki uzuk, oldinga, darvozabon, bayker, mergan, ish vaqtidan tashqari, pog'onali sinf, musobaqalar, skuter. »⁹⁹

Юқоридаги рўйхатда келтирилган *шакллантириши* сўзи барча фойдаланувчиларнинг онгида тезда *шейпинг* тушунчасини намоён қилмайди. Биринчидан, транскрипция қилинган *шейпинг* терминининг ўзи аллақачон оммалашиб бўлган: уни сўзма-сўз таржима қилишга эҳтиёж йўқ. Иккинчидан, маъно мувофиқлиги учун кўшимча изоҳловчи сўзнинг қўлланилиши бу ҳолатда зарурат саналади, яъни *қоматни шакллантириши*. Рўйхатдаги *конки узук* таърифи ачинарли саводсиз таржимага мисолдир. Тил мутухассиси бу изоҳ остида инглиз тилидаги *skating -rink* лексемаси назарда тутилаётганини тушунади. Инглиз тилида бу лексема «музда конки учуш майдони» (каток)ни англатиб, таркибидаги *rink* сўзи биргина ҳарф билан узук лексемасидан фарқ қилади (*ring*).

«Санъат/радио/ТВ» категориясидаги яна бир лексик гуруҳни кўриб чиқамиз. «*triller, g'arbiy, videoklip, klipmeyker, yangiliklar ishlab chiqaruvchisi, musiqiy, blokbaster, bestseller, yer osti, pop-art, (bor edi) rok, rok va rol (L), kasting, silkitish, sindirish, miya uzuklari, (munozara), hitparad, meteotime, supersta, supermen, skinhead*».

Бу лексик гуруҳдаги *силкитиши, синдириши* ғарбий рақс турлари (breakdance, shakedance)га ишора қилади. Уларни бундай таржима қилиш мақбул вариант эмас. Зеро, ушбу рақс турларининг зарурий элементлари бўлса-да, *силкитиши, синдириши* ушбу ҳолатда ҳаддан ортиқ умумий маъноли бирлик ҳисобланади ва терминларнинг функционал вазифаси барбод бўлади. Шунингдек, *миа узуклари* шаклида ифодаланган тушунча аллақачон ҳаммага маълум *брейнринг*ни назарда тутяпти. Бу терминларни ўзлаштиришнинг энг мақбул усули уларни фонетик қобиғида ифодалаш(транскрипция)дир. Барча туристик (шунингдек, ихтиёрий бошқа соҳа) терминларни сўзма-сўз таржима қилишга уриниш тезкор тараққий этаётган замон шароитида ақлли иш эмас.

⁹⁹ My-Kross. Инглиз тилидан келган сўзлар. Бошқа тиллардан олинган инглизча сўзлар // <https://my-kross.ru/uz/vetpomosh/slova-kotorye-prihodyat-iz-angliiskogo-angliiskie-slova/>

Зеро, шиддатли тезликда ҳар бир маълумотни оммалаштирадиган интернет тармоқлари туфайли давлатлар аҳолиси ҳар қандай тушунчани *first-hand*, яъни бевосита (биринчи қўл маълумот сифатида) ўзлаштирмоқда.

Юқоридаги мисоллар алоҳида олинган термин-сўзлар таржимасининг номувофиклиги ҳақида бўлса, уларнинг сайёҳлик матнлари таркибидаги мақбул таржимаси масаласи ҳам мушоҳадага лойиқ. Зеро, туризм терминлари амалда ўзига хос туризм тилида сайёҳлик матнлари таркибида қўлланилади. Жаҳон лингвистик ҳамжамияти вакиллари¹⁰⁰ туризм терминлари таржимасидаги хато ва номувофикликларни турлича категориялаштиришади. Қуйида уларнинг мезонлари асосида умумлаштирилган хато турларини келтирамиз:¹⁰¹

- 1) грамматик ва орфографик хато;
- 2) лексик-семантик номувофиклик;
- 3) прагматик ва дискурс (услубий контекст) номувофиклик;
- 4) керакли маълумотнинг тушириб қолдирилиши, такрор ёки ортиқча маълумотнинг киритилиши.

Юқоридаги хатоларни четлаб ўтиш ва сайёҳлик матнларини маҳорат билан таржима қилиш техникасини муҳокама қилиш мақсадида бир неча сайёҳлик матни жумлаларини¹⁰² таҳлилга тортамиз. *You will meet **friendly and welcoming** people // Сизни самимий ва меҳмондўст инсонлар кутиб олишади.*

Эътибор қаратилса, келаси замонда қўлланилган икки жумла орасидаги фарқ шундаки, инглизча вариантыда гапнинг эгаси ҳаракатнинг бажарувчиси бўлса, таржима матнида уни қабул қилиб олувчи шахс саналади. Тўғридан-тўғри таржима «Сиз самимий ва меҳмондўст инсонларни учратасиз» бўларди). Бу фарқни тиллараро ўзига хослик келтириб чиқармоқда: биринчи

¹⁰⁰ Bastin G. Evaluating Beginners' Re-expression and Creativity: A Positive Approach. – The Translator 6, 2000: (2), 231-245.; Fernández Sánchez, María Manuela: «La Traducción especializada 'Bajo Sospecha': Valoraciones negativas de un Grupo de expertos». Confluências 2, 2005. – 28-45.; McAlester G. «The evaluation of Translation into a Foreign Language» in Christina Schäffner & Beverly AdaB (eds.): Developing Translation Competence, Amsterdam: John Benjamins, 2000. – P. 229-242.

¹⁰¹ Analysing common mistakes in translations of tourist texts (Spanish, English and German). Isabel Durán Muñoz Universidad de Málaga España Onomázein, 26 (2012/2): P. 335-349.

¹⁰² Turizm va unda gid ekskursovodlikning ahamiyati // <http://library.ziyonet.uz/ru/book/download/77381>

гап инглиз сайёҳлик матнида қанчалик табиий ва таъсирчан жарангласа, ўзбекча варианты ҳам шу тил маданияти сайёҳида бир хил эффект пайдо қилади. Худди шу ҳолатни *You will like it* жумласи таржимасида ҳам кўра бўлади: *Бу сизга албатта ёқади.*

Риторик сўроқ гапларнинг сайёҳлик матнида ўз ўрни бор. Улар истемолчида қизиқиш уйғотиб, сайёҳлик хизмат ва маҳсулотларини тарғиб этишда чорловчилик (чақирик) вазифасини бажаради. Уларни функционал эквивалент риторик сўроқ гап билан ифодалаш лозим: *Isn't it time you treated yourself to a holiday?* // *Таътилга чиқиш вақти келмадими?*

Шунингдек, таржима устасидан инглиз сайёҳлик терминологиясидаги махсус қисқартмалар билимига эга бўлиш ҳам талаб этилади. Зеро, уларнинг моҳиятини билмай туриб, таржимада маданий муқобилни юзага келтириб бўлмайди: «*Alaska B4UDIE.*» *Alaska, before you die* // *Аляскага бормабсиз, бу дунёга келмабсиз!*

Юқоридагилар қатори кишилик олмошларини тўғри танлаш ҳам зарур: *We work so you don't have to* // *Биз ишлаймиз — сиз дам оласиз.*

Сайёҳлик матнида фонетик товушлардан мақсадли фойдаланиб, истемолчида руҳий-эмоционал таассурот уйғотиш ҳам назарда тутилади. Таржимон аслият тилдаги матннинг бу каби хусусиятларини синчковлик билан пайқаб, уларни назокат билан таржима тилига ўгиришни мақсад қилиши лозим. Масалан, аллитерациядан фойдаланиш яхши иш беради: *Tour to Turkey!* // *Тур в Турцию!*

Аммо жумланинг товуш қобиғини бу каби бевосита гавдалантириш ўзбек тилида табиий жаранглайдиган нутқ актини юзага келтирмайди. Ўзбекчалаштирилган матнда бошқа товуш воситасида бу таъсирчанликни ҳосил қилишга уриниб кўрамиз: *Туркия сарҳадларига саёҳат!* Кўриниб турибдики, [с] товушидан фойдаланиш яхши натижа берапти. Агар товуш воситасида бу эффектга эришилмаса, ноодатий ритм, сўз тартиби, такрорлаш каби комбинациялардан фойдаланиш мумкин.

Юқоридаги таҳлилларимизни қуйидагича умумлаштирамиз. Туризм терминосистемасининг кундалик ҳаётда фаол қисми (озик-овқат, спорт, кўнгилочар машғулотлар, транспорт ва бошқалар) потенциал истеъмолчига транскрипция ва транслитерация воситасида тақдим этилади. Бунинг сабаби қуйидагиларда кўринади:

- 1) терминлар турли маданиятларда шаклланиб, терминосистемага кирган тушунчани ифодалайди, уларни ўз миллий-хусусий қиёфаси (график/фонетик)да қабул қилиш маъқул, зеро, туризм айнан хилма-хилликни ислоҳ қилишни тақозо этади (истеъмолчи учун) ва фарқлилик асосига қурилади (туризм хизмат ва маҳсулотлари яратувчилари учун);
- 2) бу муқаррар жараён, таржимага қанчалик куч берилмасин, потенциал саёҳатчи ахборот узатиш манбалари (асосан, интернет) орқали тушунчаларни бирламчи номи ила ўзлаштиришда давом этади;
- 3) таржиманинг мақсади коммуникатив вазифани бажариш (истеъмолчига тушунарсиз нарсани тушунтириш) ва бу вазифа эволюция жараёнида мураккаб маданиятлараро ижтимоий-маданий, иқтисодий-сиёсий жараёнлар воситасида ўз-ўзидан амалга оширилар экан, сўзма-сўз таржимага вақт сарфлаш ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан мазмунсиз, фойдасиз амал бўлиб қолади.

Калькаләш усули терминосистема элементи ўзининг ўзига хос график/фонетик қиёфаси билан коммуникатив функция бажаролмаганда ёрдамчи усул сифатида қўлланади; бу эса инглиз-ўзбек терминлари таржимасида асосий усуллардан бири бўлиб қолмоқда. Икки асосий усул: калькаләш ҳамда транскрипция-транслитерация натижасида ўзбек сайёҳлик терминосистемасида терминологик дублетлик юзага келиб улгурган ва замонавий тенденциялар цивилизация натижасида тобора транскрипция-транслитерация вариантларининг эволюцион танланиш асосида афзал кўрилишини тақозо этмоқда. Инглиз терминосистемаси узоқ шаклланиш тарихига эгалиги ҳамда оммаланиб улгурганидан унинг ташкил этувчи элементларини жуда кам ҳолатдагина тавсифий-кенгайтмали изоҳлар

воситасида потенциал истеъмолчига тақдим этиш эҳтиёжи туғилади. Инглиз сайёҳлик терминосистемасининг баъзи элементлари моҳияти аниқ бўлишига қарамай, маданий мақбул кўрилмаган тушунча, маҳсулот ёки хизмат турини ифодалагани сабабли унинг таржимасига эҳтиёж йўқ. Сайёҳлик терминларининг контекстуал таржимасида (сайёҳлик матнлари контенти таркибида) лингвистик муқобилликка эмас, балки функционал муқобилликка урғу бериш бирламчи мақсад бўлиши керак. Сайёҳлик матнларидаги маданий маълумот билан бирга матннинг функционал-чақирувчилик (vocative) хусусиятини сақлаб қолиш муҳим.

2.3. Ўзбек сайёҳлик терминларининг инглиз тилига таржимаси

Сўнгги йилларда ўзбек туризмнинг тезкор суръатларда ривожланиши, у тақлиф қилган сайёҳлик маҳсулот, хизматларининг маълум кўламда жаҳон бозорларига кириб боришига олиб келди. Табиийки, тақлиф қилинган хизмат ва маҳсулотлар билан худуд ижтимоий-маданий, иқтисодий-тарихий ҳаётига хос тушунчалар жаҳон туристик терминологияси таркибига кирди, яъни ўзбек тили кўплаб миллий-хусусий терминлар билан сайёҳлик терминосистемасига ўз ҳиссасини қўшди.

Терминлар аксар озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, спорт ҳамда санъат ва бошқа соҳаларда илдамлик қилади. Ўзбек туризм терминларининг инглиз тилига ўзлаштирилишидаги илк эътиборли жиҳат шундаки, улар фақат ўзбек маданияти хусусиятларини акс эттириб, аксарияти тиллараро эквивалентга эга эмас. Масалан, *бешик* сўзининг инглизча функционал эквиваленти вазифаси (иккаласи ҳам бола ухлаши учун)ни *cradle* лексемаси бажариши мумкин, аммо у ўзбек тилидаги тушунчанинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди¹⁰³. Зеро, *cradle*¹⁰⁴ «ихтиёрий материалдан ясаладиган, вертикал панжаралар билан атрофи ўраб олинган ва чақалоқ эркин ётқизиб қўйиладиган болалар кроватчаси»ни ифодаласа, бешикнинг таърифи

¹⁰³ O'zbek milliy atamalarining ingliz tilidagi tarjimasi // <http://uz.denemetr.com/docs/769/index-85810-1.html?page=3>

¹⁰⁴ A *cradle* is a baby's bed with high sides. Cradles often have curved bases so that they rock from side to side. // <https://www.collinsdictionary.com/dictionary/english/cradle>

бутунлай бошқача ва ҳатто ясалиши ҳам эътиборли ҳамда нозик жараён. У махсус турдаги ёғочдан ясалади, гўдак унга боғланади ва унинг ўзига хос «кичик канализация тизими» мавжуд.

Ҳар бир сўз янги ва такрорланмас жиҳатларига эга бўлган тушунчани англатгани боис ўзбек сайёҳлик терминларининг инглиз тилига ўгирилишидаги энг мақбул усул уларни транскрипция ёки транслитерация қилиш (яъни уларга ажнабийча кўриниш бериш) саналади. Мисол тариқасида бу ҳодисани Т.Жулматовнинг «Юный бек» асари инглизча таржимасидаги миллий-маданий сўзларда кўриш мумкин¹⁰⁵:

- 1) ҳаж // hajj – the pilgrimage to Mecca prescribed as a religious duty for Muslims obligatory pilgrimage to a holy place, esp. Mecca;
- 2) қалин // kalym – money paid for bride and her expenditure before marriage;
- 3) айрон // airon – a drink from sour milk mixed with water;
- 4) айвон // aivan – a desk in the house;
- 5) алвасти // albasti – evil spirit, can make harm to a child;
- 6) албурж // alburz – The Kazbek mountain;
- 7) балх // balkh – one of the oldest cities and cultural centers of the East, former capital of Bactria;
- 8) банда // banda – a slave;
- 9) барака // baraka – a spiritual father long time in Mecca, in 1370 met with Temur;
- 10) барака // baraka – figuratively «Benefit»;
- 11) карнай // carnai – a big tube, musical instrument, played in big holidays and military victories of the rulers;
- 12) чиғатой // chagatay – the son of Chingizkhan;
- 13) чакки // chakka – sour milk;
- 14) чакмон // chekmen – decorated men's wear;
- 15) чилим // chilim – a unit for smoking of opium;

¹⁰⁵ Қобилова М. O'zbek milliy atamalarining ingliz tilidagi tarjimasi // <http://uz.denometr.com/docs/769/index-85810-1.html?page=3>

- 16) чинор // chinor – a wide leaf shady tree in enormous size;
- 17) чироқ // chiroq – a lamp;
- 18) чироқчи // chiroqchi – a village not far from Karshi;
- 19) ҳаражат // harajat – a land tax;
- 20) ҳовуз // havuz – reservoir, pool;
- 21) ҳазрат // hazrat – Honesty- a respectable title, added to God’s name, prophets, imams, famous saints;
- 22) Ҳоджа илғор // hodjailgar – a village, situated not far from the Shahrisabz mountains.

Сайёҳлик матнлари таржимаси бадий асар таржимаси каби икки ёндашув асосида амалга оширилади: сайёҳга тарафдор стратегия ҳамда аслият матнига тарафдор стратегия.¹⁰⁶ Албатта, туризм янги маданий макон ва тушунчалар билан юзлашишни назарда тутар экан, сайёҳлик матнларидаги миллий колоритни сақлаб олиш муҳим аҳамият касб этади. Аммо таржиманинг бирламчи вазифаси, яъни функционал вазифани унутмаслик лозим. Бу сайёҳлик матнлари контенти, энг аввало, истеъмолчига тушунарли бўлиши лозимлигини тақозо этади. Шу боисдан кўп ҳолларда юқоридаги ҳар иккала ёндашувни уйғунлаштирган ҳолда транслитерация ҳамда транскрипция қилинган тушунчалар сайёҳга маълум эквивалент терминлар ёки кенгайтма-изоҳ воситасида кўшимча ёритилади:

1. *The mosque is the place where the prayers of Muslims are performed, the monastery revered for them, from the XI century began to be used for individual events*¹⁰⁷.
2. *Another reason to come to Uzbekistan in winter is that there are dishes in our kitchen (for example, izhzhan-raw chipped meat, fish dishes, horse meat and other meat) that are not desirable to eat in the hot season.*¹⁰⁸

¹⁰⁶ Kazakova T. Strategies of Literary Translation // Journal of Siberian Federal University. Humanities & Social Sciences 12 (2015 8) 2842-2847, St. Petersburg State University 7/9 Universitetskaya nab., St. Petersburg, 199034, Russia, Received 28.08.2015, received in revised form 18.09.2015, accepted 17.10.2015

¹⁰⁷ <https://uzbekistan.travel/en/?s=bazaars>. Juma Mosque and Minaret in Khiva

¹⁰⁸ 8 Reasons to spend winter in uzbekistan. <https://uzbekistan.travel/en/p/8-reasons-to-spend-winter-in-uzbekistan/>

Транслитерация ҳамда транскрипция усуллари, шунингдек, ўзбек туристик терминосистемасидаги исм ва топонимик номлар, байрам ва фестиваллар номи таржимасида самарали саналади:

1. *Samarkand with its Registan, Bibi-Khanym Mosque, Gur-Emir and Shah-i-Zinda, Bukhara with its Po-i-Kalyan Complex, Ark citadel, Samanid Mausoleum and Lyabi Khauz Ensemble, and of course Khiva with its intact inner city Ichan Kala, mosques, madrasahs, minarets, walls and gates are sites of tourism*¹⁰⁹.

2. *Some type of mosque was intended for prayers by a large number of Muslims during the Muslim holidays «Kurban Khayit» and «Uraza Khayit», which were celebrated twice [...]*¹¹⁰

Аммо транслитерация-транскрипция усуллари билан алоқадор бир муаммо ҳам бор: бу терминологик дублетлик. Кўп сонли терминлар бирдан ортиқ вариантга эга. Бу ҳодисани кўплаб туризм контентидagi материалларда кузатиш мумкин, аммо уларнинг барчаси бирдай қабул қилинган экан, бу туристдан огоҳлик, дунёқараш кенглигини талаб қилади. Биргина *national uzbek cuisine* вебсайтида яққол кўзга ташланадиган дублетлик намуналарини келтирамиз¹¹¹:

1. *An important place on the local table is lamb, horse meat, excellent local soups with lots of vegetables, dairy products and bread. Hot flat bread from the tandoor, fragrant pilaf, hearty Shurpa and melt in the mouth Samsa – are considered masterpieces of Uzbek cuisine!*

2. *Palov culture and tradition*

Ўзбек миллий таоми паловни транслитерация воситасида инглизчалаштирилган вариантда (*pilaf*) сайёҳлик матнларида кўп учратсакда, асл шаклида ҳам инглиззабон сайёҳлар томонидан қўлланилиши урфга кирган.

¹⁰⁹ Wikipedia contributors. (2020, May 27). Tourism in Uzbekistan. In *Wikipedia, The Free Encyclopedia*. Retrieved 00:02, May 31, 2020, from https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Tourism_in_Uzbekistan&oldid=959239482

¹¹⁰ <https://uzbekistan.travel/en/?s=bazaarsJuma Mosque and Minaret in Khiva>

¹¹¹ National uzbek cuisine // <https://uzbekistan.travel/en/i/uzbek-cuisine/>

3. Among them are *shurpa (chorba)*, mastava, ughra and different sour-milk soups. Shurpa known since the time of Abu Ali Ibn Sina (Avicenna) is considered a curative meal against many diseases.

Юқоридаги жумла мисолида акс этганидек, *шўрва* сўзининг ҳам транскрипция ва транслитерация қилинган вариантлари бирдай қўлланилади.

Юқоридаги парча контентида қўлланган яна бир техника матннинг чорловчилик (ташвиқот) функцияси мақсадида сайёҳда қизиқиш уйғотиб, унга маъқул келадиган қўшимча маълумот ҳам тақдим этилмоқда. Авиценна номи нафақат Ўзбекистон маданияти тарихи, балки бутун дунё тараққиёти, айниқса, жаҳон тиббиёти равнақиға ҳисса қўшган инсон билан боғлиқ. Зеро, Европа уйғониш даврига қадар унинг қўлланмалари Европанинг обрўли тиббиёт билим юрғларида дарслик сифатида қўлланган; бу олимнинг номи ғарбий маданият вакиллариға ҳам маълум. Бундан ташқари моддий-молиявий аҳволи барқарорлашиб, соғлом турмуш тарзига катта эътибор қаратадиган ғарбликлар бу маълумотни қадрлашади. Бу техниканинг самарали қўлланганини яна бир неча мисолда учратамиз. *A madrasa (in Arabic «school») is a religious school, in which however also scientific subjects and today also English are taught. Most madrasas have...*¹¹²

Диний таълим муассасаларда инглиз тилининг ўқитилиш факти ғарб маданияти вакилларида ғурур ва қизиқиш ҳиссини уйғотиши шубҳасиз. Баъзи лексемалар нафақат ўзбек, балки бутун Осиё маданияти вакилларининг ҳиссаси ўлароқ инглиз туризм терминосистемасига кирган. Бунга ўлкамиз географик шароитига хос бўлган *тўқай (тўқайзор ўрмон)* тушунчасини мисол қилиб келтиришимиз мумкин. Бу мавзуда хорижий изланувчилар томонидан тадқиқотлар ўтказилиб, бу сўз турли шаклда тилға олинган¹¹³: «The word *tugai* is derived from the Kazakh, Uyghur or Tatar word *tokhay/toghay*

¹¹² Madrasas // <https://uzbekistan.travel/en/i/madrassas-in-uzbekistan/>

¹¹³ Niels Thevs. Ecology, spatial distribution, and utilization of the tugai vegetation at the middle reaches of the Tarim river, Xinjiang, China.

<https://books.google.co.uz/books?id=kS61Zaksv7AC&pg=PA23&lpg=PA23&dq=tugai+definition&source=bl&ots=THELTHhjC4&sig=ACfU3U1tjgYgnpOS8AE9Cuqm4iIa0Ab25g&hl=ru&sa=X&ved=2ahUKEwj1v6eM-N3pAhVNiYsKHUWBAMIQ6AEwAXoECAkQAQ#v=onepage&q=tugai%20definition&f=false>

which designates bush vegetation or open grasslands. Today it refers to riparian forests, shrubs and reeds. Synonyms of *tugai* in the scientific literature are *tokai*, *togai*, *tougai* and *turau*. »

Ўзбек туризмини тарғиб этувчи матнлар таркибида ҳам бу сўз кўшимча изоҳсиз транслитерация қилинган шаклда учрайди: «*Uzbekistan embraces as diverse types of the environment as deserts with their sand-dunes, blossoming oases and riverside tugai woods, alpine meadows and mountains topped with eternal snow*»¹¹⁴.

Ўзбек сайёҳлик терминологиясининг «инглизчалаштириш» усуллари билан танишиб чиқарканмиз, сайёҳлик матнлари таржимасининг лексик-семантик жиҳатлари эътиборимизни тортди.

Сайёҳлик матнлари таржимасида маълум миллатнинг тарихий-маданий жиҳатлари сақланиб қолингани ҳолда лингвистик хусусиятлари трансформация қилинади. Масалан, *қизилёноқ ўзбек миллий кўғирчоқлари* бирикмаси *rosy-cheeked Uzbek national dolls* тарзида ўгирилади. Зеро, бевосита *red-cheeked Uzbek national dolls* таржимаси ўринсиз таржима бўларди. Ёки бу бирикмани таржиманинг бошқа усулидан фойдаланган ҳолда амалга ошириш керак бўлади: «*The most favorite heroes from the puppet shows that have survived to this day are Palvan-kachala and the beautiful Bikyakhon. They are distinguished by shiny **faces** made of papier-mache or wood with huge blushes on their cheeks*»¹¹⁵.

Инглиз тили – аналитик тил: унда аффиксация ҳодисаси агглютинатив тил саналган ўзбек тилидагидай самара бермайди. Унда грамматик маъно, асосан, сўз кўшиш орқали ҳосил қилинади. Бу сайёҳлик матнлари таржимасида ҳам кўрилади. Масалан, *Қашғари яқтак* бирикмасидаги **–и** кўшимчаси кўмагида юзага келаётган эгалик маъноси инглиз тилида **of** предлоги воситасида ифодаланади: *robe of Kashgar*.

¹¹⁴ Tourism in uzbekistan // <https://mfa.uz/en/uzbekistan/330/>

¹¹⁵ Uzbek national dolls // <https://www.people-travels.com/about-uzbekistan/uzbek-art-and-craft/uzbek-national-dolls.html>

Сайёҳлик матнлари таржимасида тўғри сўз танлови жуда муҳим. Масалан, уй-рўзғорда фойдаланиладиган *кўрна*, *кўрначалар* моҳиятан фарқли тушунчаларни ифодалайди. Аммо шаклан биргина кичрайтириш қўшимчаси билан фарқ қилади. Бу грамматик хусусиятига кўра улар фақат ўлчам жиҳатидан фарқ қилади, деёлмаймиз. Чунки улар турли функцияни бажаради: бири остимизга тўшалса, бошқаси устимиздан ёпиниб ётиш учун мўлжалланган. Шунга кўра инглиз тилида ҳам уларни икки хил тушунча воситасида ифодалаш мақсадга мувофиқ бўлади: кўрпа *blanket*, кўрпача эса *mattress* тарзида. Масалан: «*Tashkent's most famous farmers market, topped by a giant green dome, is a delightful slice of city life spilling into the streets off the Old Town's southern edge. There are acres of spices arranged in brightly coloured mountains, entire warehouses dedicated to sweets, and the freshest bread and fruits around. Souvenir hunters will find kurpacha (colourful sitting mattresses), skullcaps, chapan (traditional heavy quilted cloaks), ceramics and knives here*¹¹⁶.

Юқоридаги сайёҳлик матнида *кўрпача* сўзи бевосита тақдим этилиб (транслитерация усулида), изоҳ сифатида инглиз тилидаги эквиваленти келтирилмоқда. Ушбу парчадаги *чопон* сўзи билан ҳам шу ҳодиса рўй бермоқда. Аммо унга муқобил сифатида танланган *cloak* лексемаси моҳиятан фарқли тушунчани ифодалайди. Зеро, у Кембридж луғатидаги таърифига¹¹⁷ кўра *енгсиз ташқи ёпинчиқ*ни англатади. Ўзбекча чопоннинг табиати эса барчамизга маълум, аммо *чопон* сўзининг хусусиятларини акс эттирадиган мутлақ мувофиқ сўз инглиз лексиконида мавжуд эмас. *Kaftan, robe* сўзлари гарчи *енгли ёпинчиқ*ни назарда тутса-да, улар кўпроқ *яктак* сўзига эквивалент саналади. Шу боисдан *чопон* сўзи ҳақида сайёҳларда аниқроқ тушунча уйғотиш учун *kaftan, robe* сўзларига *heavy* (қалин) лексемасини қўшиб изоҳлаган маъқул ҳисобланади.

Эквивалентлар воситасида сайёҳлик терминларини ифодалаш ўзбек қурилиш-архитектура терминлари таржимасида ҳам яхши самара беради:

¹¹⁶ Chorsu Bazaar in Tashkent, Shopping in bazaars // <https://uzbekistan.travel/en/p/shopping-in-bazaars/>

¹¹⁷ Cambridge Dictionary, «a loose outer piece of clothing without sleeves, that fastens at the neck, and is worn instead of a coat» // <https://dictionary.cambridge.org/ru/...cloak>

1. The huge *estrade (sufa)* was disassembled outside of the main entrance.¹¹⁸

2. The main room of the mosque with the prayer *niche (mihrab)* usually has a dome. The main room has an entrance *portal (Pichtak)*. There are pillared arcades around the courtyard.¹¹⁹

Ўзбек ошхонаси терминосистемасининг инглизча талқини ҳам жуда кўплаб қизиқарли лексик-семантик жиҳатларни намоён этади. Қуйида *The art of Uzbek cuisine*¹²⁰ вебсайти материаллари асосида олиб борган изланишимиз натижаларини таҳлил қиламиз. Вебсайтда таом ва ичимликлар тартибланган: ўзбекча озиқ-овқат маҳсулотларининг функционал муқобилини топишда анча меҳнат қилинган. Айтиш мумкинки, таржима жуда тушунарли, мувофиқ. *Side dishes* категорияси остидаги таомлар рўйхатига киритилган *Fried baby potatoes* таоми янги чиққан картошкаларни сарийёгда қовуришни назарда тутди. Бу таомнинг номи аниқки, инглиз тили лексик имкониятларидан хабардор бўлган таржима устаси томонидан ўгирилган. Инглиз тилидаги *baby* лексемаси жуда кўп маъноли бўлиб, фақат «чақалоқ» сўзини ифодалаш билан чегараланмаган. Ушбу бирлик янги сабзавотга нисбатан ҳам қўлланилади¹²¹. Вебсайт контентида бунга яна бир намуна мавжуд: *baby bread (кулчатойлар)*. *Side dishes* номини ҳам муҳокама қилишга эҳтиёж сезилади. Унинг бевосита таржимаси «ён овқатлар» бўлиб, аниқ мазмун касб этмайди. Зеро, бу сўз бизга рус тили орқали амалга оширилган таржималардан таниш. Русчага *гарнир* тарзида ўгирилиб, асосий овқатга қўшимча дастурхонга тортиладиган енгил таомларни англатади. Кўплаб таом номлари бирор хусусияти ила ғарб маданиятида функционал эквивалент бўлган таомлар номи билан ифодаланади:

- 1) қазни // horse meat sausages – шаклан ўхшашликка асосланган муқобиллик;
- 2) юпқа // Uzbek pancakes – шаклан ўхшашлик ҳамда тайёрлаш усулининг бир хиллигига асосланган муқобиллик;

¹¹⁸Mir arab madrasa in Bukhara // <https://uzbekistan.travel/en/p/mir-arab-madrasa/>

¹¹⁹Muslim mosques // <https://uzbekistan.travel/en/i/muslim-mosques/>

¹²⁰ <http://uzbekcooking.blogspot.com/>

¹²¹ «baby vegetables are a very small version of particular vegetables, or are vegetables that are picked when they are very small. » // https://www.oxfordlearnersdictionaries.com/definition/english/baby_2

- 3) бақлажон ўрама // eggplant rolls – шаклан, моҳиятан ўхшашликка асосланган муқобиллик;
- 4) газак // appetizers – функционал муқобиллик;
- 5) патир // layered bread – шаклан, моҳиятан ўхшашликка асосланган муқобиллик;
- 6) олма шарбати // compote with apples – моҳиятан ўхшашликка асосланган муқобиллик.

Аслида, *шарбат* сўзининг бевосита муқобили *juice* лексемаси саналса-да, унинг моҳияти мевани сиқиш орқали табиий шарбат олишни англатади. Аммо вебсайтда келтирилган рецептга кўра, айнан компотнинг тайёрлаш усули тақдим этилган бўлиб, бу таржима мувофиқлигидан далолат беради. Яна бир мисол: *кўкнори уруғли кулчалар – poppy seed buns*. *Bun* сўзи асли *булочка* таржимасини бериб, моҳиятан *ширин таъмли пиширик* англишилади. Аммо *кўкнори уруғли кулчалар* ҳақиқатдан ҳам нонушта учун тайёрланадиган ширинлик турини англатиб, бу ерда ўзбекча номланиши семантик ноаниқликни юзага келтиради: умумий маъноли ўзбекча вариантдан таржима асосида хусусий маъноли эквивалентига ўтилди, бу эса маъно аниқлигига хизмат қилди.

Худди шу ҳодиса қуйидаги тиллараро муқобилларда ҳам содир бўлмоқда: *гўштли қуймоқ // omelet with meat*. Қуймоқ ундан тайёрланадиган пиширик: у товада тайёрланади. Омлет шу усулда тайёрланса-да, маҳсулотларининг асосини тухум ташкил этади. *Гўштли қуймоқ* ҳам тухум аралаштириб, товада пишириб олинадиган таомни назарда тутаяди. Демак, хорижий таржимаси хусусий ва аниқ маъно ифодасини бермоқда.

Лағмон // noodles. Ғарбий маданият вакиллари *спагетти (spaghetti)* тушунчаси таниш: *noodles* Шарқий Осиё (асосан, Хитой) аҳолиси томонидан истеъмол қилинадиган, моҳиятан ўзбекча қайиш ҳамда лағмонга ўхшаш

(шаклан ва тайёрланиши жиҳатидан)¹²² таомга ишора қилади. Шу сабабли ўгириш жараёнида жуда тўғри сўз танланган. Бу мушоҳадага асосланган ҳолда айтиш мумкинки, *қайиш* сўзи ҳам *squared noodles* тарзида тўғри таржима қилинган.

Шунингдек, *қайиш // squared noodles, творог // cottage cheese* каби мисолларни ҳам изоҳлаш мақсадга мувофиқ.

Творог тушунчаси асли Ўрта Шарқда келиб чиққан, аммо келиб чиқиш тарихи негадир грек афсонаси билан боғланади. «Одиссея»да келтирилишича, циклоп Полифемус сутни ҳайвонлар ошқозонида сақлаб, ундаги бижғиш жараёни натижасида сутдан дурдаларини ажратиб, *творог* олган.¹²³ Содда йўл билан, уйда олинмиш усули туфайли *творог* Америкада илк маротаба *cottage cheese* термини билан атала бошлади.

Бошқа сут маҳсулотларининг инглизча таржимаси ҳам ўзига хос жиҳатларни намоён қилади. *Чакки, қатиқ, айрон, сметана* ҳам ачитиш жараёни орқали олинадиган маҳсулотлар сирасига киради. Уларнинг бу хусусиятини ифодаловчи сўз (*sour*) ҳам таржима муқобилида берилади: *сметана // sour cream; қатиқ // sour milk (ёки natural yogurt); чакки // sour yogurt; айрон // beverage with sour yogurt*.

Инглизча муқобилининг моҳиятига қарасак, таржима жуда ўринли амалга оширилган. Зеро, сутни ачитиб, қатиқ (яъни табиий ёгурт) олинади. *Қатиқ* (яъни табиий ёгурт)ни ачитиб (сиздириб), *чакки* тайёрланади. Ундан суюлтириб, тайёрланган ичимлик, дарҳақиқат, *айрон* бўлади. Сметананинг *ачитилган қаймоқ* дейилишига эса унинг қатиққа нисбатан ёғли ва қуюқ массага эгаллиги сабаб бўлган.

Аммо *The Art of Uzbek cuisine* вебсайтида келтирилган *птичье молоко тортининг* таржимаси қарши мунозарага сабаб бўлиши мумкин. Барчамиз

¹²²« Noodles are a type of food made from unleavened dough which is rolled flat and cut, stretched or extruded, into long strips or strings. » Wikipedia contributors. (2020, May 14). Noodle. In Wikipedia, The Free Encyclopedia. Retrieved 10:22, June 1, 2020, from <https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Noodle&oldid=956677387>

¹²³ APA style Wikipedia contributors. (2020, April 17). Cottage cheese. In Wikipedia, The Free Encyclopedia. Retrieved 11:11, June 1, 2020, from https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Cottage_cheese&oldid=951487915

птичье молоко ҳамда *зефир* икки хил тушунча эканлигини биламиз. *Птичье молоко* суфлесифат юмшоқ ширинлик бўлса, *зефир* қурук, қарсилдоқ бўлади. Шундай экан, *птичье молоко* тортининг *Marshmallow cake* шаклида таржима қилиниши мақсадга мувофиқ эмас. *Cake with soufflé* таржимаси мақбулроқ бўларди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, *птичье молоко* сўзининг ўзи инглиз маданиятида *Ptasie mleczko* шаклида маълум. Келиб чиқиш тарихи Польша давлати билан боғланиб, шу тилдаги талаффузи воситасида транскрипция қилиниб, ўзлаштирилган¹²⁴.

Таржимон меҳнатининг ҳақиқий залвори, аҳамияти сайёҳлик матнлари таржимасида намоён бўлади. Агар туризм хизмат ва маҳсулотининг потенциал хизматлари истеъмолчисига тарғибот маҳсули ҳиссий-эмоционал таъсир кўрсатиб, уни тасвир этилган сайёҳлик гўшаси сари етакласа (ёки ҳеч бўлмаганда хоҳиш уйғотса), таржима маҳсули ўз вазифасини бажарган бўлади. Туризм ташвиқоти вебсайтларининг сайёҳлик матни функционал – чорловчилик (вокатив) вазифасига қай даражада эришганларини тадқиқ этамиз. Бунинг учун қуйидаги нисбатан фаол вебсайтлар контентига танқидий-таҳлилий назар соламиз.

Бир неча вебсайтлар контентини ўрганиб, барчасининг туризм тили кўп ёки кам даражада таъсирчан эканлигини, функционал – вокатив (чорлов) вазифани бажариш учун турли техникалардан фойдаланишганининг гувоҳи бўлдик.

Uzbek travel вебсайтининг бош саҳифасида келтирилган қаршилаш матнида бир неча лингвистик ва экстралингвистик воситалар ёрдамида сайёҳлик матнининг вокатив вазифаси аъло даражада ишга солинган:¹²⁵

1. Энг аввало, матн *Start your adventure to Uzbekistan (Ўзбекистон сарҳадларига саргузаштингизни бошланг)* хитоби билан бошланган: гап воситасида билвосита экстралингвистик ахборот юборилмоқда, яъни саёҳатнинг саргузаштларга бой бўлиши муҳаррарлигига шаъма қилинмоқда.

¹²⁴ Wikipedia contributors. (2019, September 7). *Ptasie mleczko*. In Wikipedia, The Free Encyclopedia. Retrieved 12:21, June 1, 2020. // https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Ptasie_mleczko&oldid=914415017

¹²⁵ Uzbekistan trips // <http://uzbek-travel.com/>

2. Навбатдаги устунлик лексик бирликлар, хусусан, *tailor made* сўзининг чертиб танланганида. Ушбу сўз «эксклюзив, дизайнер меҳнатига хос, алоҳида дидлар учун» маъноларини бериб, ихтиёрий вебсайт меҳмонида шахсий «мен»ига нисбатан кадр-қиммат, ғурур ва хизмат таклиф қилувчига нисбатан яқинлик, боғланиш ҳамда ишонч туйғусини уйғотади. *Please* сўзи ялиниш, императивлар чорлов оҳангини яратишга хизмат қилади. Қанчалик кичик бўлмасин (*however small or big*) киритма гапи миждознинг ҳатто аҳамиятсиз илтимоси ҳам ерда қолмаслигини назарда туттади: якун ўта таъсирчан – «бизга имкон беринг ва афсусланмайсиз» таъкиди билан тақдим этилади: «We are delighted to have the opportunity to help you plan a tailor made trip in Uzbekistan. Please choose one of the tours on our website or just get in touch with us with more information on what you expect or would like to see in order to enable us to tailor a tour in line with your preferences. The more details you provide the better. And do not hesitate to ask, we are here to help and all queries however small or big are dealt with care and maximum attention. Give us a chance to introduce you Uzbekistan and you will never regret. »

Вебсайт контенти яратувчиси, шубҳасиз, туризм маркетингидан юқори даражада хабардор шахс. Потенциал истеъмолчи замонавий дунёвий билимлардан хабардор, уларга қизиқувчи ғарблик бўлишини назарда тутиб, шу аудитория учун ғаройиб ҳисобланган қўшимча маълумот(ўлкамизнинг 5 мамлакат билан чегарадошлиги-ю, шаҳарларимизнинг нақд «Минг бир кеча»нинг ўзи эканлиги)ни Ўзбекистон диёрига иқтибос қилган ҳолда тақдим этади:

«Did you know?

Uzbekistan is one of only two countries in the world to be 'double landlocked' (landlocked and totally surrounded by other landlocked countries). Liechtenstein is double landlocked by 2 countries whilst Uzbekistan is surrounded by 5! »

«Classical Uzbekistan

This 10-day tour provides a comprehensive view of Uzbekistan. Travel to Khiva, a beautiful city museum under the sky, straight out of ‘An Arabian Night’ – marvel at Bukhara, a city over 2500 years old, once the centre of the world, now a UNESCO World Heritage site. And of... »

Навбатдаги сайёҳлик матни эса ўлкамиз тўғрисидаги ўзга маданият вакили томонидан ёзилган маълумот тақдироти эканлиги равшан:¹²⁶ *«The region’s cradle of culture for more than two millennia, Uzbekistan is the proud home to a spellbinding arsenal of architecture and ancient cities, all deeply infused with the bloody, fascinating history of the Silk Road. In terms of sights alone, Uzbekistan is Central Asia’s biggest draw and most impressive showstopper.»*

У гўё маданиятимиз тарихидан узоқдан хабардор бўлган мутахассис томонидан яратилгандек таассурот уйғотади. Бунга «қонли тарих билан тўла» (infused with the bloody... history) таърифи қўшимча исбот бўлади. Бундан ташқари, чалкашлик уйғотиши мумкин бўлган, ҳам ижобий, ҳам салбий семаларга эга полисемантик *showstopper* сўзининг матн контентида мавжудлиги ҳам яхши танлов эмас. Зеро, инглиз тили лексик-семантик хусусиятларидан у қадар хабардор бўлмаган саёҳатчи маълумотни нотўғри тушуниши мумкин. Бу эса матн функционал-вокатив вазифасини барбод қилади. Шу сингари танқидий қарашларимиз навбатдаги вебсайт контентига ҳам тегишли:¹²⁷ *«Uzbekistan travel is an exploration of dreamy medieval landscapes accentuated by minarets that pierce the desert sky. Local pilgrims arrayed in dazzling sequined robes whose kaleidoscopic colors are as vibrant as the people themselves. Aromatic scents that combine with the melodic banter of a thriving bazaar, welcoming you to a country both foreign and inviting, adventurous yet comfortable».* Кўзни қамаштирувчи чопон (ёки яктак) кийиб юрган маҳаллийлар жумласи сайёҳлик гўшаси маданияти ҳақида ғарб саёҳатчисида нотўғри тассурот уйғотади.

¹²⁶ <https://www.lonelyplanet.com/uzbekistan>

¹²⁷ <https://www.advantour.com/uzbekistan/>

Навбатдаги сайёҳлик матнининг ютуғи миллий-хусусий сўзлар (реалиялар) ҳамда якуний сўроқ гап (ҳайратни ифодаловчи) воситасида кучли вокатив (тарғибот, чорлов) оҳангидаги материалнинг яратилиши бўлган:¹²⁸

*«Uzbek culture is rich, warm and dynamic, and quite different from the surrounding nomadic nations. You have not been to Uzbekistan if, after a big meal of greasy **plov**, you haven't reclined on a **topchan** in the shade of a huge **chinar** tree, getting buzzed on liters of green **chai**, while discussing the finer points of life in your respective countries with old **aksakals** wearing **tubeteika** skull caps.*

Understand all these words? Then you have been to Uzbekistan. »

Сўроқ гапнинг тўсатдан матнда бурилиш ясаб қўлланилиши унинг эмоционал-экспрессив таъсир кучини оширган: «Агар палов еб, чинор остидаги чорпояда чўзилиб ором олмаган... бўлсангиз, демак сиз Ўзбекистонда бўлмагансиз... Вой бу сўзларни биласизми?! Демак, бўлган экансиз-да Ўзбекистонда. »

Ҳатто сайёҳлик вебсайтлари номида ҳам рамзий маъно акс эттириш мумкин. Масалан, *against the compass*¹²⁹ номи *компасга қарама-қарши* маъносини ифодалаб, бундан икки хил ахборот ўқиш мумкин:

- 1) анъанавий оммавий туризм маконларидан ўзгача (фарқли) маршрутда саёҳат қилиш;
- 2) жануб томонга саёҳат қилиш (чунки компас бирламчи ҳолатида шимолни кўрсатиб туради).

Ҳатто, ушбу вебсайтнинг ёрлиғи ҳам маъносига мувофиқ яратилган:

¹²⁸ <https://caravanistan.com/uzbekistan/>

¹²⁹ <https://againstthecompass.com/en/uzbekistan-travel-guide/>



Яна бир вебсайт номига назар соладиган бўлсак, у *salt in our hair*¹³⁰ деб номланган бўлиб, сайтдаги график тасвирлар ёрдамида соҳилбўйи ҳордиғига урғу берилганини, эҳтимол, *зумрад денгиз мавжларида сузиб (ё чўмилиб) сочингиз тузлансин* маъноси англашилишини тахмин қилиш мумкин.

Навбатдаги сайт *my wanderlust*¹³¹ деб номланади; *узоқ ва сеҳрли ўлкаларга сайр қилиш иштиёқи* маъносини ифодаловчи немис маданиятининг хиссаси бўлган термин-лексемага асосланади.

Юқоридаги тавсифларни қуйида умумлаштирамиз. Ўзбек тилининг неча аср мобайнида шаклланган инглиз туризм терминосистемасига хиссаси реалаялар (ўзбекча миллий-маданий тушунча) воситасида бўлади. Реалаялар фақат маданиятимизга хос бўлгани сабабли ўзга тилдаги эквиваленти кўп ҳолларда унинг моҳиятини тўлиқ очиб беролмайди. Шу сабабдан уларни ўзлаштиришдаги энг мақбул усул транскрипция ва транслитерациядир. Аммо сайёҳлик матнлари таркибида контент аниқлиги мақсадида уларни муқобили ёки кенгайган тавсифий изоҳ воситасидаги маълумот билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Ўзбек туризми ривожини билан бунга ҳам яқин келажакда эҳтиёж қолмаслиги асосли лингвистик башоратдир. Транскрипция/транслитерация қилинган ўзбек сайёҳлик терминларининг график-фонетик фарқлари бўлиб (ҳам маҳаллий, ҳам хорижий манбада), бу терминологик дублетни ҳам ҳосил қилади. Сайёҳлик матнлари таржимаси, уларда маданий маълумот тақдимотини хорижий тил лексик-семантик хусусиятлари доирасида самарали амалга ошириш сайёҳлик бозори муваффақиятини белгилайди. Ўзбек маданиятини тарғиб этувчи инглизча сайёҳлик матнлари

¹³⁰ <https://www.saltinourhair.com/uzbekistan/uzbekistan-travel-guide/>

¹³¹ <https://www.mywanderlust.pl/uzbekistan-travel-guide/>

контентига потенциал истеъмолчи нуқтаи назаридан ёндашиш матннинг функционал-вокатив функциясига эришишда аҳамиятли.

Боб бўйича қисқа хулосалар

1. Туризм терминосистемасида тиллараро сўзма-сўз таржима мукамал таржима саналмайди. Таржима жараёнида потенциал истеъмолчи (бу кўп ҳолларда оддий лингвистик номутохассис аҳоли)га тушунарли бўлиш мақсадини устун қўйиш керак. Туризм контентигаги материал таржимасида, уларнинг (истеъмолчи томонидан) талқинида маданият масаласи – етакчи омил. Сайёҳлик матни маданий маълумотини тўлиқ сақлаб қолиш, таржима маҳсулини потенциал истеъмолчига тушунарли қилиш бир-бирига тесқари пропорционал: бунда маъқул оралиқни топиш муҳим. Бу ўта маданийлаштириш, мутлақ ажнабийлаштириш хавфи нейтраллаштириш техникаси воситасида мувофиқлаштирилишини англатади.

2. Реалиялар таржимаси – туризм терминосистемаси билан иш кўраётган таржимон олдидаги энг катта муаммо. Бу алоҳида терминлар таржимасида транслитерация/транскрипциянинг қўлланишини тақозо этса, сайёҳлик матнлари таржимасида буюртмачи эҳтиёжига кўра ассоциациялаш усули, кенгайган тавсифий изоҳ ёки функционал муқобил воситасида амалга оширилади. Ҳар қандай лексема каби терминлар яқка ҳолда қўлланмаслигини унутмаслик керак. Уларнинг сайёҳлик матнлари таркибида қўлланилишидан асосий мақсад функционал-чорловчилик вазифаси саналади; буни эса тилларнинг фарқли имкониятларини мувофиқлаштирган ҳолда амалга ошириш зарур.

3. Туризм терминосистемасининг кундалик ҳаётда фаол қисми (озик-овқат, спорт, кўнгилочар машғулотлар, транспорт) потенциал истеъмолчига транскрипция ва транслитерация воситасида тақдим этилади. Калькалаш терминосистема элементлари ўзларининг хорижий график/фонетик қиёфаси билан коммуникатив функцияни бажаролмаганда навбатдаги техника сифатида амалга оширилади: бу ҳамон инглиз-ўзбек терминлар таржимасида асосий усуллардан бўлиб қолмоқда. Икки асосий усул: калькалаш ҳамда

транскрипция, транслитерация натижасида ўзбек сайёҳлик терминосистемасида терминологик дублетлар юзага келиб улгурган; замонавий тенденциялар – вазифаларни кузатиш натижасида, тобора транскрипция-транслитерация вариантларининг эволюцион (тадрижий) танланиш асосида афзал кўрилишини ҳозирги даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

4. Инглиз терминосистемаси узоқ шаклланиш тарихига эга: у оммаланиб улгурганидан унинг ташкил этувчи элементларини жуда кам ҳолларда тавсифий-кенгайтмали изоҳлар воситасида потенциал истеъмолчига тақдим этиш эҳтиёжи туғилади. Инглиз сайёҳлик терминосистемасининг баъзи элементлари моҳияти аниқ бўлишига қарамай, маданий мақбул кўрилмаган тушунча, маҳсулот ёки хизмат турини ифодалагани боисидан таржимасига эҳтиёж йўқ. Сайёҳлик терминларининг контекстуал таржимасида (сайёҳлик матнлари контенти таркибида) лингвистик муқобилликка эмас, балки функционал муқобилликка урғу бериш бирламчи мақсад бўлиши керак.

5. Сайёҳлик матнларидаги маданий маълумот билан бирга матннинг функционал-чақирувчилик (vocative) хусусиятини сақлаб қолиш муҳим. Ўзбек тилининг инглиз туризм терминосистемасига қўшадиган ҳиссаси реалиялар (ўзбекча миллий-маданий тушунчалар) билан боғлиқ. Реалиялар фақат маданиятимизга хос бўлганидан ўзга тилдаги эквиваленти кўп ҳолларда уларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабдан уларни ўзлаштиришдаги энг мақбул усул транскрипция ва транслитерациядир.

III БОБ. ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК САЙЁҲЛИК ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИКОГРАФИК ТАЛҚИНИ

3.1. Замонавий лексикография тенденцияларининг сайёҳлик луғатларини яратишга таъсири

Замонавий лексикография тенденциялари муаммолари тадқиқ этилган ишлар талайгина¹³². Сўнгги йиллардаги тараққиёт турли соҳалар, жумладан, туризм инфраструктурасининг мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрнини белгилаб олиши билан характерланади. Янгидан-янги сайёҳлик маҳсулот, хизматлари яратилиб, ўзбек туризми жаҳон бозорида янги шарқона «бренд» сифатида кириб борди. Дастлаб айрим вилоятлар тадбиркорлиги ҳисобланган туризм саноати ҳозирда маҳаллий бизнес шаклини олиб, юртимизда кенг оммалашди. Мамлакатимиз маҳаллий аҳолисининг маданияти, анъаналари ва турмуш тарзи шу ернинг ўзига хос туристик салоҳият ҳисобланиши, муҳими, буни қўлдан бой бермаслик кераклигини тушуниб етди. Юртимизнинг ҳар бир бурчаги, ҳар битта овул ўзининг бетакрор анъанасига эга туризм маскани бўлиб майдонга чиқди. Президентнинг «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан 2019 йилнинг 1 ноябридан эътиборан Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси энг юқори туризм салоҳиятга эга бўлган фуқаро йиғинлари (шаҳарча, қишлоқ, овуллар ҳамда шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулларнинг маҳаллалари) рўйхатини шакллантира бошлагани¹³³ бунга ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилди. Аммо туризм амалиёти муваффақиятли амалга оширилаётган бир пайтда унинг назарий асосларини яратишда оқсаш сезилмоқда. Тилшунос-филологнинг бугунги вазифаси сифатли луғатлар яратишдан иборат. Турли миллат вакиллари, хусусан, инглиззабон сайёҳлар учун юртимиз бўйлаб саёҳатда қўлланма бўладиган юқори савияли луғатларни яратиш ўлкамизда туризмнинг истиқболдаги ривожига ўз

¹³² Дубровская Е.А. Лексикография английского языка // Гуманитарные научные исследования. 2019. №3 – URL: <http://human.snauka.ru/2019/03/25653>

¹³³ https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=654&fbclid=IwAR0ttOIwuoO326IR3iumDgI9R8msGYBOYCehgS5dYdkVK_NLr9Jr8WfcUU

хиссасини қўшади. Шубҳасиз, ўзбек туризм терминосистемаси луғатини ўзбек маданияти ҳеч ким мутахассисчилик аъло даражада бажара олмайди. Қолаверса, юқори функционал қийматли таржима луғатларининг мавжудлиги хорижий сайёҳлар оқимини рағбатлантиради.

Ўзбек сайёҳлик саноати аллақачон ўз терминосистемасини вужудга келтириб бўлди. Кўп-соҳали туризм саноатимиз асосини аксар миллий-маданий характердаги сўз ва тушунчалар ташкил этиб, улар халқимиз ижтимоий-маданий ҳаётида ўз аксини топган. Шунинг билан бирга жамиятимиз ҳаётига туризм орқали кириб келган янги тушунча, воқеа-ходисалар ҳаётимизнинг лингвомаданий концептосферасидан жой олиши учун тилимиз захираси билан параллел тарзда ўзга тиллардан ҳам кўмак олдик; янги терминларни ўзлаштирдик¹³⁴. Натижада, туризм терминологияси ўзбек терминосистемасининг лексик бирликлар билан тез бойиб бораётган соҳасидан бирига айланди. Қуйида бошқа экстралингвистик омилларни келтирамиз. Улар туризм терминосистемаси шаклланишида билвосита ўз хиссасини қўшади. Булар сирасига

- 1) туризм ривожига давлат сиёсати даражасида эътибор бериш;
- 2) ўлкаимизнинг сайёҳлар эътиборини қозонадиган туризм салоҳиятига эгаллиги;
- 3) жаҳон ҳамжамиятининг юртимизнинг кўҳна тарихи, маданий ёдгорликларимизни ўрганишга бўлган эҳтиёжининг пайдо бўлиши;
- 4) туризм саноатининг мамлакатимизда ўз ҳуқуқий асосларга эгаллиги;
- 5) ҳамкор давлатлар билан туризмга оид тараққийпарвар алоқаларнинг йўлга қўйилганлиги;
- 6) туризмда янги йўналиш ва тенденцияларнинг вужудга келганлиги;
- 7) сайёҳлик зоналарининг яратилиши ва ишга туширилиши;
- 8) туризмнинг ўлкамиз иқтисодиётига келтирадиган даромадини оширувчи туристик харита ва маршрутларнинг ишлаб чиқилганлиги;

¹³⁴ Сирождинов Ш. Сўз ўзлаштириш омиллари хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 4. – Б.83.

- 9) халқаро ҳамкорлик муносабатлари воситасида туризм соҳаси малакали персоналининг яратилаётганлиги;
- 10) диёримизга ташриф буюраётган сайёҳлар кўламининг йил сайин юқори кўрсаткичларга чиқаётганлиги;
- 11) халқаро туризм ташкилотларига аъзолик, улар билан тажриба алмашинувининг йўлга қўйилганлиги;
- 12) хизмат кўрсатиш сифатининг халқаро стандартга ҳамоҳанглиги, хорижий меҳмонлар муносабатининг мунтазам мониторинги олиб борилаётгани киритиш ўринли бўлади.

Юқоридагиларнинг барчаси кўп-соҳали ўзбек туризми терминосистемасини вужудга келтирди; энди уни хорижликлар учун амалда тушунарли тил қолипларига солиш мақсадида юқори савияли махсус таржима луғатларининг вужудга келтирилиши навбатдаги долзарб масала бўлиб турипти. Шу ерда лексикографиянинг замонавий тенденциялари борасида мушоҳада қилишга эҳтиёж пайдо бўлади. Туризм мазмун-моҳияти жиҳатидан илдамлаб бораркан, луғатлар ҳам қулай кўриниш касб этиб бориши лозим. Замонавий лексикография луғатшуносликнинг корпус лингвистикаси, компьютер лингвистикаси билан ҳамкорлигини йўлга қўйишни тақозо этади¹³⁵. XXI аср лексикографияси турли профилдаги, айниқса, электрон (хусусан, онлайн) луғатларнинг оммалашуви билан характерланади. Замон талаби билан инсонларнинг атрофдаги буюмларга муносабати ўзгарди, кундалик ёрдамчи ускуналаримиз турли функция бажариш хусусусияти касб этди. Анъанавий китоб-луғатларга ихлосманд камчиликни эътиборга олмасак, аксарият тил амалиётчилари электрон ҳамда онлайн луғатларга мунтазам мурожаат этадиган бўлишди. Албатта, бу қатор қулайликларига эга. Энг аввало, улар воситасида керакли сўзни топишга сарфланадиган вақт бир неча баробар қисқарди. Бундан ташқари, электрон ва онлайн луғатлар кенг кўламдаги ахборотни қамраб олиши мумкин: уни

¹³⁵ Modern trends in English lexicography // <https://lektsii.org/12-3500.html>

излаш махсус ҳаволалар воситасида техник ускуналарда бир зумда амалга оширилади. Шунингдек, мавжуд ички акустик имкониятлари ускуналарнинг хорижий сўзлар талаффузида модел вазифасини бажаришига имкон беради.

Замонавий луғатчиликда долзарб масалалардан бири сўз маъносининг сунъий контекстда яратилган тўқима гап намунаси эмас, балки кундалик реал ҳаётдан олинган, турли вазият ва ҳолатда юзага келтирилган аутентик гап намуналари билан асосланиши бўлди. Бунда корпус лингвистикасининг хизмати бекиёс. Афсуски, ҳали ўзбек луғатчилигида тилшуносликнинг ушбу йўналишида сезиларни қадам ташланмади. Шу туфайли навбатдаги муҳим муаммолардан бири ўзбек тили умумий тил корпуси, кейинчалик алоҳида соҳа корпусларини юзага келтириш бўлиб қолади.

Фан-техника тараққиёти, мамлакатлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги ривожланиш тиллар лексиконининг мунтазам кенгайиб бориши, янги луғавий бирликларнинг қўшилиб, эскирганларининг истеъмолдан тушишини тақозо этади. Баъзан луғат таркибига олдиндан мавжуд тушунчаларнинг янги номи асосида янги бирлик кириб боради. Э.А.Земская янги сўзлар эскилари билан умуман боғлиқ бўлмаган ҳолда ясалганда, уларни ўзлаштириш нақадар мушкул ишга айланишини, сўзларнинг тилдаги ўзаро алоқаси борлиқдаги реал предмет, воқеа-ҳодисалар орасидаги муносабатнинг инъикоси эканлигини таъкидлайди.¹³⁶ Бу умумий лексемалар сингари термин сўзларга ҳам алоқадор жараён. Зотан, термин сўзлар кириб келаётган янги сўзларнинг асосий қисмини ташкил этади. Фан-техника истиқболи, терминлар такомилли ўзаро бир-бирини тақозо этадиган, тўғри пропорционаллик табиатига эга ҳодисалардир. Зеро, фан-техника турли соҳа терминосистемаларининг вужудга келишини таъминласа, ўз назарий асосланган, такомиллашган терминосистемасига эга бўлмаган ихтиёрий фан-техника соҳаси ҳам ўз навбатида таназзулга юз тутаети. Шундай экан, ҳар бир соҳа терминологиясини сайқаллаш, тартибга солиш ҳозирги замон

¹³⁶ Земская Э.А. Как делаются слова. – Москва, 1963.

лексикографиясининг долзарб муаммоларидан бўлиб қолмоқда. Терминосистемаларнинг чалкашликлардан холи эканлиги, аниқ ва тартибли тизимлаштирилганлиги – маълум мамлакат маданияти, маънавияти, саводхонлигини белгилаб берувчи омил. Аммо терминография – назарий ва амалий лексикографиянинг нисбатан ёш соҳаси, ҳали ундаги муаммолар талайгина. Рус тилшуноси Д.С.Лотте бундан бир неча ўн йилликлар илгари муҳокама қилган соҳалар терминосистемасига оид муаммолар бугунги замон луғатчилигининг оғриқли нуқталари бўлиб қолмоқда.¹³⁷

1. Дастлабки муаммо барча соҳалар терминосистемасида учрайдиган терминлар полисемияси билан боғлиқ. Моҳиятан, терминлар маълум соҳага оид бирор тушунча табиатини аниқ ифодалаши, унинг қўлланилиш доираси фақат шу соҳа билан чегараланиши лозим. Моносемантик характерда бўлиши, эмоционал-экспрессив ассоциацияларга эга бўлмаслиги уларнинг муҳим хусусияти саналади, бу уларни одатий сўзлардан тафовутлаш учун хизмат қилади. Зеро, терминларнинг луғавий маъноси ҳам шуни тақозо этади (термин лотинча *terminus* сўзидан олинган:, «чегара», «чегара белгиси», «чеклов» маъноларини англатади¹³⁸).

2. Иккинчи долзарб муаммо терминлар маънодошлиги (олдинги бобларда бунинг терминологик дублетлик номи билан тилга олгандик) ҳисобланади. Бу истемолда улар билан боғлиқ мавҳумлик ва чалкашликларга сабаб бўлади. Аслида жамият ривожининг ижтимоий-маданий танлов асосида маънодош вариантлардан бирининг луғат таркибидан чиқишини тақозо этади. Бунда ўзи ифодалаган тушунча мазмунини тўғри ифодаламайдиган ёки қўлланилишда ноқулайлик (графикаси, товуш қобиғи, кўп сонли компонентлардан иборатлиги билан боғлиқ) туғдирган вариант истемолдан тушиб қолади, бироқ бунга бироз вақт кетади. Шу сабабдан терминологик луғатлар мунтазам сайқалланиш ва такомиллашиш жараёнида бўлади.

¹³⁷ Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – Москва, 1961.

¹³⁸ Шарипова Ў., Йўлдошев И. Тилшунослик асослари. – Тошкент, 2006. – Б. 50.

3. Навбатдаги муаммо маълум бир терминнинг ўзи ифодаладиган тушунча моҳиятига тўлиқ мувофиқ келмаслигида. Хорижий тилдан ўзлаштирилаётган термин таржимасига сунъий-техник жараён ўлароқ қараш, унга ижодий ёндашмасликдан келиб чиқади. Бунинг оқибатида термин ўз функционал қийматини йўқотади, қадрсизланади. Истеъмолга киритилиши кўзланган терминнинг мазмун доираси чегараланган, аниқ, тушунарли бўлиши ва бу ихтиёрий контекстда бир хилда амал қилиши лозим.

4. Навбатдаги камчилик терминларнинг ҳаддан ортиқ узунлиги (аниқроқ айтганда, кўп компонентлилиги)га алоқадор. Ихчам ва истеъмолда қулай бўлиш терминологик бириклар учун ўта аҳамиятли. «Бундай ясашилми терминларда, биринчидан, нутқ иқтисоди бузилади, бу эса, ўз навбатида, фикрлашга салбий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, эллипсия ходисаси(нутқ унсурларининг тушиб қолиши)нинг вужудга келиш эҳтимоли кучаяди.¹³⁹ » Ўзбек тили тўғрисида гапирадиган бўлсак, тилимиз хусусиятлари кўп ҳолларда хорижий тилдан ўзлашаётган бир компонентли терминнинг икки ва ундан ортиқ компонентли сўз бирикмаси тарзида таржима қилинишини тақозо этади. Шу сабабдан таржимага кўр-кўрона ёндашмай, бу жараёнга танқидий қараб, тилимиз бой ички имкониятларини қўллаш орқали максимал даражада ихчамликка эришиш терминосистема такомилли учун жуда муҳим. Умуман олганда, синтактик усул воситасида бирикма шаклидаги терминларни ҳосил қилиш ҳар қандай тилда ҳам самарали усул ҳисобланади; ихтиёрий тил терминосистемасида бирикма-терминнинг бир компонентли терминдан кўпроқ эканлиги бунга исбот бўла олади. Аслида, тилшуносликда мавжуд универсал қарашга кўра бир компонентли термин асос-термин саналиб, бошқа кўплаб терминлар улардан ҳосил қилинади. (Масалан, *tourism // tourism industry // green tourism* ва ҳоказо каби)

¹³⁹ Шарипова Ў., Йўлдошев И. Тилшунослик асослари. – Тошкент, 2006. – Б. 56.

5. Таржимадаги яна бир камчилик – мураккаб товуш тизимига эга терминнинг ноқулайлик келтириб чиқариши. Аммо айтиш керакки, бу муаммо олдинги ўн йилликларга нисбатан анчайин юмшади. Ҳозир аҳоли ўрта қатламнинг хорижий тиллар (айниқса, инглиз тили) борасидаги тасавури, тушунча ва билими ошди. Оқибатда, кўплаб хорижий фонетик хусусиятли терминлар бизга яқин, таниш, одатий истемолдаги сўзга айланиб улгурди. Бунга кўп жиҳатдан фан-техника, хусусан, интернет тараққиётининг ҳиссаси сифатида қарасак тўғри бўлади.

6. Лексикографияда у қадар мақбул кўрилмайдиган навбатдаги масала терминосистеманинг ҳаддан ортиқ ўзлашма терминлар билан тўлдирилиши ҳисобланади. Аммо бу лексикографик қараш ҳозир бирмунча либераллашган: асосийси, хорижий термин ўзлаштирилишида функционал эквивалентликка эришишдир. Дейлик, агар маълум тушунча ифодаловчи терминнинг «ўзбекчалаштирилган» вариантдан кўра хорижий кўринишдаги муқобили истемолчи онгида аниқроқ тасаввурни уйғотса, амалий қиймати устунроқ бўлса, унда афзаллик ўзлашма термин томонда бўлади. Зеро, терминологик луғатлар таркибини шакллантиришда истемолчи танлови ғоят аҳамиятли.

Ҳар бир махсус луғат маълум турдаги истемолчини назарда тутган ҳолда тузилади. Бундан келиб чиқадики, нишондаги луғат фойдаланувчисининг профили луғатни лойиҳалаштириш босқичидаёқ ишлаб чиқилиши лозим. Бир вақтнинг ўзида истемолчи айнан қандай ижтимоий-маданий вазиятларда луғатни ишга солиши ва бу билан боғлиқ равишда айнан қандай турдаги маълумотнинг луғатга киритилиши аҳамият касб этишига ҳам олдиндан ишонч ҳосил қилиш мақсадга мувофиқ¹⁴⁰.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги замон терминологик луғатлари бир неча гуруҳ потенциал фойдаланувчилар учун умумий ишлаб чиқилади. Ҳатто полифункционалилик белгиси бозор иқтисодиёти шароитида асосий мақсад

¹⁴⁰ Fuertes – Olivera P.A. Systematic introductions in specialized dictionaries. – 2009. P. 167-187.

бўлиши кераклиги ҳам таъкидланади¹⁴¹. Мисолларни туризм соҳаси намунасида келтирган ҳолда махсус луғат фойдаланувчиларига қуйидаги истеъмолчиларни киритишни мақсадга мувофиқ деб биламиз:¹⁴²

- 1) мутахассислар (туризм статистикасини ишлаб чиқувчи, туризм терминларини татбиқ этиш, таҳрирлаш, мониторинг қилиш билан шуғулланувчи эксперт, туризм хизмат ва маҳсулотларини ишлаб чиқувчи);
- 2) яриммутахассислар (туроператор, турагент, экскурсовод; туризм тарғиботи соҳаси вакиллари);
- 3) ўрганувчилар (потенциал турист ҳамда мутахассислик олийгоҳида таҳсил олувчи талаба);
- 4) медиатор (таржимон, журналист, ёзувчилар).

Ижтимоий лингвистика нуқтаи назаридан, илмий ёки техник терминлар маълум гуруҳ: олим ёки мутахассислар гуруҳига тегишли сўзлар деб ҳисобланади¹⁴³. Туризм иқтисодиёт, товар, хизматлар ишлаб чиқаришнинг бир соҳаси экан, шубҳасиз, туристик терминосистема иккинчи гуруҳга киритилиши лозим. Ихтиёрий соҳа терминосистемасини ишлаб чиқишда жараённинг бошидан охирига қадар шу соҳа мутахассиси билан ҳамжиҳатликда фаолият юритиш лексикограф учун жуда муҳим. Бунга асосли сабаблар мавжуд. Умумий қўлланиш доирасидаги сўзлар луғатини ишлаб чиқишда лексикограф ўзи бемалол сўзнинг тўғри ва муфассал изоҳини келтириши, муаллифлик мисолларини ишлаб чиқиши мумкин. Махсус терминлар изоҳини келтириш, уларнинг қўлланилиш вазиятидан хабардор бўлиш луғатшуноздан нафақат лингвистик билим, балки хусусий соҳа тушунчасига эга бўлишни ҳам талаб этади. Иккинчи сабаб шуки, янги асрда корпус лингвистикасининг шиддат билан тараққий эта бошлагани умумий қўлланилиш доирасидаги луғатларда мисоллар келтириш, сўзларни уларнинг

¹⁴¹ Rossenbeck K. 'Die zweisprachige Fachlexikographie in der neueren und neuesten Wörterbuchforschung, 2005. Lexicographica 21:189.

¹⁴² Balteiro I. New approaches to specialized English lexicology and lexicography. Cambridge scholars.

¹⁴³ Martin Robert. 'Le traitement lexicographique des mots scientifiques et techniques', in Olivier Bertrand, Hiltrud Gerner, and Béatrice Stumpf (eds) Lexiques scientifiques et techniques. Constitution et approche historique. Paris: Les Editions de l'Ecole polytechnique, 2007. – P. 29.

хақиқий ҳаётий контекстларида гавдалантириш имконини берди. Зеро, лексикограф энди тайёр тил корпусидан фойдаланиб, маълум луғавий бирликнинг энг кўп одатий қўлланилиш контекстларини умумийлаштириб, чиндан коммуникатив функцияни бажарадиган луғатлар яратиши мумкин. Аммо терминография учун ҳали бундай имконият мавжуд эмас, чунки амалдаги тил корпуслари махсус қўлланилиш доирасидаги сўзлар билан ишлашга мослаштирилмаган¹⁴⁴. Ҳозирги пайтда пешқадам тилшунослар илмий, техник терминлар учун махсус тил корпуслари яратиш устида иш олиб бормоқда¹⁴⁵.

Корпуслар асосида яратиш маъқул кўриладиган махсус луғатлар кўйидаги одатий макроструктура элементларига эга бўлади:

- 1) мундарижа;
- 2) муқаддима;
- 3) ҳамкорликда ишлаб, луғат яратилишида ҳисса қўшган ташкилот ва шахслар;
- 4) қамраб олинган соҳа номлари;
- 5) фойдаланиш йўриқномаси;
- 6) луғат қисми;
- 7) иловалар.

Махсус луғат яратишда ҳамкорлик қилган мутахассис ва ташкилотлар луғат макроструктурасида акс эттирилиши лозим. Умумий луғатлар учун биргина мутахассисга мурожаат етарли ҳисобланса, такомиллашган терминологик луғатлар яратилиши ўнлаб мутахассислардан ёрдам олишни тақозо этади¹⁴⁶. Шу билан бирга луғатдан фойдаланиш йўриқномаси ҳам умумий луғатларда кириш қисмининг қисқа бир бўлагини ташкил этса, махсус луғатларда алоҳида келтирилиб, барча зарурий маълумотлар (нишондаги фойдаланувчи, луғатда қамраб олинган соҳа ёки соҳаости

¹⁴⁴ Béjoint Henri. Scientific and Technical Words in General Dictionariesl International Journal of Lexicography, 1998, 1/4: 366.

¹⁴⁵ Bowker L., Jennifer P. Working with Specialized Language. A practical guide to using corpora. London: Routledge, 2002. ch.s 3 and 4.

¹⁴⁶ Philip Durkin. The Oxford handbook of lexicography. Oxford University Press. 2016. – 400 p.

йўналиши, киритилган терминлар билан боғлиқ қай кўламдаги қандай маълумот топиш мумкинлиги, терминлар қандай тартибда жойлаштирилганлиги¹⁴⁷)нинг муфассал изоҳи шаклида ёритилиши лозим. Айниқса, махсус луғат бир неча гуруҳ истеъмолчини кўзлаб яратилаётган бўлса, бу маълумот улкан аҳамият касб этади.

Бир тилли ва икки тилли махсус луғатлар макроструктураси деярли бир хил маълумот тақдимотидан иборат бўлиши мумкин, аммо уларнинг микроструктураси турли тамойилларга бўйсунди.

Икки тилли махсус луғатлар бир йўналишли ёки икки йўналишли характерда бўлади. Бир йўналишли луғатларда келтирилган терминлар рўйхатининг фақат бир томонлама трансформация (ё инглизчадан ўзбекчага, ё ўзбекчадан инглизчага) натижасидаги таржима эквивалентлари келтирилади. Аксарият замонавий терминологик луғатлар бир йўналишли¹⁴⁸. Икки тилли махсус луғатларнинг вазифа кўлами кенгроқ: икки томонлама трансформация туфайли улар ёрдамида ҳам хорижий махсус контекстдаги ахборотни тушуниш, ҳам янги ахборотни тақдим этиш имкони бор; улар ҳам рецептив, ҳам продуктив тил малакалари амалиёти учун яратилган. Бу уларнинг ҳажм жиҳатидан катта, амалда фойдаланишга нисбатан ноқулай бўлишига сабаб бўлиши мумкин. Баъзи олимлар шу жиҳатлари туфайли уларни маъқуллашмайди¹⁴⁹.

Икки тилли луғатнинг асосий принципи – имкон қадар аниқ муқобилликка эришиш. Бунда манба тилдаги бирликка семантик муқобил бўлган сўз ёки ифода келтирилади. Аслида, мутлақ муқобилликка эришиш мушкул, деярли имконсиз¹⁵⁰. Аммо илмий-техник сўзлар борасида эквивалентликнинг эҳтимоли юқори. Анисоморфизм (тиллараро тафовут)

¹⁴⁷ Philip Durkin. The Oxford handbook of lexicography. Oxford University Press. 2016. – 399 p.

¹⁴⁸ Bergenholtz Henning, Tarp Sven (eds.) Manual of Specialized Lexicography. The Preparation of Specialised Dictionaries. John Benjamins Publishing, Amsterdam & Philadelphia, 1995. – 254 pp. – P.52.

¹⁴⁹ Yong, Heming and Jing Peng (2007). Bilingual Lexicography from a Communicative Perspective. John Benjamins Publishing, Amsterdam, 2007. – 299 pp. – P. 76.

¹⁵⁰ Ахо А., Ульманн Дж. Теория синтаксического анализа, перевода и компиляции. В двух томах. пер. с англ. – М.: Мир, 1978. – 306 с.; Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное. – М.: Валент, 2006. – 343 с.

эквивалентликка эришишга тўсиқлик қилади. Аммо шундай ҳолатлар бўладики, бир тилда мавжуд терминосистема иккинчисида бўлмайди. Бу масала устида тадқиқот олиб борган Вернер мисол тариқасида гринланд тилида испан тилидаги кофе соҳаси билан боғлиқ терминосистемага эквивалент терминосистеманинг мавжуд эмаслигини айтади¹⁵¹. Бу табиий ҳодиса. Ўзбек тилида ҳам махсус қаҳва ёки қаҳвачилик терминосистемаси йўқ. Бунга сабаб бизда кофе етиштириш саноатининг мавжуд эмаслигида. Аммо тадқиқотимиз объекти бўлган туризм терминологиясида бу муаммо йўқ. Зеро, саноатнинг бу тури халқаро оммавийлик қозонган: ўз сайёҳлик терминосистемасига эга бўлмаган тиллар сони кам. Эквивалентлик масаласини мураккаблаштирган яна бир жиҳат маълум соҳанинг ҳар иккала тилда мавжудлиги шароитида ҳам миллий-маданий тафовутлар туфайли шу соҳа терминосистемасининг ўзаро ўхшаш ёки яқин тарзда тизимлашмаганлигида. Бунда тушунчалар мазмунида ўзаро мутаносиблик топиш қийин кечади. Мисол тариқасида юриспруденция соҳаси терминларини келтиришимиз мумкин. Махсус сўзлар анисоморфизми кўп ҳолларда кам учрайдиган техник терминлар ёки янги яратилган терминлар билан боғланади¹⁵². Бу ҳали янги термин билан бирга кириб келган тушунчанинг ёки маълум тушунчани номлайдиган терминнинг таржима тилида йўқлиги билан изоҳланадиган ҳолат. Икки тилли луғатлар сўзнинг мазмунидан кўра кўпроқ амалий қўлланилишига тўхталади. Табиийки, бу катта ҳажмни талаб қилади. Шу сабабдан бекорга бир тилли луғат таржима луғатидан кўпроқ терминни қамраб олади, деб таъкидланмайди. Амалий таржима луғатлари учун терминнинг функционал қиймати муҳим: фойдаланувчи луғат ёрдамида маълум сўзни тўғри контекстда қўллаб, коммуникатив нуқтаи назардан тушунарли ифодалаш лозим.

¹⁵¹ Werner, Reinhold. 'Das Problem der Äquivalenz im zwei- und im mehrsprachigen Fachwörterbuch; In Lothar Hoffmann, Hartwig Kalverkamper & Herbert Ernst Wiegand (eds), Fachsprachen: Ein internationales Handbuch zur Fachsprachenforschung und Terminologiewissenschaft 2 (1998-99). – Vol. II: P.1868.

¹⁵² Yong, Heming and Jing Peng (2007). Bilingual Lexicography from a Communicative Perspective. John Benjamins Publishing, Amsterdam, 2007. – 299 pp. – P. 139.

Луғат микроструктурасида ҳар янги таништирилаётган таянч сўз лемма номи билан тилга олинади. Луғатда отни бирлик сонда, феълни инфинитив (ҳаракат номи) шаклида, сифатни даражаланмаган шаклда леммалаш лексикографик анъанага айланган. Лемма систематик классификацияга кўра ёки алифбо тартибида ҳавола қилиниши мумкин. Леммаларнинг алифбо тартибидаги жойлашуви жаҳон лексикографик тажрибасига кўра ҳар жиҳатдан қулай бўлиб, у луғат фойдаланувчиси учун исталган сўзни қисқа муддатда топишда енгиллик яратади.

Лемма тўғрисидаги грамматик маълумот – ҳар бир луғат микроструктурасининг ажралмас қисми. Стандарт луғатшунослик тажрибасига кўра, грамматик маълумот ҳар бир келтирилган лемма билан биргаликда тақдим этилиши лозим, аммо бу ҳолат луғат турига қараб фарқланади. Юқоридаги қоида бир тилли луғатга нисбатан амал қилади. Икки тилли луғатда эса грамматик маълумотнинг эквивалент билан келтирилиши маъқул. Зеро, фойдаланувчи эквивалентларни амалда тўғри қўллай билиши бу турдаги луғатларнинг мақсадини ташкил этади. Грамматик маълумот луғат бирликларининг туркуми, морфологияси ҳамда синтактик хусусиятлари ҳақида зарурий изоҳни келтиради. Дастлаб, сўзнинг туркуми ифодаланиши ўринли. Бу омонимларни фарқлаш билан боғлиқ масалада қўл келади. Сўзнинг аффиксацияси билан боғлиқ маълумот (масалан, феълнинг турли замон шакллариининг (бу, айниқса, нотўғри феълларга тааллуқли), отларнинг ноодатий кўплик шакли) кейин келтирилиши, унинг бошқа сўзлар билан синтактик муносабати энг охирида кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Фойдаланувчи онгида маълум лемманинг амалий қўлланилиши борасида аниқроқ тушунча ҳосил қилиш мақсадида луғатда сўзнинг антоними, синонимига ҳам махсус белги воситасида йўналтирилиши кенг тарқалган ҳолат. Сўзнинг (хоҳ у лемманинг ўзи бўлсин, хоҳ эквиваленти) талаффуз хусусиятлари ҳам тақдим этилиши муҳим, чунки у баъзан омонимларни ўзаро фарқлашнинг усули бўлиб хизмат қилади.

Эквивалентларнинг жойлашув ўрни ҳам луғат яратилишидан олдин аниқлаштириб олиниши лозим. Бир маъноли леммаларнинг (аксар терминлар бир маъноли бўлишини назарда тутадиган бўлсак) эквиваленти алифбо тартибида ёки амалда қўлланилиш частотасига кўра келтирилиши мумкин. Яна кенг қўлланадиган тажрибалардан бири асосий эквивалентнинг алоҳида кўрсатилиб, қолган эквивалентларнинг синонимлар рўйхати тарзида тақдим этилиши ҳисобланади. Эквивалентлар билан бирга уларнинг услубий фарқлари ҳақидаги маълумот ҳам луғат фойдаланувчисининг маълум сўзни қўллашдаги ишончини оширишга хизмат қилади. Хулоса қилиш мумкинки, икки йўналишли таржима луғатлари икки маданият вакиллари учун мўлжалланганликни англамайди. Туризм терминларининг актив ва пассив таржима луғатларидаги лексикографик талқини ўзаро фарқ қилади: пассив луғатларда хорижий сўзнинг она тилидаги изоҳи келтирилса, актив луғатлардан она тилидаги сўз орқали унинг хорижий эквивалентлари топилади.

3.2. Инглиз сайёҳлик терминларининг лексикографик талқини

Луғат микроструктурасига ўтишдан олдин инглиз алифбосини келтиришимиз зарур. Бу луғат фойдаланувчиси керакли луғавий бирликни чалкашликсиз, ортиқча вақт йўқотишсиз топишида жуда аҳамиятли.

ИНГЛИЗ АЛИФБОСИ

Aa	Jj	Ss
Bb	Kk	Tt
Cc	Ll	Uu
Dd	Mm	Vv
Ee	Nn	Ww
Ff	Oo	Xx
Gg	Pp	Yy
Hh	Qq	Zz
Ii	Rr	

Луғатдаги ҳар бир янги таянч сўз (лемма – Морфология ва лексикографияда лемма (кўплик леммалар ёки леммата) – бу каноник шакл,

луғат шакли ёки сўзлар тўпламининг (бош сўз) келтириш шакли¹⁵³)ни ярим-калин шрифтда келтирамиз. Керакли ўринларда (таянч сўз иштирокидаги бирикма ёки ибора таркибида) таянч сўзнинг ўрнида «~» (*тильда*) шартли белгисини қўллаймиз. «≈» (тўлқинсимон тенглик белгиси) эквивалентни таништиришда қўлланади. Агар сўз полисемантик характерда бўлса, унинг ҳар бир маъноси араб рақамлари воситасида кўрсатилади, ёнида мувофиқ келувчи эквиваленти тақдим этилади. Агар луғавий бирлик (ёки унинг маъноларидан бири) таржима тилида бир неча эквивалентига эга бўлса, ўзаро контекстуал мувофиқ келувчи эквивалентлар вергул «,» воситасида белгиланиб, услубий-контекстуал жиҳатдан фарқ қилувчи узоқроқ синоним-эквивалентлар нуқтали вергул «;» белгиси билан ажратилади. Омонимлик хусусиятига эга терминларнинг ҳар бир маъноси рим рақамларида ифодаланади. «◇» белгиси таянч сўзнинг асосий маънолари билан боғлиқ бўлмаган ифода ва ибораларда қўлланади.

Инглиз тилидаги сўзлар талқинида махсус инглизча шартли белгиларни олдиндан луғат фойдаланувчисига таништириш ҳам муҳим:

adj adjective – сўзнинг туркуми *сифат* эканлигини ифодалайди;

adv adverb – сўзнинг туркуми *равиш* эканлигини ифодалайди;

attr. attributive – сўз *аниқловчи* сифатида қўлланишини англатади;

conj conjunction – *боғловчига* ишора қилувчи белги;

etc. – «ва ҳоказо» мазмунини ифодаловчи белги;

imp. imperative – феълнинг *императив* (буйруқ майли) шаклини ифодаловчи белги;

inf. infinitive – феълнинг *ҳаракат номи* шаклини ифодалайди;

int interjection – сўзнинг *ундалма* вазифасида қўлланилишига ишора қилади;

n noun – сўзнинг туркуми *от* эканлигига ишора;

num numeral – сўзнинг туркуми *сон* эканлигини ифодалайди;

o.s. oneself – феълнинг ўзлик нисбатда қўлланилишини ифодалайди;

¹⁵³ [https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Lemma_\(morphology\)&oldid=959700972](https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Lemma_(morphology)&oldid=959700972)

p. p. past participle – ўтган замон сифатдошига ишора қилади;
pass. passive – феълнинг мажхул нисбатда қўлланилишини ифодалайди;
past past tense – феълнинг ўтган замон шаклига ишора қилади;
pl plural – отнинг кўплик сон шаклига ишора қилади;
pref prefix – префикс (олд қўшимча)ни ифодалайди;
pres. p. present participle – ҳозирги замон сифатдошига ишора қилади;
pron pronoun – сўзнинг олмош туркумига мансублигини билдиради;
prep preposition – предлогларни ифодалайди;
refl. reflexive – сўзнинг ўзлик олмоши билан қўлланилишини ифодалайди;
syn. synonym – сўзнинг синонимларини ифодалайди;
smb. somebody – «ким (-ни, -га ва ҳоказо)дир» гумон олмошини ифодалайди;
smth. something – «нима (-ни, -га ва ҳ.)дир» гумон олмошини ифодалайди;
s.o. someone – «ким (-ни, -га ва ҳоказо)дир» гумон олмошини ифодалайди;
v verb – сўзнинг туркуми феъл эканлигини ифодалайди;
vi verb intransitive – ўтимсиз феълларни ифодалайди;
vt verb transitive – ўтимли феълларни ифодалайди.

Луғатда лемма билан унинг транскрипцияси (талаффузи ифодаси) тақдим этилади. Фойдаланувчи луғавий бирликдан коммуникатив мақсадда фойдаланмоқчи бўлса, унинг талаффузи тўғрисидаги маълумот у учун ўта аҳамиятли. Лойиҳалаштирилган луғат бир неча нишондаги истеъмолчилар гуруҳини назарда тутиб тузилаётган бўлса, унинг параметрлари ўртача фойдаланувчи учун мос бўлиши лозим. Луғавий бирликнинг транскрипцияси юқори салоҳиятли мутахассис учун қиймати кам маълумот саналиши мумкин бўлса-да, номутахассис истеъмолчи қатлами учун сўзнинг тўғри талаффузи тўғрисида тасаввурга эга бўлиш – луғатдан фойдаланишдаги асосий омиллардан бири. Шу сабабдан транскрипция ифодавий бирликни ҳам луғат аввалида келтириш талаб этилади. Бу йўриқномалар хорижий тилдан хабари бўлган юқори салоҳиятли фойдаланувчилар учун тез-тез варақлаб ўтиладиган саҳифалар, ўрганувчи-фойдаланувчи учун эса таянч маълумот вазифасини бажаради.

1. Транскрипцияда унлилар ифодаси:

ɑ: – узун ва чуқур *a* товуши;

з: – чўзиқ ва талаффузда *ў* га яқин товуш;

е – э товуши;

ɪ: – узун *и* товуши;

ɪ – қисқа ва очиқ *и* товуши;

æ – э га нисбатан очиқроқ, кенгрок талаффуз қилинадиган товуш;

ə – урғусиз бўғиндаги унлиларни ифодалайдиган э га яқин товуш;

o: – чўзиқ *o* товуши;

u: – чўзиқ *у* товуши;

ʊ – қисқа *у* товуши;

ʌ – қисқа *a* товуши;

ɒ – қисқа, очиқ *o* товуши.

2. Транскрипцияда дифтонглар ифодаси:

eɪ – «эй» тарзида талаффуз қилинади;

eʊ – «эу» тарзида талаффуз қилинади;

aɪ – «ай» тарзида талаффуз қилинади;

aʊ – «ау» тарзида талаффуз қилинади;

oɪ – «ой» тарзида талаффуз қилинади;

ɪə – «иа» тарзида талаффуз қилинади;

eə – «эа» тарзида талаффуз қилинади;

ʊə – «уа» тарзида талаффуз қилинади.

3. Транскрипцияда ундошлар ифодаси:

p – *p* тарзида талаффуз қилинади;

b – *b* тарзида талаффуз қилинади;

m – *m* товуши талаффузини беради;

w – лаблашган *v* тарзида талаффуз қилинади;

f – *φ* тарзида талаффуз қилинади;

v – *v* тарзида талаффуз қилинади;

θ – соқов тарздаги *c* товушини беради;
 ð – соқов тарздаги *z* товушини ифодалайди;
 s – *c* товуши тарзида талаффуз қилинади;
 z – *z* товуши тарзида талаффуз қилинади;
 t – тиш сатҳида эмас, тиш милки сатҳида талаффуз қилинадиган *t* товуши;
 d – тиш сатҳида эмас, тиш милки сатҳида талаффуз қилинадиган *ð* товуши;
 n – тиш сатҳида эмас, тиш милки сатҳида талаффуз қилинадиган *n* товуши;
 l – тиш сатҳида эмас, тиш милки сатҳида талаффуз қилинадиган *l* товуши;
 r – бироз фарқли *p* товушини ифодалайди;
 ʃ – юмшоқ *ш* товушини ифодалайди;
 ʒ – *жигули* сўзидаги юмшоқ *ж* товушини ифодалайди;
 tʃ – *ч* товушини ифодалайди;
 dʒ – *Джультта* сўзидаги *дж* товушини ифодалайди;
 k – *к* тарзида талаффуз қилинади;
 g – *г* тарзида талаффуз қилинади;
 ŋ – ўзбек тилидаги *нг* ҳарф бирикмаси товушини ифодалайди;
 h – бўғиз товушини ифодалайди;
 j – *й* товуши тарзида талаффуз қилинади.

Луғат микроструктураси элементларининг қай йўсинда тақдим этилиши луғат табиатини белгилайди. Бунинг учун лексикограф ўзини потенциал луғат фойдаланувчисининг ўрнига қўйиб, қўллашдаги жамики нозикликларни ҳис қилиши, шунга кўра иш юритиши талаб этилади. Масалан, транскрипция элементининг келтирилиши фаол (актив) ва нофаол луғат турига кўра тафовутланади. Пассив луғатда фойдаланувчининг бош мақсади – оғзаки ёки ёзма матнни тушуниш. Табиийки, бунда луғавий бирликнинг мазмун(лар)и биринчи даражали. Фойдаланувчи мазкур сўзни луғатдан топиб, мавжуд маънолари қаторидан нишондаги контекст шароитига мос келувчи бирини танлаб, матнда келтирилган ахборотни талқин этади. Бу жараёнда сўзнинг талаффузи, грамматик маълумотлари кам аҳамият касб этади. Зеро, унинг туркуми, синтактик хусусиятлари

тўғрисидаги маълумотни у муносабатга киришган контекстдаги бошқа сўзлар воситасида билиб олиш мумкин. Талаффузига келадиган бўлсак, тил ўрганувчиларнинг катта қисми матн билан ишлаш давомида янги сўз ўрганиш, хусусан, уларнинг талаффузини машқ қилиш, алоҳида дафтарга қайд этиб бориш каби амалларни амалга оширишади. Шу сабабдан пассив луғатда ҳам бу маълумот лемма билан бирга тақдим этилади. Бу ўринда таъкидлаш керак бўлган муҳим маълумот шундан иборатки, бу каби луғатларни ташкил этувчи леммалар тили фойдаланувчи учун хорижий тил саналади ва таржима унинг она тилида берилади.

Актив луғатларда жараён бутунлай тескари йўналишда содир бўлади. Фойдаланувчи мавжуд билим ва кўникмаларини ишга солган ҳолда оғзаки/ёзма матн яратиш, бу орқали тингловчига бирор ахборотни етказишни мақсад қилади. Бу жараёнда луғат фойдаланувчиси ўз тилидаги маълум сўз мазмунининг нишондаги хорижий тилда қандай воситалар (ўзаро эквивалент сўз ёки ифода/ибора) ёрдамида ифодаланишига қизиқади. Шундай экан, бу ҳолатда микроструктура маълумотлари эквивалентлар билан боғлиқ равишда тақдим этилади. Фойдаланувчининг она тилида луғатга киритилган лемманинг фақатгина туркуми кўрсатилиши мумкин. Зеро, бу унга омонимлар масаласида чалкашмаслигига кўмаклашиб, нишондаги сўзнинг (вазифа жиҳатидан) тўғри эквивалентини танлашига ёрдам беради. Ушбу назарий фикрларимизни қуйида амалий мисоллар воситасида ёритамиз.

activities host(ess) n, masc.(fem.) /æk'tiv.ə.tiz həʊst/ американча термин; меҳмонхонада, курортда, круиз кемаси борти ёки бошқа жойларда ўйин-кулги ташкилотчиси; сўнгги ҳолатда круиз режиссори ҳам дейилади; ≈ *events director, events manager, director of events*;

admissions n, pl. /əd'mɪʃ.ənz, æd-/ 1. Сайёҳлик маскани ёки объектига берилган вақт даври ичида ташриф буюрган одамлар сони; 2. туристик диққатга сазовор жой ёки объектга берилган вақт даври ичида кириш тўловлари миқдори;

afternoon tea n /,ɑ:f.tə'nu:n ti:/ кеч тушда истеъмол қилинадиган, одатда, сэндвич, кекс ёки бошқа пишириқлар ҳамда чойдан иборат бўлган енгил емиш (русийзабон варианты *полдник*) ≈ *high tea; cream tea*;

coach n, (C) /kəʊtʃ/ 1. Темирйўл транспорти; 2. Буюк Британияда қисқа жадваллаштирилган автобус маршрутидан фарқ қилувчи узоқ масофали хизмат ёки саёхатларни амалга оширувчи йўл пассажир транспорти; 3. Шимолий Америкада ҳаво транспортининг эконоом класс секцияси;

cultural relativism n. ph. (U) /'kʌl.tʃər.əl 'rel.ə.ti.vi.zəm/ 1. Эътиқод ва урф одатлар маълум жамиятга алоқадор эканлиги ва бошқа жамиятлараро чоғиштирилмаслигини назарда тутувчи жамиятшунослик термини; 2. Бир жамият қадриятларини бошқа жамиятга баҳо беришда қўлламаган ҳолда жамият ёки маданиятларни холисона таҳлил қилиш методи; ≠ *ethnocentrism/ethnocentricity*.

determinants of tourism n. ph. /di'tɜ:.mi.nənts əv 'tʊə.rɪ.zəm/ туризмда иштирок этиш суръати ва тенденцияларини белгиловчи омиллар. Хусусий сайёҳликка бўлган талабни белгиловчи омилларга аҳолининг яшаш даражаси каби иқтисодий-ижтимоий таъсирлар киради; таклифни белгиловчи омиллар туристик диққатга сазовор жойларнинг мавжудлиги, сифати ва нархлари; хизматлар, уларнинг тарғибот даражасини ўз ичига олади. Хорижий таътилларнинг кўлами кўшимча тарзда аҳоли яшаш мамлакатининг катта-кичиклиги, географик жойлашуви, ички ва ташқи сайёҳлик нархларига ҳам боғлиқ бўлади; ≈ *motivations*.

diversification n, (U) /daɪ,vɜ:.sɪ.fi'keɪ.ʃən/ мавжуд бозорларга янги маҳсулот олиб кириш ёки мавжуд маҳсулотларни янги бозорларга олиб кириш, жуда кам ҳолларда эса янги бозорларга янги маҳсулотнинг олиб кирилиши билан белгиланадиган маркетинг жараёни. Чекланган бозор ёки маҳсулот кўламига суяниб қолишни камайтириб, савдони оширишга қаратилади. Бундан келиб чиққан ҳолда ҳаво йўллари меҳмонхона имкониятлари ёки шунга ўхшаш бу соҳага боғлиқ бўлмаган хизмат, маҳсулот турларини татбиқ этиши,

меҳмонхона тизими эса ўзини географик жиҳатдан диверсификация қилиши ёки илгари фаолият юритмаган мамлакатларида иш бошлаши мумкин.

farm tourism n. ph., (U) /fɑ:m 'tʊə.rɪ.zəm/ турли шаклдаги фаолиятга асосланган қишлоқ хўжалик фермасида ҳордиқ чиқаришни назарда тутган сайёҳлик тури; бунда сайёҳлар турар жой, турли бошқа хизматлар билан таъминланади. Иккита кенг тарқалган кўринишлари ёки ферма ичида хизмат кўрсатиладиган турар жойда истиқомат қилиш, фермага ёндош ҳудудда махсус ўз-ўзига хизмат кўрсатиш қарвонлари, котежд ҳамда чодирларда тўхташни тақозо этади. Туризмнинг бу турига, одатда, қишлоқ туризми сифатида қаралади; ≈ *agritourism, agricultural tourism, agrotourism, farm stay tourism, vacation farm tourism*.

Юқоридаги леммалар тўғрисидаги микроструктура маълумотидан кўриниб туриптики, пассив луғатларнинг функционал қийматини оширадиган асосий нарса луғавий бирликлар тўғрисидаги тушунарли ва содда изоҳдир. Аммо қанчалик муфассал изоҳ билан тақдим этилмасин, юқоридаги сўзлар кўмагида муваффақиятли коммуникатив операцияни олиб бориб бўлмайди. Қўл остидаги матннинг мазмунини етарлича талқин қилса бўлади. Изоҳларнинг сезиларли қисмини энциклопедик маълумот ташкил этади.

Луғатлар азал-азалдан нафақат маълум сўзнинг таржимаси ё кўлланилиши билан боғлиқ маълумотни тақдим этиш учун, балки инсонларнинг маданиятлараро дунёвий билимини ошириш учун хизмат қилиши назарда тутилган¹⁵⁴. Туризм терминларининг ташкил топиши, алоҳида соҳа терминосистемаси сифатида шаклланишида турли миллатлар маданиятининг ҳиссаси борлиги маълум экан, бу маданиятлар, улар билан боғлиқ равишдаги терминлар этимологияси тўғрисидаги қомусий маълумот махсус луғатларнинг ажралмас қисми бўлиб қолади. Бу ҳам матн мазмунини,

¹⁵⁴ Tarp, Sven and Bothma, Theo J.D.. «An Alternative Approach to Enlightenment Age Lexicography: The Universal Dictionary of Trade and Commerce» *Lexicographica*, vol. 29, no. 2013, – pp. 222-284. // <https://doi.org/10.1515/lexi-2013-0013>

ундаги кайфиятни ва «матн маданияти» тушунчасини тўлиқ англашга хизмат қилади.

Бугунги кунда жаҳон лексикографиясида луғатни ташкил этувчи сўзларнинг нафақат ифодаляйдиган мазмунини, балки маданий хусусиятларини ҳам кўрсатиб ўтиш луғатшуносликда анъанага айланган. Замонавий тилшуносликда бу феномен лингвокультурологик хусусиятлар номи остида тилга олинади¹⁵⁵. Луғатдаги лемма лингвокультурологик табиатини акс этириш учун даставвал ҳар бир сўз ва тушунчанинг замиридаги маънони тушуниб этиш керак бўлади.

Пассив таржима луғатларида леммага синонимик ёки антонимик муносабатда бўлган бошқа леммага ҳавола қилиш ҳам луғат фойдаланувчиси учун нишондаги лемма мазмуни борасида тўлиқ тасаввур ҳосил қилишга олиб келади. Синоним леммаларнинг келтирилиши яна бир жиҳатдан аҳамиятли: матнда бир тушунчани бир неча хил маънодоши воситасида тақдим этиш кенг тарқалган. Бу услубий ноқулайликка сабаб бўладиган лексик такрорнинг олдини олиш учун амалга оширилади. Синонимларнинг келтирилиши луғат фойдаланувчисининг ишини анча енгиллаштиради. Зеро, матн таржимаси билан иш кўраётган потенциал истеъмолчининг луғатнинг бошқа саҳифаларига ҳам назар солишига ҳожат қолмайди.

Леммага алоқадор грамматик маълумотга келадиган бўлсак, у жуда ҳам минимал даражада сақланган. Сўзнинг туркуми, роди, сонига оид қисқача изоҳлар сўзнинг айнан керакли, тўғри формасини луғатдан излашга кўмаклашади. Бу, айниқса, омонимлар ҳолатида жуда қўл келади. Сўзнинг бошқа лексик бирликлар билан мураккаб синтактик муносабатлари эса қўл остидаги матндан англашилиб туради. Шу сабабдан пассив луғатда бу каби маълумотга эҳтиёж йўқ.

Актив таржима луғатларининг моҳияти бутунлай бошқа. Бунда тил ўрганувчиси (ёки фойдаланувчиси)дан кўпроқ меҳнат, синчковлик, фаол

¹⁵⁵ Shirinova R.X. Tarjima lug'atlarida madaniy axborotlar // Ilmiy axborotnoma filologiya, 2017-yil, 2-son. – B. 21.

жараёнга киришиш талаб этилади. Зеро, у пассив жараёндаги каби тайёр матнни талқин этибгина қолмай, мавжуд билими, кўникмаси, шунингдек, юқори функционал қийматли луғат кўмагида коммуникатив компетенциясини синайди: ўзи хорижий тилда ёзма ёки оғзаки матн вужудга келтиради. Бунда тилнинг барча сатҳлари маълумоти у учун аҳамиятли саналади: ахборот тақдимоти учун етарли савиядаги луғат кўламига эгалик билан бирга, луғавий бирликларнинг тўғри талаффузи, зарурий синтактик хусусиятлари, контекстуал-стилистик ўзига хосликларидан хабардорлик ҳам улкан аҳамият касб этади. Табиийки, юксак савияли, такомиллашган луғат фойдаланувчини ортиқча чалкаштирмаган, унга малол келтирмаган тарзда ушбу маълумотларни тақдим этиши мақсадга мувофиқ. Бунда «олтин оралиқ»ни топиш зарурий шарт. Ҳаддан ортиқ юкланган луғат ҳам, етарлича функционал бойитилмаган луғат ҳам бунда ўз қадрини йўқотади. Актив таржима луғатининг асосини эквивалентлар ташкил этади. Юқоридаги тақдим этилиши керак бўлган кенг кўламли маълумотлар ҳам айнан эквивалент билан алоқадор тарзда келтирилади. Аммо сўзнинг мазмуни маданият масаласи бўлиб, эквивалентларнинг мутлақ мувофиқлашуви кам ҳолларда содир бўлади¹⁵⁶.

Эквивалент терминлар тўғрисидаги фаол коммуникатив лаёқат жараёнида ўта зарурий бўлган маълумотларни қуйидагилар ташкил этади¹⁵⁷:

1. Муқобил сўзнинг мақбул талаффузи ахбороти (яъни транскрипцияси). Айни дамда, актив таржима луғатимизни ташкил этувчи леммалар ўзбек тилида экан (яъни хорижий тилда ахборот яратиш она тилимиздаги сўз орқали унинг инглиз тилидаги тенг кучли таржима муқобилини топишни тақозо этади), эквивалентлар вазифасини жуда кўп талаффуз вариацияларига эга бўлган инглиз сайёҳлик терминлари ташкил

¹⁵⁶ Evans, Lisa & Baskerville, Rachel. *The Darkening Glass: Issues for Translation of IFRS*. Edinburgh: The Institute of Chartered Accountants of Scotland. 2011. – 69 p. – P.57.

¹⁵⁷Nielsen, Sandro. *Bilingual Dictionaries for Communication in the Domain of Economics: Function-Based Translation Dictionaries*. Hermes (Denmark). (2015). // 54. 161-176. 10.7146/hjlc.v27i54.22953.P.170. https://www.researchgate.net/publication/287816249_Bilingual_Dictionaries_for_Communication_in_the_Domain_of_Economics_Function-Based_Translation_Dictionaries

этади. Кўплаб инглиз тилига мўлжалланган бир тилли ёки таржима луғатларига мурожаат этганда, уларнинг аксариятида инглизча талаффузнинг америкача ва британча вариантлари берилганининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

2. Грамматик хусусиятлари. Бошқа сўзлар билан бирикиш потенциали.

3. Сўз домени

4. Сўзнинг прагматик хусусиятлари.

Сўзнинг домени келтирилиши унинг маъноси ҳамда қўлланилиш контексти ҳақида аниқроқ таассурот ҳосил қилишга ёрдам беради. Чунки, одатда, махсус луғатлар умумий соҳага тегишли бошқа кичикроқ бўлимларга тегишли терминлар йиғиндисини тақдим этади. Туризм терминосистемаси мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, унга қуйидаги доменлар доирасида қўлланиладиган терминлар киради:

- 1) озиқ-овқат саноати;
- 2) транспорт саноати;
- 3) меҳмонхона саноати;
- 4) кўнгилочар машғулотлар ва ҳордик;
- 5) маданият ва санъат;
- 6) соғлиқни сақлаш.

Сайёҳлик терминлари луғати ҳам кўп соҳали луғатлар сирасига киради. Кўпинча, бундай луғатлар бир неча бирламчи аҳамиятга эга кичикроқ соҳа терминларини кенг кўламда акс эттириб, иккинчи даражали соҳаларга кам эътибор (ва жой) ажратади¹⁵⁸. Масалан, туризмда озиқ-овқат, транспорт, меҳмонхона саноати, кўнчилочар машғулотлар ва ҳордиқ биринчи даражали аҳамиятга эга бўлса, соғлиқни сақлаш, маданият ҳамда санъат оралик

¹⁵⁸ Nielsen, Sandro. (2015). Bilingual Dictionaries for Communication in the Domain of Economics: Function-Based Translation Dictionaries. Hermes (Denmark). 54. 161-176. 10.7146/hjlc.v27i54.22953.P.174. https://www.researchgate.net/publication/287816249_Bilingual_Dictionaries_for_Communication_in_the_Domain_of_Economics_Function-Based_Translation_Dictionaries

соҳалар ҳисобланади. Ушбу соҳаларга оид луғатларда қамраб олинажак терминлар кўлами ҳам шунга кўра белгиланади.

Қуйидаги леммалар мисолида актив таржима луғатларида инглиз сайёҳлик терминларининг микроструктурасини кўриб чиқамиз¹⁵⁹:

Ҳаво кемаси ≈ **airship** /eə'ʃɪp/ n [transport]:

The airship's skeleton remained sufficiently intact for engineers to use the design in British airships. (TIMES, SUNDAY TIMES (2016))

Syn. zeppelin, blimp, dirigible:

Zeppelins themselves were unwieldy weapons of war. (THE SUN (2014))

The old man had told him that the blimp had disappeared from Sydney airport. (DAVIS, JOHN GORDON SEIZE THE RECKLESS)

The dirigible came down at a cargo depot at the south end of town, and Shevek set off into the streets of the biggest city in the world. (URSULA K. LE GUIN THE DISPOSSESSED)

Пакет ≈ **all-inclusive** /'ɔːlɪn'klusɪv/ adj [about holidays]: The all-inclusive package holiday took all the stress out of the trip and the hotel was only 20 minutes from the airport. (The Sun (2016))

Syn. all-in-one [universal application]: ...the X85, an all-in-one printer that's also a scanner, fax and copier. These funds are an all-in-one approach to investing. They contain a blend of stocks and bonds.

Ажнабий ≈ **alien** /eɪliən/ n [fml, law]: Both women had hired illegal aliens for child care. When war broke out, he was interned as an enemy alien.

Syn. foreigner, incomer, immigrant, stranger: Employers or the government could then issue visas, allowing foreigners to live and work where their skills are needed. (Times, Sunday Times (2016)) I made a mental note to ask Eileen about Kintail's background: another incomer? Adair, Tom (Intro) THREE KINDS OF KISSI Four men who tried to smuggle illegal immigrants vans were jailed by Maidstone crown court. (Times, Sunday

¹⁵⁹ Леммаларга тил корпусидан мисоллар келтиришда Collins луғатига мурожаат этдик.
<https://www.collinsdictionary.com/dictionary/english/>

Times (2016)) There is a sense of each resident passing on the news that there are strangers in town. (Times, Sunday Times (2009))

Хўранда ≈ **gourmand** /gʊəˈmɒnd/ n [fml, disapproval]: The food here satisfies gourmands rather than gourmets.

Syn. gourmet: Gourmet food served in a classy restaurant. (The Sun (2008))

Штрихкод ≈ **bar code** /bɑːˈkəʊd/ n: Bar codes can be scanned by optical scanners known as bar code readers. In the case of market basket analysis, the brand names and quantities as typically represented by a bar code may not reveal anything interesting.

Бозор ≈ **bazaar** /bəzɑːr/ n: Kamal was a vendor in Egypt's open-air bazaar.

Syn. market, exchange, fair, marketplace: *He sold boots on a market stall. a stock exchange, a corn exchange. The marketplace was jammed with buyers and sellers.*

Чартер ≈ **charter** /tʃɑːtəʔ/ adj [+noun] [transport]: ...*the last charter plane carrying out foreign nationals. ...frequent charter flights to Spain.*

Тарифф (син. кира, тўлов, йўл ҳақи) ≈ **fare** /feəʔ/ n [transport]: *He could barely afford the railway fare. One way to ensure you secure a cheap fare is to book early.* (Times, Sunday Times (2016))

Syn. charge [universal application], **price** [universal application], **ticket price, transport cost:** *Customers who arrange overdrafts will face a monthly charge of £5. Computers haven't come down in price.*

Юқоридаги актив ва пассив луғат қисмларини бирлаштирсак, ўзбекзабон маданият вакиллари учун туризм соҳасида барча тил (фаол ҳамда нофаол) кўникмаларини амалга оширишда қўл келадиган луғат ҳосил бўлади. Кўплаб тижорат мақсадида ишлаб чиқарилган икки йўналишли (инглизча-ўзбекча, ўзбекча-инглизча) луғатларда ҳар иккала тил жамоаси вакиллари манфаатлари эътиборга олинганлиги бонг урилади. Аслида эса амалиёт ушбу луғатларнинг фақат бир томон учун функционал қиймати юқорирок

бўлишини исботлайди¹⁶⁰. Луғат леммаларининг икки йўналишда тақдим этилгани уларнинг икки миллат вакиллари учун мўлжалланганлигини англатмайди. Танқидий таҳлил назари билан қараган мутахассис, аслида, бу ҳолатнинг луғат фойдаланувчиси сўз топиш жараёнида бошдан кечирадиган когнитив жараёни ҳисобга олиб юзага келтирилганини тушунади: мавжуд (оғзаки ёки ёзма) ахборот талқинида хорижий тилдаги тушунчанинг она тилидаги изоҳи қидирилса, хорижий тилда (оғзаки ёки ёзма) ахборот яратиш учун она тилидаги тушунчанинг хорижий тилдаги эквивалентига эҳтиёж сезилади.

Хулоса сифатида таъкидлаш жоизки, инглизча сўзларда омонимия ходисасининг кўплиги туфайли луғат микроструктурасида леммаларнинг туркуми ҳақидаги маълумот зарур. Инглиз сайёҳлик терминларининг пассив луғатлардаги талқинида бирликнинг мавжуд синонимларини ҳам келтириш керак. Чунки, биринчидан, кўп миллатли таркибга эга инглиз сайёҳлик терминосистемасида сўзлар синонимияси мавжуд; иккинчидан, эса такрордан қочиш учун фойдаланувчи кўл остидаги матнда уларнинг бир нечаси келтирилиши мумкин. Бу матн талқинини осонлаштиради. Кўп тармоқли таркибга эга туризм терминосистемаси луғат леммаларининг домени тўғрисидаги маълумотни ҳам тақдим этишни тақозо этади.

3.3. Ўзбек сайёҳлик терминларининг лексикографик талқини

Ўлкамиз шарқона гўзаллиги, ўзига хос табиати, халқимизнинг бой турмуш-тарзи, маданияти, қадимий қадриятларимиз-у кўхна обидаларимизда акс этган шонли тарихимиз неча асрлардан буён юртимизга хорижий сайёҳларнинг қизиқиши, меҳри-муҳаббати, ташрифлари сонини ошириб келмоқда. Бунга жавобан ватанимиз ҳудуди туристик потенциални юксалтириш мақсадида юртимиз бўйлаб кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

¹⁶⁰ Bergenholtz Henning, Tarp Sven (eds.) Manual of Specialized Lexicography. The Preparation of Specialised Dictionaries. John Benjamins Publishing, Amsterdam & Philadelphia, 1995. – 254 p. – P.52.

2018 йилдан юртимизда электрон виза тизими ишга туширилди¹⁶¹. 2017 йилнинг 1 апрель санасидан бошлаб эса 15 та мамлакат, шу қаторда, Австралия, Австрия, Буюк Британия, Германия, Дания, Испания, Италия, Канада, Люксембург, Нидерландия, Корея Республикаси, Сингапур, Финляндия, Швейцария ҳамда Япония сингари мамлакатларнинг сайёҳлик ниятида ташриф буюрувчи, шу жумладан, 55 ёш етган ва 30 кунгача муддатда меҳмон бўлувчи 12 мамлакат, мисол учун Белгия, Индонезия, Хитой Халқ Республикаси, Малайзия, АҚШ, Франция, Вьетнам, Исроил, Польша, Венгрия, Португалия ҳамда Чехиядан йўналган сайёҳлар учун виза режими бутунлай бекор қилинди¹⁶². Президентнинг 2019 йил 5 январдаги фармонида мувофиқ 2019-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини ривожлантириш Концепцияси тасдиқланди¹⁶³. Ҳатто ҳозирги пандемия шароитида ҳам туризм бардавомлигини таъминлаш учун тегишли чора-тадбирлар кўрилмоқда. «Uzbekistan. Safe travel guaranteed» («Ўзбекистон. Кафолатланган хавфсиз саёҳат») бренди остида сайёҳлар учун санитария-эпидемиологик хавфсизлик тизими асослари яратилди¹⁶⁴.

Ўлкамизга ташриф буюрувчи сайёҳлар кўламини тасаввур қилиш учун қуйидаги рақамларни маълумот ўрнида келтирамиз. Статистикага кўра, 2017 йилда Ўзбекистонда қарийб 2 миллион 700 минг, 2018 йилда 5 миллион 300 мингдан зиёд турист меҳмон бўлган. Биргина 2019 йил мобайнида Ўзбекистонга 6 748 500 нафар сайёҳ ташриф буюрган. Уларни ёш категориясига кўра таҳлил қилинадиган бўлса, қуйидаги фоиз кўрсаткичлари юзага чиқади¹⁶⁵:

- 1) 31-55 ёшдаги кишилар 51,3 фоиз (2018 йилда 52,1 фоиз);
- 2) 55 ёш ва ундан катталар 20,2 фоиз (2018 йилда 19,4 фоиз);

¹⁶¹ <https://www.gazeta.uz/oz/2018/07/15/e-viza/>

¹⁶² «Yashil yo'lak»-turizmga yo'l ochiq. <https://www.standart.uz/ru/news/view?id=421>

¹⁶³ Шавкат Мирзиёев: 2019 йил туризм ривожидида туб бурилиш йили бўлади. 09.01.2019 18:51:31// <http://uza.uz/oz/politics/shavkat-mirziyeev-2019-yiasl-turizm-rivozhida-tub-burilasish-yil-09-01-2019>

¹⁶⁴ Туризм ва давлат активлари соҳаларидаги лойиҳалар тақдироти ўтказилди, 27.05.2020. <https://uza.uz/oz/politics/turizm-va-davlat-aktivlari-so-alaridagi-loyi-alar-ta-dimoti--27-05-2020>

¹⁶⁵ Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси 2019 йилда соҳани ривожлантиришга доир амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот берди, 10.01.2020. // <https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=964>

3) 19-30 ёшдагилар 19,5 фоиз (2018 йилда 20,4 фоиз);

4) 0-18 ёшлилар 9,1 фоиз (2018 йилда 8,1 фоиз).

2025 йилда юртимизни зиёрат қиладиган хорижий сайёҳлар сонини 7 миллионга, туризм экспортидан келадиган йиллик даромадни эса 2 миллиард долларга етказиш режалаштирилган.

Юқоридаги ташриф буюрганлар ичида инглиззабон мамлакатлар аҳолиси бўлмаган сайёҳлар кўпчилигини ташкил этса-да, кўрсаткичлар уларнинг катта қисми инглиз тили билимига эга шахслар эканлигини намоён этмоқда. Жаҳондаги турли доиралар операцияларининг асосий тили бўлган инглиз тили тарғиботи ҳамда уни (шунингдек, у билан боғлиқ маданиятни) чуқур эгаллашга бўлган интилиш, шубҳасиз, барча давлатларда авж олган. Бугун ҳар бир замондошимиз бу тилни ўрганишни мақсад қилади. Шундай экан, ташриф буюрувчиларнинг асосий қисми бу тил кўникмаларини ҳеч бир қийинчиликсиз амалга ошира олади. Аммо сайёҳларнинг ўзбек тилини билиш даражаси жуда паст. Шу сабабдан инглиз тили нима бўлганда ҳам сайёҳлар учун ўлкамиз ҳудудида туризм товар ва маҳсулотларини истеъмол қилиш, халқимизнинг бетакрор урф-одат ҳамда маданиятини ўрганишнинг асосий воситаси бўлиб майдонга чиқади. Бундай вазиятда хорижлик меҳмонлар учун инглиз тилининг мамлакатимиз шароитига мос ахборот – материал базасини яратиш, хусусан, савияси юқори таржима луғатларини вужудга келтириш улкан эҳтиёжга айланади.

Режадаги махсус луғатимиз икки йўналишли бўлиб, у инглиззабон маданият вакиллари учун мўлжалланади. Унда леммалар ўзбек ва инглиз тилларида киритилади. Бу илгари эслатиб ўтганимиздек, ўзбек тили амалиёти билан боғлиқ пассив ҳамда актив малакалар машқи билан алоқадор равишда амалга оширилади.

Режалаштирилаётган сайёҳлик луғатига айнан қандай терминлар талқинига кўпроқ ўрин ва эътибор ажратиш ҳам муҳокамага муносиб масала. Ҳар бил тил (унга алоқадор миллат) туристик терминосистемаси ихтиёрий/ ихтиёрсиз равишда ўша макон (шу тил сўзлашиладиган мамлакат) ижтимоий,

тарихий ва маданий тушунчаларини ўзида акс эттиради. Ҳолбуки, жаҳон туристик терминосистемаси ҳам асли кўплаб миллатлар маданияти ҳиссаси ўлароқ вужудга келган. «Миллий маданиятни ифодаловчи сўзлар шу кадриятлар асосида шаклланган бўлиб, улар тил луғат таркибининг энг асосий бойлиги ҳамда бошқа тиллардан ўзбек тилини фарқлаб турувчи бош манба саналади. ...таржимада баъзи хатоликлар, яъни ўзбек миллатининг ўзига хос жиҳатларини очиб берувчи сўзлар хорижий тилларга нотўғри ўгирилгани кузатилади. Бундай сўзларни чет тилида бериш учун илмий-назарий тамойил асосида замонавий талабларга мос келувчи махсус луғат яратиш заруратини келтириб чиқаради¹⁶⁶.»

Ўзбек сайёҳлик терминлари ўлкамиз худудида амалга оширилажак турли иқтисодий-ижтимоий ҳамда миллий-маданий тадбирлар жараёнида алоқа алмашинувининг асосий воситаси бўлиб хизмат қилар экан, ташриф буюражак меҳмонлар ҳам уларни она заминимиз сарҳадларида қўлларкан, шубҳасиз, яратилажак луғат ташкил этувчилари кўпроқ миллий-маданий терминлар бўлиши лозим. Лексикография бир жиҳатдан худуддаги иқтисодий тенденцияларга ҳам ҳамоҳанг бўлиши лозим. Ўлкамизда ишлаб чиқариладиган туризм маҳсулот, сервисларга қараб луғат компонентларини шакллантириш мумкин. Машҳур иқтисодчи ва блогер Азиза Умарова ўзбек туризмини жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари туризми андозалари асосида қуйидаги ўн йўналишдаги интерактив хизматлар кўринишида ривожлантириш мамлакатимиз иқтисодиёти ва аҳолимизга улкан фойда олиб келишини таъкидлайди¹⁶⁷:

1) ўзбек ошхонаси бўйича ресторан ташкил этиш ёки уйда маҳорат дарси ўтиш (унда палов, патир, манти тайёрлашни ўргатиш);

¹⁶⁶ Shirinova R.K. From The Experience Of Creating An Audiovisual Dictionary // Scientific Reports Of Bukhara State University: Available at: <https://uzjournals.edu.uz/buxdu/vol2/iss2/6>

¹⁶⁷ Taniqli ekspertdan turizm tadbirkorligi uchun 10 g'oya. Undan istalgan kishi foydalansa bo'ladi // <https://www.xabar.uz/uz/biznes/taniqli-ekspertdan-turizm-tadbirkorligi>

- 2) матоларга бўёқ бериш (матони табиий бўёқлар — анор пўсти, индиго ёрдамида бўйашга, нақш босишга ўргатиш);
- 3) маросимларга тақлид қилиш: келинсалом, ўзбек алласини куйлаш, катта гуруҳдаги туристлар учун ўзбек тўйи маросимини сахналаштиришни уюштириш;
- 4) Самарқанд, Хива ва Бухорода очиқ осмон остида мураббий ёрдамида йога машғулоти (масалан, Парижда Эйфель минораси остидаги йога юқори тарғиб қилинувчи машғулот ҳисобланади);
- 5) ёдгорликлар олдида ҳаваскор рассомларнинг молбертга расм ишлашлари;
- 6) мусиқа асбобларини чалиш бўйича мастер-класс (аввал ўзбек мусикаси бўйича кириш маърузасини ташкиллаштириш, сўнг эса, қадимий мусиқа асбоби чанг, анъанавий рубоб, доира чалиш бўйича таянч сабоқлар бериш);
- 7) ўзбек рақси бўйича маҳорат дарслари, рақсга хос либослар(лазги, бухороча, фарғонача рақс либослари)ни кийиб кўриш;
- 8) анъанавий ўзбек оиласида тушлик ёки кечки овқат ташкил этиш (анъанавий хонадонда беданалар куйи остида, ишком тагида, супа устида, лаганда тортилган миллий таомлар тановулини ташкиллаштириш);
- 9) агротуризм – мавсумга кўра мева ва сабзавотларни уйда йиғиб-териблиш, мазасини татиб кўриш, биргаликда мевали салатлар, компот ва шарбатлар тайёрлашга сайёҳларни жалб қилиш;
- 10) шаҳар бўйлаб пиёда саёҳат (Совет Ўзбекистони, Тошкент эвакуацияси, бозорнинг савдо расталари бўйлаб, қабристонлар зиёрати, яҳудийлар босиб ўтган йўл, япон асирлари, корейс, арман, татар ва бошқа халқлар тарихи бўйича тематик саёҳатлар.

Юқорида санаб ўтилган туризм йўналишларига ҳамоҳанг равишда луғат таркибини шакллантириш амалда функционал қиймати юқори бўлган луғатларни юзага келтиришда биринчи қадам бўлади. Сайёҳлар юқоридаги тематика терминларини нофаол кўникмалар амалиётида, яъни сайёҳлик блоглари, вебсайт маълумотлари, афишалар, брошюра ва буклетлар ахборотини талқин қилишда қўллаши ёки фаол жараён, яъни шу мавзуларда

ўзлари ахборот яратишга (дейлик, маҳаллий аҳоли билан мулоқотга киришишга, ўзларини қизиқтирган саволларни сўраш ёки фикр билдиришга) татбиқ қилишлари мумкин. Ушбу икки хил коммуникатив функцияга кўра ўзбек сайёҳлик терминларини ўз лексикографик принципларига эга икки хил луғат микроструктурасига жойлаштирамиз.

3.3.2. Пассив луғатда ўзбек сайёҳлик терминларининг талқини. Пассив таржима луғатларига луғат фойдаланувчилари маълум сўзнинг маъносини кўриш учун мурожаат қилишади. Кўп ҳолларда маъносини тахмин қилишлари ҳам мумкин. Чунки қўл остида ўша сўз иштирокидаги контекст (яъни матн) мавжуд бўлади. Матндан нафақат сўзнинг мазмуни, шунингдек, услубий-контекстуал бўёғи, морфологик хусусиятлари ҳамда синтактик муносабатга киришувчанлиги ҳам англашилиб туради. Шу сабабдан бу сингари маълумотнинг луғат микроструктурасида акс этишига эҳтиёж бўлмайди. Аммо ўрганилаётган сўз иштирокидаги гап намуналари пассив луғатда аҳамиятли. Айниқса, полисемантик характердаги сўз маъноларини фарқлашда уларнинг роли катта. Гарчи терминлар камдан-кам ҳолда кўп маъноли бўлса-да, уларга мисол келтириш мазмуннинг тўлиқроқ англашилишига ёрдам беради. Қуйида бир неча ўзбек сайёҳлиги терминларининг пассив таржима луғатларидаги талқинини келтирамиз. Бунда уларнинг маъноси кенгайган изоҳ шаклида тушунтирилади.

Ҳалол туризм noun phrase ^ tourism structure a subcategory of tourism which is geared towards Muslim families who abide by rules of Islam. The hotels in such destinations do not serve alcohol and have separate swimming pools and spa facilities for men and women; also provides flights where no alcohol or pork products are served, prayer timings are announced, and religious programs are broadcast as part of entertainment offered on board ¹⁶⁸:

«Мутахассисларнинг тушунтиришича, «ҳалол» ёрлиқли озиқ-овқат маҳсулотлари ва хизматлар кўрсатиши инфратузилмасининг мавжудлиги,

¹⁶⁸ Wikipedia contributors. (2020, June 20). Halal tourism. In Wikipedia, The Free Encyclopedia. Retrieved 05:48, July 29, 2020 // https://en.wikipedia.org/w/index.php?title=Halal_tourism&oldid=963579155

оилавий ҳордиқ чиқариш, таомланиш учун озода шохобчаларга эга бўлиши «ҳалол туризм»нинг бош шартидир. » («Халол туризм» рејтингида Ўзбекистон нечанчи ўринда? <http://xs.uz/uzkr/post/halol-turizm-rejtingida-ozbekiston-nechanchi-orinda>)

Лапар noun ^ music musical folklore genre; close to songs sung in a narrow range, without repetition, without instrumental accompaniment, which is not very complicated in terms of event and melody structure:

«Қизлар ижросидаги лапар, ўлан, келин саломлар байрамга ўзгача файз берди. » (Андижон коллежларида Наврўз сайишлари <https://kun.uz/77616819>)

«Лапар – бу ашула сўзлашувидир. » (<https://mfa.uz/uz/uzbekistan/282/>)

Бодом noun ^ 1. plant a type of nut that has been cultivated in Uzbekistan for a long time. Widespread in Central Asia, mountainous regions of China, Mongolia, the Mediterranean, Central America. The essence of the fruit has a unique nutritional value, is a source of vitamins and microelements:

«Халқ табобатида ширин бодом мағзининг қанд билан аралаштирилгани нафас қисииш, бош айланиш сингари касалликларни даволашда кенг қўлланилади. » (Бодомнинг шифобахи хусусиятлари. <http://dawo.uz/ethnoscience/233-bodom.html>)

2. бодомча national clothing a type of pattern looking like an almond which is used as an ornament on skullcaps, suzanes or Islamic men`s cloaks:

Фестивалдаги дўпчилар бодомча нусха каишталар билан безатилган.

Дўпидўзликда бир-бирини такрорламайдиган, атиргул, чиннигул, гулсафсар, лола, хўроз тожи, бодомча, қалампир, бодом гуллари, товус, хўроз, булбул тасвирлари ўз аксини топган. ([https://www.unesco-ichcap.org/kor/ek/sub2017_7/pdf_down/Uzbekistan%20ICH%20promotional%20book\(uzb\).pdf](https://www.unesco-ichcap.org/kor/ek/sub2017_7/pdf_down/Uzbekistan%20ICH%20promotional%20book(uzb).pdf))

Аския noun ^ uzbek oratory one of the forms of Uzbek folklore, which consists of fan dialogues between several persons or groups. The performance of askiya – askiyagui – is usually conducted at the leisure time, friendly parties – oshi kharifona, weddings, teahouses, picnics etc. for the purpose of amusing, competing, and relaxing. The main specialty of the genre askiya is concluded in an

immediately following embarrassing reply, witting, talent of metaphorical building statements and expressions as well as contribution to a loud laugh. In the tradition, a slow reply is considered as the loss of participator / group participators, what is typical to such genres as badeha, baytbarak, and latifa:¹⁶⁹

Аския санъатини илмий жихатдан ўрганган олим Расул Муҳаммадиев ўзбекларнинг аския айтиши қадим замонлардан бошланганини қайд этган (<http://uza.uz/uz/society/zbek-askiyasi-1-aprel-azil-kunidan-oldinro-paydo-b-lgan-31-03-2018>).

Ўзбек миллий ҳазил-мутуйиба санъати – аския ЮНЕСКОнинг номоддий маданий мерос рўйатига киритилди <http://turizm.kasaba.uz/uz/news/147>.

Ганчкори adjective ^ carving a variety of decorative-applied arts, connected with the craft of carving / engraving. Gach is the variety of white soft stone, especial mineral that is boiled and then used to decorate buildings mildly. The powder of gach is also used, which is remarkable for its special mildness. It is called gulgach. As distinct of carving, the craft kachkori is easier and simpler 57 in carving. However, the use of it requires a strict observance of special difficult rules:¹⁷⁰

Гачкори усули ўрта асрларда масжиду мадрасалар, уларнинг эшиклари, ром ҳамда шифтларини безашда ишлатилган. Муҳамидов яратган ганчкори нақшлар нафислиги ҳамда замонавий бинолар билан уйғунлиги диққатга сазовор. (<http://taqvim.uz/uzc/event/view/1104>)

Доира noun ^ musical instruments an ancient percussive musical instrument, it is made from mulberry, acacia, and vine trees. The chorchuba volume of doyra is usually 14 – 40 sm., thickness is 3 – 5 sm., the skin of bull, goat, and colt is covered on it, and it is roundly decorated with iron rings. The instrument has a round form. The palms and fingers of both hands are used at

¹⁶⁹ Short Booklet On Intangible Cultural Heritage Of Tajiks. – Душанбе: «Адиб», 2016. – P. 16.

¹⁷⁰ Short Booklet On Intangible Cultural Heritage Of Tajiks. – Душанбе «Адиб», 2016. – P. 56.

playing on doyra. While playing, doyra is supported with a left hand; the palm and all fingers of right hand play actively:¹⁷¹

«Доира ва унга яқин урма мусиқа чолғулари тожик, арман, озар, уйғурларда – дан, данн, дафф, дэф деб номланади. »
(<https://gomus.info/encyclopedia/cat-d/doira-uz/>). «Дарвоқе, бу менинг иккинчи уринишим – ўтган йил бошида шогирдларим билан диаметри 1,5 метр бўлган доирани яратдим. Кейин ўз рекордимни янгилашга қарор қилдим ва 20 сантиметрдан каттароқ доира ясадим», – дейди уста.
(<https://kun.uz/news/2019/01/11/tojikistonda-dunyodagi-eng-katta-doira-yasaldi>)

Фаол нутқ малакалари тил амалиётчисидан тилнинг турли аспекти билимини актив нутқ жараёнида қўллашни талаб қилади. Ахборот яратиш процессидаги шахсга лексик бирликларнинг, энг аввало, тўғри графикаси (ёзма ахборот тақдимотида), фонетикаси (оғзаки ахборот тақдимотида), туркуми, морфологик хусусиятлари, бошқа сўзлар синтактик муносабатлари, контекстуал-стилистик хусусиятлари, ҳосил қиладиган ибора ва турғун бирикмаларининг ҳаммаси муҳим. Тил амалиётчиси хорижий тилда нутқ яратар экан, юқорида келтирилган тил аспектиларининг барчаси эквивалентга алоқадор равишда луғатларда берилади. Хорижий тилда нутқ яратиш жараёни онгли равишда тасаввур қилиб кўрилса, сўзловчи тилга чиқармоқчи бўлган ахборотини аввал ўз она тилида ўйлайди. Сўнг ўша ахборотни хорижий тилда яратиш учун зарурий лексик-грамматик воситаларни излайди. Улардан қайсидадир билимида ноқислик сезадиган бўлса, айнан шу билимдаги бўшлиқни луғат воситасида тўлдиришга уринади. Бу унинг луғатдан она тилидаги сўзга мақбул эквивалент топишини тақозо этади. Луғатда тақдим этилган эквивалентлар бир нечта бўлиши, улар услубий контекстуал хусусиятлари билан фарқланиши мумкин. Тадқиқ нишондаги луғатимиз инглиззабон маданият вакиллари экан, луғат леммалари инглиз тилидаги сайёҳлик терминлари бўлади. Улар тўғрисидаги барча маълумот

¹⁷¹ Short Booklet On Intangible Cultural Heritage Of Tajiks. – Душанбе «Адиб», 2016. – P. 75.

луғат фойдаланувчисига маълумлиги ва аҳамиятсизлиги туфайли уларнинг фақат туркумини кўрсатиб ўтамиз (зеро, инглиз тилида омонимлик ҳодисаси жуда кенг тарқалган).

Учрайдиган дастлабки мураккаблик эквивалент сўзлар транскрипцияси бўлади. Инглиз ва ўзбек тили фонетик тизимларидаги тафовутлар туфайли ўзбек сайёҳлик терминлари талаффузини инглиззабон ўқувчи учун тушунарли транскрипция шартли белгиларида ифодалаш қийинчиликлар туғдиради. Инглиз тилида 24 та ундош фонема мавжуд: [p], [b], [t], [s], [k], [g], [n], [ŋ], [l], [m], [h], [v], [d], [z], [ʃ], [ʒ], [tʃ], [dʒ], [w], [r], [j], [θ], [ð], [f].

Ўзбек тили ундошлар гуруҳини 23 та ундош фонема ташкил этади: [p], [b], [f], [v], [s], [z], [t], [d], [sh], [j], [k], [g], [x], [gʻ], [q], [h], [n], [l], [r], [y], [ch], [m], [ng].

[θ, ð, w] инглиз ундошлари ўзбек тилида эквивалентига эга эмас. Ўзбек тилидаги [x, gʻ, q] ундош фонемаларининг ҳам инглизча эквиваленти мавжуд эмас. Ҳар иккала тилда мавжуд товушлар ҳам артикуляцион, акустик ва фонологик жиҳатдан фарқли хусусиятларни намоён этади:

- 1) ўзбек тилидаги [t, d] ундош товушлари тил олди, дорсал, инглизча /t,d/ фонемалари эса алвеолар ва апикал;
- 2) ўзбек тилидаги [s, z] дорсал, [sh, j] палатал алвеолар бўлса, инглизча [s, z] апикал алвеолар;
- 3) инглизча [n] апикал-алвеолар, ўзбек тилидаги [n] дорсал ҳамда дентал;
- 4) инглиз тилидаги [r] какуминал, пост-алвеолар товуш ҳисоблансада, ўзбек тилида у титроқ товушдир.¹⁷²

Қолган ундошлар тиллараро ўхшаш хусусиятларни намоён этади: [p, b, m, f, v, sh(ʃ), j(ʒ), ch(tʃ), j(dʒ), k, g, ng(ŋ), h]. Инглиз ва ўзбек тили консонантлари (ундош товушлари) қиёсий таҳлилини қуйидаги жадвалда акс эттириш мумкин¹⁷³:

¹⁷² Abduazizov A.A. Theoretical Phonetics of Modern English. – Tashkent, 1986. – Б-68.

¹⁷³ Исмаилова Б.Е. Ўзбек аудиториясида биринчи курс студентларини инглиз тилининг консонантизмга ўргатишнинг лингводидактик асослари. – Toshkent, 2015. – Б-39.

nutq organlarining harakati		Lab undoshlari		Til undoshlari								B O G I Z
				Til oldi				Til o'rta		Til orqa		
Hosil bo'lish o'rni	Hosil bo'lish usuliga ko'ra	Lab-lab	La-b-tis-h	Dor-sal	Apikal			Kalkuminal		o'rta	Sa-yoz	Chu-qur
				Den-tal	Int-er-den-tal	Al-ve-ola-r	Palta-alve-olar	Alve-olar	Po-st-alve-olar			
Okkulisiv undoshlar	Portlovchi	Ing	p, b				t, d				k, g	
		O'z'	p, b		t, d						k, g	q
	Sonorantlar (burun)	Ing	m				n				ŋ	
		O'z'	m		n						ng	
Konstruktiv Undoshlar	Simg'aluvchilar (frikativ)	Ing		f, v		θ, ð	s, z	ʃ, ʒ				h
		O'z'		f, v	s, z			sh, j				x, g'
	Sonarantlar	Ing	w						r	J		
		O'z'								y		
Affrikatlar (qorishliqlar)		Ing					tʃ, dʒ					
		O'z'						ch, j				
Titroq undosh (rolled konsonantlar)		Ing										
		O'z'			r							

Луғат фойдаланувчиси фаол тил амалиётида чалкашликлар келтириб чиқармаслиги, унга хорижий тил (ўзбек тили) аниқ, тушунарли талаффузига эга бўлишида кўмак бериш учун луғатдан фойдаланиш йўриқномасида тиллараро товушлар артикуляцион фарқини тасвирлаб бериш лозим бўлади.

Назарий фикрларимизни қуйидаги намуналар воситасида асослаб берамиз:

Locality noun ≈ noun [possessive case] жой /joy/:

Бинонинг жойи хавфсиз кўринмайди, поезд ўтганда омонатгина чайқалгандай бўлади.

Сўнги пайтларда бу майдонда бир неча минерал қазими жойлари топилди.

≈ noun ҳудуд /hudud/, макон /makon/, майдон /maydon/:

Бу жойдан бутун қишлоқ бетакрор табиатини кузатса бўлади.

Ҳудуд флора ва фаунаси тўғрисидаги маълумотни маҳаллий табиатни муҳофаза қилиш ташиклотида қўлга киритишингиз мумкин.

Бу маконда дўстлик, олийжаноблик ва олийҳимматлик улуғланади; хасислик, ёлгончилик ва адоват қораланади.

Sights noun [plural] ≈ noun phrase [plural] [applies to different kinds of places] диққатга сазовор жойлар /diqqatka sazovor joylar/:

Фестиваль майдони ҳар бир амирликдан махсус тарихий обидалар ва диққатга сазовор жойлар макетлари экспозициясини ўзида жамлаган. (<https://uzbektourism.uz/cyrl/newnews/view?id=905>)

≈ noun phrase [plural] [applies to architecture] меъморий ёдгорликлар /me`moriy yodgorliklar/:

Барча меъморчилик ёдгорликлари билан танишиб чиқиш учун бир неча кун керак бўлади. (<https://damda.uz/uz/blog/buhara/>)

Паҳлавон Маҳмуд мақбараси Хивадаги меъморий ёдгорликлардан биридир. (http://turizm.kasaba.uz/uz/sights_of_uzbekistan)

≈ noun phrase [plural] [applies to architecture] тарихий обидалар /tarixiy obidalar/

Мамлакатимиз сайёҳлик қўлами ва тарихий обидаларининг кўплиги жиҳатдан дунёда олдинги ўринлардан бирида туради.

(http://turizm.kasaba.uz/uz/sights_of_uzbekistan)

≈ noun phrase [plural] [literary form] тарихий қадамжолар:

Дунёда Марказий Осиё мамлакатлари тарихий қадамжоларга бойлиги билан машхур, десак муболага бўлмайди.

Келинг, бу борада kalpak-travel.com сайти тузган энг машхур (тарихий) қадамжолар рўйхатини биргаликда кўриб чиқамиз. (<http://xs.uz/uzkr/post/markazij-osiyodagi-diqqatga-sazovor-zhojlar-10-taligi>)

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, инглиззабон маданият вакиллари учун актив ва пассив таржима луғатларининг яратилиши юртимиз иқтисодий салоҳияти учун юқори аҳамият касб этади. Инглиззабон маданият вакиллари учун сайёҳлик луғатлари яратишда, юртимизда мавжуд туризм хизмат, товар ҳамда мамлакатимиз маданий шароитига асосланиб луғат таркибини шакллантириш керак. Инглиззабон маданият вакиллари учун ўзбек сайёҳлик терминларининг актив луғатларда транскрипциясини ифодалаш тиллараро фонетик-фонологик тафовутлар туфайли мураккаблик касб этади.

Боб бўйича қисқа хулосалар

1. Икки йўналишли таржима луғатлари икки маданият вакиллари учун мўлжалланганликни англатмайди. Туризм терминларининг актив ва пассив таржима луғатларидаги лексикографик талқини ўзаро фарқ қилади: пассив луғатларда хорижий сўзнинг она тилидаги изоҳи келтирилса, актив луғатлардан она тилидаги сўз орқали унинг хорижий эквиваленти топилади.

2. Инглизча тилида омонимиянинг кенг тарқалганлиги туфайли луғат микроструктурасида леммаларнинг туркуми ҳақидаги маълумот зарур. Инглиз сайёҳлик терминларининг пассив луғатлардаги талқинида мавжуд бошқа синонимлар ҳам келтирилиши керак. Чунки, биринчидан, кўп миллатли таркибга эга инглиз сайёҳлик терминосистемасида сўзлар синонимияси мавжуд; иккинчидан, такрордан қочиш учун фойдаланувчи қўл остидаги матнда уларнинг бир нечтаси келтирилиши мумкин. Бу матн талқинини осонлаштиради.

3. Кўп тармоқли таркибга эга туризм терминосистемаси луғат леммаларининг домени тўғрисидаги маълумотни ҳам тақдим этишни тақозо этади. Инглиззабон маданият вакиллари учун актив ва пассив таржима луғатларининг яратилиши юртимиз иқтисодий салоҳияти учун юқори аҳамият касб этади. Инглиззабон маданият вакиллари учун сайёҳлик луғатлари яратишда, юртимизда мавжуд туризм хизмат ва товарлари ҳамда мамлакатимиз маданий шароитига асосланиб луғат таркибини

шакллантириш керак. Инглиззабон маданият вакиллари учун ўзбек сайёҳлик терминларининг актив луғатларда транскрипциясини ифодалаш тиллараро фонетик-фонологик тафовутлар туфайли мураккаблик касб этади.

ХУЛОСА

Ўзбек ва инглиз тилларидаги туризм терминлари қиёсий тилшуносликда алоҳида ўрин тутди. Туризмга оид сўзларда маълум бир халқнинг ўтмиши, маданияти, анъана ва қадриятлари акс этиб, улар ўзига хос семантик, миллий-маданий ва «ўзига хос» хусусиятларга эга. Шулар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Лексик-семантик типологияда тиллараро тафовутни ўрганиш асносида лингвистик универсалиялар юзага чиқади. Турли тилларнинг терминосистемасини тадқиқ этиш терминга таъриф бериш, уларнинг лексикографик талқини хусусиятларини ёритиш, таржимадаги ўзига хосликларни белгилаш тамойилларини ишлаб чиқишдан бошланади.

2. Бошқа терминосистемада бўлганидек, туризм терминлари тизими ҳам Жаҳон туризм ташкилотининг мезонларига мос келиши лозим. Бунинг учун ҳар бир тилда бу терминларини мавзувий жиҳатдан таснифлаш мақсадга мувофиқ. Тадқиқнинг бу усули ўзбек-инглиз терминосистемасига ҳам мувофиқ келади. Инглиз туризм терминологияси маданиятлар кесимида шаклланганлиги сабабли синонимия, антонимия, полисемия ва маъно кўчиш ҳодисаларининг салмоғи юқори.

3. Ўзбек туризм терминологиясининг аксарият қисми ўзлашма: уларнинг катта улуши инглиз тилидан сўз ўзлаштириш орқали юзага келган. Ўзбек маданияти ҳам дунё терминологиясини кўплаб, жумладан, шарқ архитектурасига оид терминлар билан бойитган.

4. Турли структурага эга, турфа маданиятлар маҳсули бўлган инглиз-ўзбек лексиконлари сезиларли фарқларга эга. Инглиз туризм терминологиясига конкретизация хос бўлса, ўзбек тилида тушунча ифодаси кенгроқ изоҳни талаб этади. Инглиз ва ўзбек сайёҳлик терминологиясидаги сезиларли фарқ фонетика ва ёзув планида кузатилади.

5. Туризм терминосистемасида тиллараро сўзма-сўз таржима мукамал таржима саналмайди. Туризм контентидаги материал таржимаси, талқинида

эса маданият масаласи етакчи омил ҳисобланади. Сайёҳлик матни маданий маълумотини тўлиқ сақлаб қолиш, таржима маҳсулини потенциал истеъмолчига тушунарли қилиш бир-бирига тескари пропорционал: бунда маъқул ораликни топиш муҳимдир.

6. Реалиялар таржимаси – диққатталаб жараён. Айрим бирликлар таржимаси транслитерация ва транскрипциянинг қўлланишини тақозо этса, сайёҳлик матнлари таржимаси буюртмачи эҳтиёжига кўра ассоциациялаш усули, кенгайган тавсифий изоҳ ёки функционал муқобил воситасида амалга оширилади. Ўзбек тилининг инглиз туризм терминосистемасига қўшадиган ҳиссаси реалиялар (ўзбекча миллий-маданий тушунчалар) билан боғлиқ. Реалиялар фақат маданиятимизга хос бўлганлиги боис ўзга тилдаги эквиваленти кўп ҳолларда уларнинг моҳиятини тўлиқ очиб бермайди. Шу сабабдан уларни ўзлаштиришдаги энг мақбул усул транскрипция ва транслитерациядир.

7. Калькаләш элементлари хорижий график ҳамда фонетик қиёфаси билан коммуникатив функцияни бажаролмаганда ёрдамчи техника сифатида амалга оширилади. Калькаләш, транскрипция ёки транслитерация натижасида ўзбек сайёҳлик терминосистемасида терминологик дублетлар юзага келган.

8. Инглиз сайёҳлик терминосистемасининг баъзи элементлари моҳияти аниқ бўлишига қарамай, маданий мақбул кўрилмаган тушунча, маҳсулот ёки хизмат турини ифодалагани боисидан таржимасига эҳтиёж йўқ. Сайёҳлик терминларининг контекстуал таржимасида лингвистик муқобилликка эмас, балки, функционал муқобилликка урғу бериш бирламчи мақсад бўлиши керак. Сайёҳлик матнларидаги маданий маълумот билан бирга матннинг функционал-чақирувчилик (vocative) хусусиятини сақлаб қолиш муҳим.

9. Икки йўналишли таржима луғатлари ҳар иккала маданият вакиллари учун мўлжалланганликни англатмайди. Туризм терминларининг актив ва пассив таржима луғатларидаги лексикографик талқини ўзаро фарқ қилади: пассив луғатларда хорижий сўзнинг она тилидаги изоҳи келтирилса, актив

луғатлардан она тилидаги сўз орқали унинг хорижий эквиваленти топилади. Кўп тармоқли туризм терминосистемаси луғат леммаларининг домени тўғрисидаги маълумотни тақдим этишни тақозо этади.

10. Инглиззабон маданият вакиллари учун актив ва пассив таржима луғатларининг яратилиши юртимиз иқтисодий салоҳияти учун юқори аҳамият касб этади. Бинобарин, сайёҳлик луғатларини тузишда, юртимизда мавжуд туризм хизмат ва товарлари ҳамда мамлакатимиз маданий шароитига асосланиб луғат таркибини шакллантириш керак. Инглиззабон сайёҳлар учун ўзбек туризм терминларининг актив луғатларда транскрипциясини ифодалаш тиллараро фонетик-фонологик тафовутлар туфайли мураккаблик касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ижтимоий-сиёсий адабиётлар

1. «Ўзбекистон Республикаси давлат тили ҳақида»ги Қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 488 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – 48 б.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони // www.xabar.uz

II. Илмий рисола, монография, дарслик, ўқув ва методик қўлланмалар

6. Allan K. Natural Language Semantics. – Oxford: Blackwell Publishers, 2006. – 154 p.
7. Gleason H. An Introduction to Descriptive Linguistics. – New York: Henry Holt, 1955. – 406 p.
8. Nida E. Theories of Translation. In.: TTR, Volume IV, Number I, 1991. – 15 б.
9. United Nations, Recommendations on tourism statistics, New York, 1994, P. 20
10. Абдурахмонов Ф., Мамажонов С. Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, «Ўзбекистон», 2002. – Б. 90.
11. Аракин В.Д. Сравнительная типология английского и русского языков. – М.: Физматлит, 2005. – 232 с.
12. Афанасьев В.Г. Системность и общество. – М.: Политиздат, 1980. – 432 с.
13. Ахо А., Ульманн Дж. Теория синтаксического анализа, перевода и компиляции. В двух томах. пер. с англ. – М.: Мир, 1978. – 306 с.

14. Бархударов Л. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Междунар. отношения, 1975. – 240 с.
15. Бўронов Ж. Инглиз ва ўзбек тилларининг қиёсий грамматикаси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1973. – 283 б.
16. Влахов С., Флорин С. Непереводимое в переводе. Издание третье. Исправленное. – М.: Валент, 2006. – 343 с.
17. Ганиев Ф.А. Вопросы морфологии татарского языка. – Казань: Наука, 1980. – 80 б.
18. Ғуломов А. Фейл. – Тошкент: 1954. – 88 б.
19. Дубровская Е.А. Лексикография английского языка // Гуманитарные научные исследования. 2019. №3 – URL: <http://human.snauka.ru/2019/03/25653>
20. Жигалдо В., Иванова И., Иофик Л. Современный английский язык. – М.: Литература на иностранных языках, 1956. – 422 с.
21. Зикриллаев Ғ. Истиқлол ва адабий тил. – Тошкент: Фан, 2004. – 119 б.
22. Зикриллаев Ғ.Н. Фейлнинг шахс, сон, ҳурмат категорияси системаси. – Тошкент: Фан, 1990. – 110 б.
23. Козырев В.А., Черняк В.Д. Современные ориентации отечественной лексикографии. – СПб: РГПУ им. А.И.Герцена, 2000. – 356 с.
24. Косовский Б. Общее языкознание. – Минск, 1969. – 417 с.
25. Қўчқортоев И.К. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Ташкент, 1977. – 205 б.
26. Маҳмудов Н., Нурмонов А. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси (синтаксис). – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 149 б.
27. Мельчук И.А. Курс общей морфологии. Т.1. – Москва-Вена: Прогресс, 1997. – 596 с.
28. Мещанинов И.И. Члены предложения и части речи. –Л.: Наука, 1978. – 256 с.
29. Миньяр-Белоручаев Р. Теория и методы перевода. – М.: Московский Лицей, 1996. – 298 с.

30. Миртожиев М. Ўзбек тили семасиологияси. – Тошкент: «Мумтоз сўз», 2010. – 288 б.
31. Мусаев. Қ. Таржима назарияси асослари. – Тошкент: Фан, 2005. – 352 б.
32. Неъматов Х., Ғуломов А., Абдураимова М., Қосимова Н. Она тили. 6-синф учун дарслик (синов).– Тошкент: Ўқитувчи, 1998. – 176 б.
33. Неъматов Х., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 112 б.
34. Нурмонов А., Шаҳобиддинова Ш., Искандарова Ш., Набиева Д. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 256 б.
35. Раҳматуллаева Ш. Ўзбек тилидаги ҳаракат ҳаракат тарзи шаклларилинг лингвокультурологик ва социопрагматик аспекти. – Қарши: Насаф, 2018. – 96 б.
36. Сайфуллаева Р., Менглиев Б., Боқиева Г. ва бошқ. Ҳозирги ўзбек адабий тили. – Тошкент: ФТ, 2010. – 391 б.
37. Сафаров Ш. Семантика. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2013. – Б. 270.
38. Севортян Э.В. Морфологическое строение слова в связи с другими его характеристиками. – В. Кн.: Тюркологический сборник. – М., 1972. – 268 б.
39. Смирницкий И. Морфология английского языка. Литература на иностранных языках. – М, 1959. – 248-274 с.
40. Солнцев В.М. Язык как системно-структурное образование. – М.: Наука, 1971. – 294 с.
41. Фамина Н. Лексикология английского языка: курс лекций. – М: Мадд, 2018. – 96 с.
42. Федоров А. Основы общей теории перевода. – М.: Высшая школа, 1983. – 303 б.
43. Хлебникова И.Б. Морфология английского языка. – 3-е издание испр. И.Б.Хлебникова. – М.: Высшая школа, 2004. – 135 с.

III. Матбуот материаллари ва илмий мақолалар

44. Abduhamidova I. O`zbek tili turistik terminlarining lisoniytakomili va leksik-semantik tadqiqi. – Namangan, 2018.
45. Feist M.I. Minding your manners: linguistic relativity in motion. – *Linguagemem Discourse – LemD*, Tubarão: SC, 2016. – 591-602 p.
46. Mohamed Zain Sulaiman. The misunderstood concept of translation in tourism promotion. – *University Kebangsaan Malaysia*. – P.53.
DOI: 10.12807/ti.108201.2016.a04.
47. Sezgin, Erkan & Yolal, Medet. (2012). *Golden Age of Mass Tourism: Its History and Development*. 10.5772/37283.
48. Talmy L. Lexical typologies. In Timothy Shopen, ed. *Language typology and syntactic description*, 2nd ed. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 2007. – 1968 p.
49. Talmy L. Lexicalization patterns: Semantic structure in lexical forms. In Timothy Shopen, ed. *Language typology and syntactic description*. Vol. III: Grammatical categories and the lexicon. Cambridge: Cambridge University Press, 1985. – 57-149 p.
50. Talmy L. Path to realization: A typology of event conflation. In Laurel A. Sutton, Christopher Johnson & Ruth Shields, eds. *Proceedings of the 17th Annual Meeting of the Berkeley Linguistics Society*. Berkeley, CA: Berkeley Linguistics Society, 1991. – 480-519 p.
51. Talmy L. Semantics and syntax of motion. In John P. Kimball, ed. *Syntax and semantics 4*. New York: Academic Press, 1975 – 57-149 p.
52. Talmy L. *Toward a cognitive semantics*. Vol. I: Concept structuring systems; Vol. II: Typology and process in concept structuring. Cambridge, MA: MIT Press, 2000. – 565 p.
53. Yurko N. A., Styfanyshyn M. I., Romanchuk O. V., The characteristics of English terms structure in tourism industry, *Scientific journal of the Lviv State University of Life Safety «Philological Periodical of Lviv»*. № 5, 2019.

54. Абдуҳамидова Л.А. Ўзбек тили туристик терминларининг лисоний тақомили ва лексик-семантик тадқиқи. – Наманган, 2018. – Б. 67.
55. Багирова С. Туризм терминларининг ўзбек, рус ва испан тилларида қўлланилиши // Замонавий роман-герман тилшунослиги ва тилларни ўқитишда янги педагогик технологиялар. Республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Самарқанд, 2018. – Б. 139.
56. Бегматов Э., Неъматов Ҳ., Расулов Р. Лексик микросистема ва унинг тадқиқ методикаси (Систем лексикология тезислари) // Ўзбек тили ва адабиёти. № 6, 1989. – 35-50 б.
57. Гумбольдт В. О различии строения человеческих языков и его влияние на духовное развитие человеческого рода. // «Избранные труды по языкознанию». – М, 1984. – 37-297 с.
58. Земская Э.А. Как делаются слова. – Москва, 1963.
59. Мадвалиев А. Ўзбек тили терминологияси ва лексикографияси масалалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2017. – Б.89.; Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии. – Москва, 1961. – С.9.
60. Мадраҳимов И. Сўзнинг серқирралиги ва уни тасниф қилиш асослари. Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Тошкент, 1994. – 24 б.
61. Маҳмудов Н. Тил тилсими тадқиқи. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2017. – Б. 144.
62. Мирзаев И.К. Проблемы передачи слов, обозначающих реалии французской жизни на узбекский язык. Ленинград, 1975.
63. Платонов К.К. О системе психологии. – М.: Мысл, 1972. – 216 с.
64. Сирожиддинов Ш. Сўз ўзлаштириш омиллари хусусида// Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 4. – Б.83.
65. Степанов Ю., Проскурин С. Концепт «действие» в контексте мировой культуры. // Логический анализ языка: модели действия. – М.: Наука, 1992. – 166 с.

66. Степанова А., Шашкора С. О синонимии на уровне текста \\ Лексическая и грамматическая семантика романских языков. – Калинин: КГУ 1980. – 158 с.

67. Хушмуродова Ш.Ш. Borrowing in the Uzbek and English languages // Хорижий филология. Тил-адабиёт-таълим, илмий-услубий журнал, Самарқанд, 1(70) / 2019. – Б. 86.

68. Широнова Е. Ўзбек тили банк-молия терминологиясида калька // Ўзбек тили ва адабиёти, 2017. – № 2. – Б. 107.

IV. Диссертациялар ва диссертация авторефератлари

69. Позднышева И.Н. Сопоставительный анализ автомобильных терминосистем в английском, французском и русском языках: диссер. канд. филол. наук. – Москва, 2007. – 24 с.

70. Сытникова Т.А. Англоязычная компьютерная техническая терминосистема как объект лингвокогнитивного исследования: Автореф. канд филол. наук. – Владивосток, 2010. – 26 с.

71. Сулейманова А.К. Терминосистема нефтяного дела и ее функционирование в профессиональном дискурсе специалиста: Диссер. докт. филол. наук. – Уфа, 2006. – 48 с.

72. Молнар А.А. Особенности формирования терминосистемы информационных технологий: на материале французского языка: автореф. канд. филол. наук. – Москва, 2012. – 27 с.

73. Шабардина С.В. Становление терминосистемы права в английском языке: автореф. диссер. канд. филол. наук. – Москва, 2002. – 27 с.

74. Алексеев Е. С., Мячев А. А. Англо-русский толковый словарь по системотехнике ЭВМ: Для пользователей ЭВМ. – М.: Финансы и статистика, 1993. – 256 с.

75. Алексеева Л. М. Проблемы термина и терминообразования. Учебное пособие по спецкурсу. – Пермь, Изд. ПТУ, 1998. – 119 с.

76. Алексеева Л. М. Метафорическое терминопорождение и функции терминов в тексте: Автореф. дис. д-ра филол. наук. – Пермь, Изд. ПТУ, 1999. – 32 с.
77. Амирова Т.А., Ольховиков Б.А., Рождественский Ю.В. История языкознания. – М.: Издательский центр «Академия», 2008. – 672 с.
78. Арутюнова Н.Д. Функциональные типы языковой метафоры // Известия Академии наук СССР. Серия литературы и языка. – М.: Наука, 1978. – Т. 37. №4. – С. 333-343.
79. Арутюнова Н.Д. Метафора и дискурс // Теория метафоры. – М.: Прогресс, 1990. – 512 с. – С.5-32.
80. Ахманова О.С. Очерки по общей и русской лексикографии. – М.: Учпедгиз, 1957. – 182 с.
81. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. Энциклопедия, 1966. – 607 с.
82. Баранов А. Н. Лингвистическая экспертиза текстов. Теоретические основания и практика. – М.: Флинта, 2007. – 592 с.
83. Борхвальдт О.В. Историческое терминоведение в теории и практике. – Красноярск: РИОКГПУ, 2001. – 148 с.
84. Буянова Ж.Ю. Термин как единица логоса. – Краснодар: Кубанский гос. ун-т, 2002. – 184 с.
85. Винокур Г.О. О некоторых явлениях словообразования в русской технической терминологии // Труды МИФ ЛИ. – М.: Изд-во Московского ин-та ист. филос-ии и литр-ры, 1939. Т.5. – 354 с.
86. Володина М.Н. Теория терминологической номинации. – М.: Изд. МГУ им. Ломоносова, 1997. – 180 с.
87. Володина М.Н. Когнитивно-информационная природа термина и терминологическая номинация: дис. д-ра филол. наук. – МГУ им. Ломоносова, 1998. – 345 с.
88. Головин Б.Н., Кобрин Р.Ю. Лингвистические основы учения о терминах. – М.: Высшая школа, 1987. – 159 с.

89. Городецкий Б.Ю. Термин и его лингвистические свойства // Структурная и прикладная лингвистика. – Л., 1987. Вып.3. – С.25-62
90. Гринев С.В. Введение в терминологическую лексикографию. Учебн. пособие. – М.: Изд-во МГУ, 1986. – 102 с.
91. Гринев С.В. Введение в терминоведение. – М.: Московский лицей, 1993. – 309 с.
92. Гринев С. В. Основы лексикографического описания терминологии. Автореф. дис. .док.филол. наук. – М.: МГУ, 1990. – 43 с.
93. Бобожонов Ш. Семема, унинг нутқий воқеланиши ва лексикографик талқини: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд: 2004. – 21 б.
94. Виноградова Л.В. Терминология туризма английского и русского языков в синхронном и диахронном аспектах. – Великий Новгород, 2011. – С. 14.
95. Гурбанов З.Г. Лексика азербайджанского литературного языка XVII века: Автореф. дисс. кан. филол. наук. – Тошкент: 1972. – 22 с.
96. Искандарова Ш. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари. Филол.фан. номз. дисс. автореф. – Самарқанд, 1993. – 27 б.
97. Кушнина Л.В. Взаимодействие языков и культур в переводческом пространстве: дисс. д-ра филолог. Наук // Л.В.Кушнина. – Пермь, 2006. – 49 с.
98. Мўминов С.М. Ўзбек мулоқот хулқининг ижтимоий-лисоний хусусиятлари. Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент: 2000. – 20 б.
99. Пшенкина Т.Г. Вербальная деятельность переводчика в межкультурной коммуникации: психолингвистический аспект: дисс. д-ра филолог. наук // Т.Г. Пшенкина. – Барнаул, 2005. – 333 с.
100. Раҳматуллаева Б.Х. Этикетные формы обращения и привлечения внимания в современном русском языке (в сопоставлении с узбекским): Автореф. дисс. канд. филол. наук. – Ташкент: 1992. – 25 с.
101. Сайфуллаев А. Предлог ва кўмакчиларнинг номинатив синтагматик ва типологик структуравий мақоми. Филол. фан. номз. дисс. – Тошкент: 2017. – 162 б.

102. Сафаров Ф.С. Ўзбек тилида сон-миқдор микромайдони ва унинг лисоний-нутқий хусусияти: Филол. фан.номз. дисс. автореф. – Самарқанд: 2004. – 20 б.
103. Тоирова Г.И. Ўзбек нутқий мулоқотида системавийлик ва информативлик: Филол. фан. фалс. док. дисс. (PhD). – Тошкент, 2017. – 157 б.
104. Томахин Г.Д. Теоретические основы лингвострановедения (на материале лексических американизмов английского языка): Автореф. дисс. д-ра филол. наук // Г.Д. Томахин. – Москва, 1984. – 32 с.
105. Утешева З.Х. Лингвокультурологический аспект в методике обучении речевого этикета на иностранном языке: Автореф. дисс. канд. филол. наук. –Ташкент, 2009. – 25 с.
106. Хайруллин В.В. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты перевода: Автореф. дисс. д-ра филол. наук / В.В.Хайруллин. – М, 1995. – 46 с.
107. Юлдошева Н.Э. Йиғиқ гапнинг формал-функционал талқини: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 26 б.
108. Юнусова З. Ўзбек тилида луғавий микросистема ва унинг тараққиёти: Филол. фан.номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2004. – 25 б.

V. Луғатлар

109. Ғуломов А. ва б. Ўзбек тилининг морфем луғати. – Тошкент, 1977. – 463 б.
110. Менглиев Б., Баҳриддинова Б. Ўзбек тилининг сўз таркиби ўқув луғати. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 123 б.
111. Словарь неологизмов. Неологизмы XXI века // <https://russkiiyazyk.ru/leksika/slovar-neologizmov.html>
112. Ўзбек тилининг изоҳли луғати 5 жилдли. 1-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – 113 б.
113. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 2-жилд. – Тошкент: ЎЗМЭ, 2006. – 672 б.

114. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 3-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 688 б.
115. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 4-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2000-2006. – 608 б.
116. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. 5-жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 592 б.
117. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдли. I жилд. – Тошкент: ЎзМЭ, 2006. – 680 б.
118. Ўзбек тилининг имло луғати. (Тузувчилар: Э.А.Бегматов, А.П.Мадвалиев; Н.Маҳмудов таҳрири остида). – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 520 б.
119. Ҳожиёв А. Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. Тошкент: Фан, 2012. – 168 б.

VI.Интернет материаллари, электрон ресурслар

120. https://uz.wikipedia.org/wiki/Imkoniyat_va_voqelik
121. https://studopedia.su/13_132384_psihomotornaya-odarennost-i-reativnost.html
122. <https://www.unwto.org/glossary-tourism-terms>
123. https://www.lexico.com/definition/lingua_franca
124. https://en.oxforddictionaries.com/definition/open_up
125. [https://en.oxforddictionaries.com/definition/speak_out_\(or_up\)](https://en.oxforddictionaries.com/definition/speak_out_(or_up))
126. <https://en.oxforddictionaries.com/definition/shout>
127. <https://en.oxforddictionaries.com/definition/murmur>
128. <https://en.oxforddictionaries.com/definition/suddenly>
129. <https://en.oxforddictionaries.com/definition/whisper>
130. <http://www.dailykos.com/story/2012/10/10/1141887/-Abbreviated-Pundit-Round-up-Where-the-race-stands>
131. The Return of Chef (2006) (IMDB) (Open Subtitles)
132. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/onomatopoeia>
133. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/phrasal%20verb>

134. <https://www.learnersdictionary.com/definition/phrasal%20verb>
135. <https://studfile.net/preview/4200604/page:/65>
136. <https://studfile.net/preview/4200604/page:79/>
137. <https://www.merriam-webster.com/dictionary/modal%20verb>
138. https://engramm.su/phrasal_verbs/break
139. https://engramm.su/phrasal_verbs/keep
140. https://engramm.su/phrasal_verbs/start
141. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/gallop>
142. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/linger>
143. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/rush>
144. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/proceed>
145. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/occasionally>
146. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/intensively>
147. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/sharply>
148. <https://dictionary.cambridge.org/dictionary/english/tour>